

Н.Х.ЖУМАЕВ,  
Д.А.РАХМОНОВ,  
Д.М.АЗИМОВА

# ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ ҚАРЗИ ВА ИҚТИСОДИЙ ГЛОБАЛЛАШУВ

ТОШКЕНТ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ ҚАРЗИ  
ВА ИҚТИСОДИЙ ГЛОБАЛЛАШУВ**

**(Монография)**

**ТОШКЕНТ – 2021**

*Ўзбекистон Республикаси  
мустақиллигининг 30 йиллиги ва  
Тошкент давлат иқтисодиёт  
университетининг  
90 йиллигига бағишланади.*



УЎК: 336.27 (575.1)

КБК: 65.5(9)

**Н.Х.Жумаев, Д.А.Рахмонов., Д.М.Азимова. Ўзбекистонда давлат қарзи ва иқтисодий глобаллашув Монография. –Т.: «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи», 2020, 164 бет.**

ISBN 978-9943-7135-2-9

Мазкур монографияда давлат қарзининг илмий-назарий ва ўзига хос хусусиятлари, назарий асослари тадқиқ этилган. Ўзбекистонда давлат қарзи сиёсатининг амалга ошириш йўналишлари аниқланган ва баҳоланган. Шу билан бирга, хорижий мамлакатлардаги давлат қарзи сиёсати ва халқаро иқтисодий муносабатларнинг амалга ошириш йўналишлари ўрганилган бўлиб, давлат қарзи сиёсати самарадорлигини белгилаб берувчи омиллар ҳам тизимлаштирилган.

Ўзбекистонда давлат қарзи ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг ривожланиш тенденциялари ва унинг амалдаги ҳолати таҳлил қилинган. Ўзбекистонда давлат қарзини бошқариш – бюджет сиёсатининг устувор йўналиши эканлиги асосланган. Олиб борилган таҳлиллار асосида давлат қарзи ва ташқи иқтисодий фаолият самарадорлигини ошириш омилларининг методологик асосларини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Ушбу монографиядан молия соҳасидаги илмий изланувчилар, магистрантлар, молия соҳасидаги амалиётчи ходимлар ҳамда молия тизимида кизиқувчилар фойдаланишлари мумкин.

УЎК: 336.27 (575.1)

КБК: 65.5(9)

*Ўзбекистон Республикаси Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
Кенгашининг 2021 йил 31 мартдаги 8-сонли қарорига асосан чоп этилди.*

**Тақризчилар:** **С.К.Худойқулов** – Тошкент давлат иқтисодиёт университети проректори, и.ф.д.

**Ж.Х.Аганиязов** – Тошкент молия институти кафедра мудири, и.ф.д., проф.

ISBN 978-9943-7135-2-9

© «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи» 2021.

© Жумаев Н.Х., Рахмонов Д.А., Азимова Д.М., 2021.

## КИРИШ

Бугунги кунда жаҳон иқтисодиётида ташқи қарз ва уни бошқариш муаммолари долзарб аҳамият касб этмоқда. “Жаҳон банки гуруҳига кирувчи Халқаро ривожланиш ассоциацияси давлатлари 2018 йилда 387 млрд АҚШ долларидан ортиқ давлат ташқи қарзларини жалб этди. Ушбу қарзнинг асосий қисми Африка мамлакатларида қайд этилди”<sup>1</sup>.

Жаҳон банкининг маълумотларига кўра, 2018 йилда кам ва ўрта даромадли мамлакатларга молиявий (қарз ва капитал) оқимлар 2017 йилга нисбатан камайган. Ривожланаётган мамлакатларда молиявий оқимлар 2017 йилга нисбатан пасайиш тенденциясига эга бўлишига қарамасдан, давлатнинг ташқи қарз ҳажми улуши молиявий оқимлар жами ҳажмида 51,2 фоизни ташкил этмоқда. Бу ҳам мамлакатларда давлат қарзи ўсиш тенденциясини кузатиш мумкинлигидан далолат беради. Жаҳонда ташқи қарз билан боғлиқ муаммолар, асосан, бюджет дефицити ва инкирозли ҳолатлар вужудга келиши билан янада кескинлашмоқда. Жумладан, 2020 йилнинг биринчи чорагида юзага келган пандемия ҳолати инкирози жаҳонда бир неча млрд АҚШ доллари миқдорида давлат қарзларининг янги тўлқинини пайдо бўлишига сабаб бўлди.

Жаҳоннинг етакчи илмий марказлари томонидан ривожланаётган мамлакатлардаги молиявий оқимлар пасайиши ва давлатлар тўлов қобилияти тушишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ташқи қарзни жалб этиш мамлакатлар тўлов қобилияти билан бир қаторда геосиёсий майдондаги вазият барқарорлигига боғлиқлиги, давлат ташқи қарзининг юзага келишига таъсир этувчи омиллар таҳлили, қарзни бошқаришга бўлган ёндашувларни такомиллаштириш, мамлакатларда ялпи қарзнинг макроиқтисодий кўрсаткичлари, жумладан, ялпи ички маҳсулот, олтин-валюта захираси, экспорт ҳажми ва давлат бюджети даромадларига нисбатан улуши нобарқарорлигининг кескинлашуви каби масалалар илмий тадқиқотнинг муҳим йўналишларини ташкил этади.

---

<sup>1</sup> International Debt Statistics 2020. International Bank for Reconstruction and Development / The World Bank

Ўзбекистонда давлат қарзи билан боғлиқ кўрсаткичлар барқарор баҳоланаётган бўлса-да, унинг таркибий таҳлилида айрим мураккаб-ликлар мавжуд. Жумладан, давлат ялпи қарзида ички манбалар улушининг кичиклиги, ички қарз таркибида эса битта жамғарма улушининг катталиги давлат облигациялари аҳамиятини пасайтирмоқда. Давлат улуши бўлган корхоналар қарзи эса юқориликча қолмоқда. Давлат қарзининг юзага келишида алоҳида чегаравий меъёрларни амалиётга жорий этиш, ички бозорда давлат облигацияларининг қисқа ва узок муддатли шаклларини жойлаштиришда иштирок этиш қоидаларини такомиллаштириш, давлат ва ҳукумат кафолати берилишида маҳаллий ҳокимиятлар, хусусий секторлар учун алоҳида мезонларни шакллантириш каби муаммоларни ҳал этиш зарурлиги мазкур мавзунинг ҳаётий аҳамиятга эга эканлигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 21 июлдаги ПҚ-3877-сон «Ташқи молиялаштириш манбаларини диверсификациялаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 2 апрелдаги ПҚ-4258-сон «Ўзбекистон Республикасининг илк суверен халқаро облигацияларини жойлаштиришдан тушган маблағлардан самарали фойдаланиш тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу монография муайян даражада хизмат қилади.

# I БОБ. ДАВЛАТ ҚАРЗИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

## 1.1. Давлат қарзининг вужудга келиши ва унинг назарий асослари

Мамлакатда иқтисодий мувозанатни таъминлаш ва иқтисодий ресурсларни самарали йўналтиришда иқтисодий қонуниятлардан оқилона фойдаланиш муҳим ҳисобланади. Иқтисодий қонидалардан тўғри фойдаланишга макроиқтисодий барқарорликни таъминлашнинг бош омили сифатида қараш мумкин. Бу борада, нафақат ўз маблағларидан фойдаланиш, балки қарз маблағларидан фойдаланиш ҳам назарда тутилади.

Давлат қарзининг вужудга келишида давлат зиммасидаги ижтимоий вазифаларни бажариш учун маблағлар дефицити юзага келганда зарурат туғилади. Зарур бўлган маблағларни бюджетга солиқлар ҳисобидан жалб этиш иқтисодиётга солиқ юкининг ортишини келтириб чиқариши ҳисобига бошқа манбалардан ресурс жалб этиш ҳолатлари шаклланган. Иқтисодий мактаблар давлат қарзининг юзага келишига нисбатан турлича ёндашувларни баён қилишган. Классик мактаб вакиллари давлат қарзини жалб этишга қарши чиқишган бўлса, айримлар мазкур амалиётни қўллаб-қувватлашган. Классик мактаб вакиллари давлат қарзини қайтариш солиқлар ҳисобига амалга ошиши, унинг молиявий юки эса жамиятга тушишини инобатга олишни тавсия этганлар.

А.Смит давлат қарзининг тарафдори сифатида ўзининг фикрларини баён этмайди. Унинг хулосаларига кўра, давлат ноишлаб чиқариш субъекти бўлганлиги сабабли юқори самара бермайди. Бу эса саноатда фойдаланиш мумкин бўлган маблағлар бошқа йўналишга оқиб ўтишига шароит яратиши таъкидлаб ўтилади. Шу нуктаи назардан келиб чиқиб, давлат қарзини бюджетдан молиялаштириш хусусий капиталнинг қисқаришига шароит яратади ва самарадорлик тўлиқ таъминланмайди, деган хулосага келади.

Д.Рикардонинг фикри<sup>2</sup> ҳам давлат қарзи бўйича қатъий ва келишувларни назарда тутмайди. Қишлоқ хўжалиги, савдо ва бизнес

<sup>2</sup> Ricardo D. Principles of Political Economy and Taxation, под редакцией Gonner, 1913 год. С, 228-229,

давлатнинг аралашуви бўлмаган пайтда яхши ривожланишини қайд этади. Давлат маблағларининг манабаси – бу халқнинг капитали ҳисобидан шаклланишини таъкидлайди. Ушбу вазиятда қарз капиталнинг йўқолишига сабаб бўлиб, миллий бойликни камайтирмайди. Балки қарз бўйича фоиз тўловлари солиқ тўловчилар қўлидан миллий кредиторлар қўлига ўтишига шароит юзага келади. Шу боисдан, қарз бўйича асосий қарз суммаси муҳим аҳамиятга эга бўлади. Қарзнинг ҳисобидан истеъмолни амалга ошириш келажакда қиймат яратмайди, балки капиталнинг камайишига таъсир қилади, деб ҳисоблайди. Давлатга қарзни тақдим этган шахс мазкур маблағини ишлаб чиқаришга йўналтириш орқали ҳам даромад олиши мумкин, лекин у фуқароларнинг ҳисобидан тўланадиган фоизлар асосида даромад олишга ҳаракат қилади.

Рикардо солиқлар ҳисобидан тўланувчи давлат қарзини ёқлаб хулосалар бермайди, балки жорий даврда зарур бўлган суммани истиқболдаги солиқлар ҳисобидан фоизи билан қўшиб тўлашдан кўра, мазур қийматни бирдан солиқлар кўринишида йиғиб олишни маъқул, деб билади. Сабаби, ушбу ҳолат индивидлар мулкнинг келажакдаги қийматини пасайтиради ва истеъмолнинг сифаланишига таъсир кўрсатишини хулоса қилади.

Жан Батист Сей классик иқтисодчиларнинг қарашларини давом эттирган ҳолда давлат қарзининг шаклланиши тарафдори бўлмайди. Давлат қарзи қиймат яратмайдиган истеъмолни таъминлашни ўзида акс эттирган ҳолда амалга оширилишини англатади, деб ҳисоблайди. Унга кўра, бизнес субъекти қарзи билан давлат қарзининг ўртасида сезиларли фарқ борлигини қайд этиб, **биринчиси** маблағлардан самарали фойдаланишни назарда тутса, **иккинчиси** эса қиймат яратишни таъминламайдиган истеъмолни молиялаштиради. Унинг фикрига кўра, давлат қарзи муомаладаги пул қийматини оширмайди. Ўз навбатида, давлат қарзи миллий бойликни оширмайди, балки бойлик “мулкчиликдан иборат, у пергамент<sup>3</sup> эмас” деб таъкидлайди<sup>4</sup>.

Фикримизча, давлат қарзи классик иқтисодчилар томонидан қўллаб-қувватланмайди. Уларнинг фикрига кўра, давлат қарзи

<sup>3</sup> Пергамент – Қадимда қонунлар ёзиладиган қоғозлар шундай номланган, бу ўринда қоғозда қолиб кетувчи қоида эмаслигини назарда тутмоқда.

<sup>4</sup> Jean Baptiste Say A Treatise on Political Economy, 1827, p. 442.



келажакда солиқлар ҳисобидан қопланиши натижасида авлодларнинг зиммасига тушиши ва иқтисодий нобарқарорликни келтириб чиқариши мумкин. Бошқача айтганда, вақтлараро иқтисодий адолатнинг бузилиши учун шарт-шароит юзага келади ва жорий истеъмол учун истикболда бошқалар томонидан ҳақ тўланиши вужудга келиши таъкидлаб ўтилади.

Бу бир жиҳатдан тўғридек туюлса-да, давлат қарзини бошқариш тизимининг оқилона олиб борилиши натижасида қарзнинг молиявий юкини тенг тақсимлашга ёки иқтисодий адолатга эришиш мумкин. Иккинчидан, давлат қарзи маълум давлат дастури ва ижтимоий вазифаларни бажариш мақсадида олиниши жорий истеъмолни таъминлаши истикболда иқтисодий ўсишга шароит яратиб бериши мумкин. Шу жиҳатдан олиб қараганда, давлат қарзини олиш иқтисодиёт учун тўлиқ хавф деб қараш замонавий иқтисодиётнинг бир бўлаги бўла олмайди.

Таъкидлаш лозим, мамлакатимизда давлат қарзини бошқаришга нисбатан 2020 йилда янгича ёндашувнинг жорий этилиши устуворлик касб этади. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 9 декабрдаги “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги 589-сонли Қонуни қабул қилиниши бу борадаги ислохотларни янги босқичга олиб чиқиб берди. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси қафолати остида олинадиган ташқи қарзнинг чекланган ҳажмларини белгилаш ва Ташқи қарз ҳисобига амалга ошириладиган харажатлар бўйича мезонлар киритилди. Жумладан, 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси қафолати остида ташқи қарзни жалб этиш бўйича имзоланадиган янги шартномаларнинг чегараланган ҳажми 4 млрд. АҚШ доллари миқдорида ҳамда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қайтариладиган ташқи қарзни ўзлаштиришнинг чекланган ҳажми 1,5 млрд. АҚШ доллари миқдорида тасдиқлансин, деб белгиланган. Мазкур чегаравий қийматнинг белгиланиши Ўзбекистонда давлат қарзига нисбатан янги бошқарув механизмнинг жорий этилиши, айниқса, истикболда солиқлар ҳисобидан қайтарилиши лозим бўлган қарз миқдорига нисбатан мезоннинг ишлаб чиқилганлиги ижобий ҳолдир.

Бизнингча, келажакда бу каби чегаравий қийматнинг маълум суммаларда эмас, балки давлат умумий қарзи ЯИМга нисбатан ва

солиқлар ҳисобидан қайтарилиши лозим бўлган мезон эса давлат бюджетининг даромадларига нисбатан фоизларда белгиланишини жорий этиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Иқтисодий мактаблардан кейнсчилик ва меркантилистлар давлат қарзини ёқлаб, ўзларининг хулосаларини берган. XVIII асрга келиб, бир қанча олимлар давлат қарзининг мавжуд бўлиши ва унинг ижобий жиҳатлари борасида кўплаб хулосаларни беришган. Масалан, А.Хамилтон<sup>5</sup> давлат қарзини тўлиқ қўллаб-қувватлаган ва давлат иқтисодиётни рағбатлантириши учун давлат қарзидан самарали фойдаланишни тавсия этади. Унинг фикрига кўра, агар давлат миллий қарзи чегарадан юқори бўлмаса, миллий барқарорликка ёрдам беради. Шунингдек, солиқ базасини шакллантиради, саноатни ривожлантириб, мамлакатнинг изоляциядан чиқишига шарт-шароит яратиб беради, деб таъкидлаб ўтади.

Бизнингча, давлат қарзи мамлакатнинг макроиқтисодий тизимида сезиларли аҳамиятга эга категория сифатида қаралиши муҳим ҳисобланади. Сабаби, солиқлар ҳисобидан жорий молиявий юкни кўпайтиришнинг олдини олишга ёрдам беради ва мазкур молиявий юкни вақтлараро тақсимлашга имкон яратади.

Ҳозирги жаҳон тенденциясига эътибор қаратсак, дунё мамлакатлари давлат қарзини жалб этишда юқори тенденцияларни кўрсатишмоқда. Шу боисдан, ҳозирги кунда давлат қарзининг бўлмаслиги эмас, балки ундан самарали фойдаланиш ва ижобий натижаларга эришишни ўзида акс эттирган стратегияларни шакллантириш долзарб ҳисобланади. Бугун давлат қарзлари турли кўринишларда юзага келмоқда. Жумладан, ташқи ва ички манбалардан турли муддатларга мўлжалланган давлат қарзлари шаклланоқда. Давлатнинг ички қарзлари миллий даражадаги субъектлар (жисмоний ва юридик шахслар)дан молия бозори орқали маблағ жалб этишни ўзида акс эттиради. Ташқи қарзнинг юзага келишининг асосий сабабларидан бири сифатида ички қарз жалб этиш имконининг пастлиги ёки йўқлиги билан ифодаланади. Шу билан бирга, ташқи қарз жалб этишнинг иқтисодий хавфсизликка таъсирини ҳам инобатга олиш муҳимдир.

Рус олимларидан К.Косенкова давлат улуши бўлган корхоналарга хорижий инвестицияларнинг киритилиши ҳам ташқи

<sup>5</sup> Adams T.J., editor Hamiltonian Principles, 1928, p. 147. (letter to Morris, 1781).

қарзга, шунингдек, иқтисодий мустақилликка ҳам таъсир қилади таъкидлаб ўтади. Унга кўра, Россия нефтгаз саноатига киритилган инвестицияларнинг 60 фоизи Америка инвестициялари эканлигини қайд этади. Шунингдек, АҚШ жами инвестицияларининг 36,4 фоизи тўғридан-тўғри инвестициялар ва микрокредитлар улуши эса 56 фоизни ташкил этишини таъкидлаб ўтади. Бу эса ўз навбатида, Россия нефтгаз тармоғида АҚШ инвестицияларининг юқори салмоғи туфайли иқтисодий боғлиқлиги ортиб бормоқда<sup>6</sup>.

Рус тадқиқотчиларидан Н.Люшнина ўзининг илмий хулосаларида давлат қарзини бошқариш ва унга олимлар томонидан берилган турли ёндашувларни тизимлаштирган ҳолда шакллантириб берган (1.1-жадвалга қаранг). Унга кўра, давлат қарзини тўлаш билан боғлиқ молиявий юкнинг юзага келиши ва уни тақсимлаш юзасидан қарз берган шахс давлатнинг солиқ тўловчиси даромадларининг қисқаришига олиб келишини таъкидлаб ўтади. Шу билан бирга, давлат қарзини самарали бошқариш орқали макроиқтисодий мувозанатга ижобий таъсир этиши мумкин, деган хулосани шакллантириб беради<sup>7</sup>.

### 1.1-жадвал

#### Қарзнинг молиявий юкига нисбатан иқтисодий мактаб вакиллари қарашлари

Иқтисодий мактаб йўналиши	Ижобий	Салбий
Меркантилизм (Т.Манн, У.Стаффорд, А.Сера, А.Монкретъен)	Қарз – бу давлат даромадининг муҳим манбаси. Қарз юки тўғрисида фикр билдиришмаган.	
Физиократлар (Ф.Кенэ, А.Тюрго, В.Мирабо, Г.Летрон, П.Мерсье де Ла Ривьер)		“Хукмронлик табиати”, “Табиий тартиб”, давлатнинг иқтисодиётга аралашмаслиги

<sup>6</sup> Косенкова К.В. Совершенствование системы управления внешним государственным долгом Российской Федерации: автореферат ... к.э.н. – Краснодар. Кубанского государственного университета, 2011. – 28 с.

<sup>7</sup> Люшнина Н.О. Институциональные основы внешнего долга России: автореферат ... к.э.н. – Москва. Финансовый университет при Правительстве Российской Федерации, 2015. – 26 с.

### 1.1-жадвалнинг давоми

Классик иқтисодий мактаб (А.Смит, Д.Рикардо, Д.Юм ва бошқалар.)		Қарз келажак авлодга оғир юк бўлади
Кейнсчилик мактаби (Д.Кейнс, Б.Хансен)	Бюджет дефицити ва қарз жалб этиш – инкирознинг муқаррар бўлган омили	
Неоклассик (А.Маршалл)	Қарз юки авлодларга ўтади	
Монетаризм (И.Фишер, М.Фридмен, А.Мельцер)		Иқтисодиётни барқарорлаштириш учун қарз инстирументидан фойдаланишга қарши бўлганлар
Институтционализм (Т.Веблен, Д.Коммоне, Г.Адамс ва бошқ.)	Иқтисодиётга давлат аралашуви ижобий баҳоланади. Қарз – бу коллектив мажбурият. Кескин танқид қилинмаган.	

А.Смитнинг фикрига кўра<sup>8</sup>, давлат қарзи ҳарбий уруш даврида давлат харажатларини молиялаштиришни назарда тутаяди, ундан кейинги даврда эса солиқлар ҳисобидан унинг қайтарилиши эса солиқ юкининг кўпайишига олиб келади. Шу боисдан, давлат қарзи халқ бойлигини камайтиради ва жамғарма миқдорини пасайишига таъсир кўрсатади, деб ҳисоблайди. Шунингдек, А.Смит давлат қарзи фавқулодда ҳолатларни молиялаштириш учун ишлатилиши мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисоблайди ҳамда давлат қарзини ташқи ва ички шаклларга ажратиб беради.

<sup>8</sup> Смит А. Исследование о причинах и природе богатства народов. М., 1962. С.33.

Давлат қарзига нисбатан қарашлар ўтган асрнинг 30 – 40-йилларида Д.Кейнс томонидан тайёрланган “Пул, фоиз ва бандликнинг умумий назарияси” номли асарида<sup>9</sup> бутунлай янгича босқичга олиб чиқилди. Унинг фикрига кўра, давлат қарзи давлат сиёсатининг ажралмас бўлаги ҳисобланиб, унинг барқарорлашишига ёрдам беради. Бюджет дефицитининг мавжудлиги иқтисодий ривожлантиришга рағбат сифатида қарайди. Шунингдек, давлат бюджети дефицити иқтисодий барқарорлаштиришга шароит яратиб, қарз эса узок муддатли режада молиявий таҳдид ҳисобланмайди, деб таъкидлайди.

Умуман олганда, XX асрнинг ўрталарига келиб давлат қарзига нисбатан ёндашувлар ўзгариб, кейнчилик назариясига таянадиганлар ортиб борди.

Масалан, монетаризмнинг тарафдорлари ҳам давлат қарзига нисбатан қўллаб-қувватлаш ёндашувини бермаган бўлсаларда, бюджет дефицитини қоплаш йўлини эмиссион йўллар билан ҳам қоплаш мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисоблайдилар. Бунда эса давлат солиқларни ошира олмайдиган шароитда маълум давлат дастурларини бажариш учун маблағларни жалб этишнинг қарз инструментида ўзга йўлини таклиф ҳам этмаганлар. Шу нуқтаи назардан, иқтисодий барқарорлаштиришда келажакдан қарз олиш – бу ҳозирги юқори солиқ юкини пасайтириш учун молиявий мажбуриятни вақтлараро тақсимлашни акс эттириши лозим.

Бизнингча, давлат қарзини жалб этиш иқтисодий хавф сифатида эмас, балки унинг самарали бошқарувини ташкил этиш орқали макроиқтисодий мувозанатга ижобий таъсир этиш мумкин.

Давлат қарзига бўлган турлича қарашлар шароитида М.Герсовиц ва Д.Итон<sup>10</sup> томонидан давлатнинг халқаро молия бозоридаги хавфсизлигини таъминлаш бўйича иқтисодий моделни ишлаб чиқади. Тадқиқотлари давомида 40 дан ортик ривожланаётган мамлакатларнинг тажрибаларини ўрганади ва қуйидаги омиллар қарзни вужудга келтиришини кўрсатиб беради: экспортнинг

---

<sup>9</sup> Keynes, John Maynard. The General Theory of Employment, Interest and Money, Macmillan Cambridge University Press, 1936. URL:

<https://www.marxists.org/reference/subject/economics/keynes/general-theory/index.htm>

(мурожаат санаси 06.02.2020й.)

<sup>10</sup> Eaton J., Gersovitz M. Debt with Potential Repudiation: Theoretical and Empirical Analysis//The Review of Economic Studies, Vol. 48, No. 2. (Apr., 1981), pp. 298–300.

ўзгариши, ЯИМда импортнинг улуши, ЯИМнинг ўсиши, реал ЯИМ, аҳоли сони, қарзнинг жами бюджет харажатларига нисбати кабилардир. Мазкур омилларнинг шаклланиши натижасида айрим хулосаларни шакллантиради ва экспортдан даромадлар тушганда ташқи қарздорлик ошади, деб қайд этади. Ташқи қарз бўйича тўловсизлик юзага келиши жаҳон ҳамжамияти томонидан янги кредитлар олишга иқтисодий санкциялар қўллашни юзага келтириш мумкинлиги таъкидланади. Натижада мазкур ҳолат қарз олувчи давлатга жиддий иқтисодий муаммоларни келтириб чиқаришини таъкидлайди.

Ўзбекистонлик олим М.Остонакулов давлат қарзига нисбатан чегарвий қийматни экспорт билан боғлаб қуйидаги фикрни баён этади<sup>11</sup>: “Давлат қарзининг ҳажми ва уни қайтаришга ҳамда унга тўланадиган фоизлар мамлакатнинг экспорт ҳажми билан солиштирилади, шунда экспорт ҳажмидан кредитларни қайтариш имконияти боғлиқ бўлади. Давлат қарзининг ҳажмини давлат экспорти ҳажмига нисбати 2 дан кўп бўлиши давлат қарзининг хавфлилик чегараси ҳисобланади. Бу нисбатнинг 3 га тенг бўлиши давлат қарзининг юқори хавфлилик чегараси ҳисобланади. Фоизлар тўловининг экспорт ҳажмига нисбати солиштирилганда, давлат қарзининг хавфлилик чегараси бўлиб 15-20 фоиз, давлат қарзининг юқори хавфлилик чегараси бўлиб 25-30 фоиз ҳисобланади. Давлатнинг ташқи қарзларини мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти ҳажмига нисбатан фоизда ҳисоблаш кенг қамраб олинган кўрсаткич ҳисобланади”.

Ўзбекистонда халқаро молия ташкилотлари ҳамкорлигида амалга оширилган лойиҳалар доирасида давлат қарзининг узоқ муддат учун максимал қиймати бир неча йўналишда аниқланган. Жумладан, Халқаро валюта жамғармасининг 2019 йил апрель ойидаги “қарз барқарорлиги таҳлили”да тавсия этилган, мамлакатимиз иқтисодиёти кўтара оладиган давлат қарзи даражаси максимал чегара сифатида танлаб олинган. “Қарз барқарорлиги таҳлили”га кўра, республикамизнинг қарзни кўтара олиш қобилияти “кучли” дея баҳоланган. Мазкур гуруҳга киритилган мамлакатлар учун қарзнинг максимал йўл қўйилиши мумкин бўлган меъёри

<sup>11</sup> Остонакулов М, Газначиликка ўтиш шароитида давлат қарзларини бошқариш//Иқтисод ва молия, 2010. - №5. – Б.41-47.

ЯИМга нисбатан жорий қийматда (present value – PV) 70 фоиз, номинал қийматда эса 75 фоиз даражасида тавсия этилган<sup>12</sup>.

Хулоса қилиб айтганда, давлат қарзи макроиқтисодий мувозанатни таъминлаш ва узоқ муддатли истеъмолни ялпи талаб нуқтаи назаридан вужудга келтиришда муҳим роль ўйнар экан. Шу нуқтаи назардан, давлат қарзига нисбатан нобарқарорлик омили сифатида ҳам қараш мақсадга мувофиқ эмас, деган фикрни билдириш мумкин.

Давлат қарзига нисбатан замонавий ёндашувни америкалик иқтисодчи олим Д.Сорос<sup>13</sup> томонидан рефлексивлик назарияси ишлаб чиқилади. Ушбу назарияга кўра, қарздор давлат ва донор мамлакат ўртасида рефлексив муносабат мавжудлиги ифодаланади. Донор мамлакат қарздорнинг кредитга тўлов қобилиятини аниқлаш орқали қарздорликни қоплаш коэффициенти фойдаланилса, қарздор халқаро қарз ҳажмини экспорт ва ЯИМга нисбатан ҳисоблаши таъкидланади. Рефлексивлик назариясининг моҳияти қоплаш коэффициенти қарзни тўлашга тайёрлик билан эмас, балки уни тўлаш қобилияти билан ифодаланади. Қарзни тўлашга тайёрлик қарз мажбуриятини тўлаш билан эмас, қарзнинг тўланган даврида янги келиб тушган кредит ҳажми билан ўртасидаги фарқ орқали аниқланиши назарда тутилади.

Мазкур назария монетаризм ғояси остида қурилган бўлиб, давлатнинг босими натижасида Марказий банк томонидан қарз мажбуриятлари (заёмлар) арзонлаштирилади ёки инфляцияни ўсишига таъсир этмаган ҳолда эмиссия қилиш орқали қарзлар ногла тенглаштирилади. Аксинча, катта қарздан, банк эса пул эмиссиясидан қочса, бу инфляцияга таъсир этиши мумкин.

Муомаладаги пул ҳажми ва унинг эмиссия қилиниши билан боғлиқ ҳолда А.Моисеев ўзининг хулосаларини асослаб беради<sup>14</sup>. Жумладан, иқтисодиёт учун “ички” пуллар – бу банклар томонидан талабга кўра қарздорларга тақдим этилган пул ҳисобланади. Мазкур жараён Марказий банкнинг белгилаган стандартлари ва сиёсатига асосланган ҳолда банклар томонидан чиқарилган кредит пуллар

<sup>12</sup> Тожиева З. Давлат қарзини бoшқариш стратегияси//Биржа, 2019. - <http://biznes-daily.uz/uz/gazeta-birja/69301-davlat-qarzini-boshqarish-stratgiyasi>

<sup>13</sup> Сорос Дж. Алхимия финансов. М., 1996. 340с.

<sup>14</sup> Моисеев А.К. Макрофинансовая политика экономического роста: автореферат ... д.э.н. – Москва. Институт народнохозяйственного прогнозирования Российской академии наук, 2017. – 45 с.

тўлақонли пул ҳисобланади ва “ташқи” пулларга алмаштирилиши мумкин. “Ташқи” пуллар Марказий банк томонидан эмиссия қилинган пуллардир. Агар пуллар ҳукумат ва Марказий банк томонидан ваъда қилинган ҳолда бандлик ва иқтисодий салоҳиятни таъминласа, у ҳолда мазкур ҳолат ҳукуматнинг соф қарзи ҳисобланади, деб таъкидланади.

Олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосаларни айтиш мумкин:

– давлат қарзи ҳажми илмий асосланган чегаравий қиймат асосида бўлиши;

– белгиланган мезонлар асосида бошқарилиши ва унинг ЯИМга, давлат бюджети даромадларига нисбатан ҳисобланиши;

– давлат қарзи ҳисобидан узоқ муддатли истеъмолни таъминлаш ёки қиймат яратмайдиган истеъмолга йўналтириш максимал ҳажмининг белгиланиши;

– давлат қарзини тўлиқ солиқлар ҳисобидан қопланишини назарда тутмаслик.

Давлат қарзини тадқиқ этишда унинг муддатларига эътибор қаратилиши муҳим элементлардан бири ҳисобланади. Бунинг муҳим жиҳатларидан бири – бу давлат қарзини жорий ЯИМга нисбатан ҳисобланади, лекин унинг қайтарилиши маълум муддатдан кейин, масалан, 3-5 ёки 10 йилдан сўнг амалга оширилиши мумкин. Бу эса давлат қарзини бошқаришда вақт омилини инобатга олишни тақозо этади.

Бизнингча, давлат қарзининг шакллари тизимлаштирилган ҳолда бошқаришни амалга ошириш иқтисодий барқарорликнинг мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қилади. Унга кўра, давлат қарзини қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

#### **Муддат бўйича қарзларни учга ажратиш мумкин:**

– биринчидан, қисқа муддатли бўлиб, бир йилгача бўлган давр;

– иккинчидан, ўрта муддатли бўлиб, беш йилгача бўлган давр;

– учинчидан, узоқ муддатли бўлиб, ўн йилгача бўлган давр.

#### **Жалб этиш манбаси бўйича:**

– ташқи молиялаштириш йўналишлари – бунда давлат тўғридан-тўғри ҳукуматлардан ёки халқаро молия институтларидан ёхуд халқаро молия бозорларидан маблағларни жалб этади;



– ички молиялаштириш йўналишлари – бунда давлат резидентлар маблағларини молия бозори орқали жалб этиши тушунилади.

#### **Молиялаштириш манбаси бўйича:**

– бюджет даромадларидан молиялаштирилиши – келажакда солиқлар ёки давлатнинг бошқа даромадлари ҳисобидан молиялаштирилиши кўзда тутилган ҳолда амалга оширилиши;

– хусусий даромадлардан молиялаштирилиши – давлат улуши бўлмаган юридик шахслар фойдасидан қайтарилиши назарда тутилган қарзлар.

#### **Тўланиши бўйича:**

– актив қарзлар – давлат қарзининг тўланиш муддати келган ва ҳисобот даврида қайтарилиши лозим бўлган жами қарзлар йиғиндиси;

– пассив қарзлар - давлат қарзининг тўланиш муддати келмаган ва ҳисобот даврида қайтарилиши назарда тутилмаган жами қарзлар йиғиндиси.

Тадқиқотлар асосида давлат қарзининг юзага келишига сабаб бўлувчи қатор омилларни ўрганиб ўтдик, бизнингча, унинг йўналишлари қуйидагича бўлиши мумкин:

– фавқулодда ҳолатларнинг юзага келишини молиялаштириш учун;

– бюджет дефицитининг юзага келиши ёки бюджетга молия бозоридан даромадлар жалб этиш учун;

– давлат дастурларининг бажарилиши учун жалб этилиши кабилар.

Фавқулодда ҳолатлар юзага келиши натижасида давлат етказилган зарарни қоплаш учун бюджетдан маблағлар етмаган вазиятда қарзлар жалб этилишига зарурат туғилади. Бундай ҳолатлар асосан табиий офатларнинг юзага келиши, турли эпидемияларнинг тарқashi ёки қишлоқ хўжалиги зараркурандаларининг тарқалиши билан боғлиқ жараёнларда ўз аксини топади.

Бу каби ҳолатларнинг вужудга келишининг олдиндан аниқлашнинг тўлиқ имкони бўлмагани сабабли бюджетдан молиялаштириш режалаштирилмайди. Бу эса фавқулодда вазиятларнинг зарарини қоплаш билан боғлиқ харажатларни қарз ҳисобидан қоплашни тақозо этади. Шу билан бирга, ҳарбий ҳаракатларнинг

ортиб кетиши, уларнинг доимий равишда амалга оширилишига эътибор берилиши натижасида бюджет маблағлари орқали қоплаш имкони мавжуд бўлмай қолади.

Шу боисдан, давлат иқтисодий барқарорликни таъминлашга қаратилган иқтисодий сиёсатда фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш ва уларнинг юзага келишига сабаб бўлувчи омилларни бартараф этиш муҳим ҳисобланади.

Давлат бюджетининг дефицити ҳолатининг юзага келиши мамлакатда ижтимоий харажатларнинг ортиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Сабаби, иқтисодий хусусиятдаги харажатларнинг давлат томонидан, айниқса, қарз ҳисобидан молиялаштирилиши иқтисодиётда давлат аралашувининг ортишига шароит яратиб беради. Шу боисдан, реал тармоқдаги инвестицион фаолиятни молиялаштиришда ташқи қарз маблағлари жалб этилган тақдирда давлат қафолатини амалга оширмаган ҳолатда бўлишини таъминлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ўзбек олимларидан профессор М.Остонақулов томонидан давлат қарзининг юзага келишида келтирилган сабаблар қаторида бюджет дефицити асосий ўринни эгаллаши таъкидлаб ўтилади<sup>15</sup>. Унга кўра, давлат бюджетининг тақчиллиги ҳамда унинг ўсиши мамлакат иқтисодиётининг нормал ишлашига таъсир қилади, деб ҳисоблайди. Шунингдек, давлат қарзининг юзага келишига куйидаги сабаб-омилларни кўрсатиб ўтади:

– иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида давлат бюджети ҳисобидан капитал қўйилмалар ҳажмининг ошиб кетиши;

– фавқулодда ҳолатлар – урушлар, давомий оммавий тартибсизликлар, табиий офатлар;

– мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти ўсиш суръатларининг сусайиб кетиши, ишлаб чиқаришнинг издан чиқиши;

– бюджет даромадлари базасининг мустаҳкам эмаслиги;

– мамлакатнинг ялпи ички маҳсулотининг ўсиш суръатларига эришмасдан туриб марказлашган узоқ муддатли инвестицияларни, ижтимоий-маданий тадбирларни молиялаштиришни муттасил ошириб бориш;

---

<sup>15</sup> Остонақулов М. Газначиликка ўтиш шароитида давлат қарзларини бошқариш//Иқтисод ва молия, 2010. - №5. – Б.41-47.

– иқтисодий инқирозлар ва бошқалар ҳисобланади.

Бизнингча, профессор М.Остонақулов томонидан келтирилган омилларнинг бир нечтаси бюджет дефицити билан боғлиқ эканлигини қайд этиш лозим. Сабаби, давлат бюджети ҳисобидан капитал қўйилмалар ҳажмининг ошиб кетиши, бюджет даромадлари базасининг мустаҳкам эмаслиги, марказлашган узоқ муддатли инвестицияларни, ижтимоий-маданий тадбирларни молиялаштиришни амалга ошириш каби ҳолатлар биргина бюджет дефицити билан чамбарчас боғлиқ ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, биз давлат қарзини келтириб чиқарувчи омилларни уч гуруҳга бўлдик.

Бюджет дефицити билан бирга давлатнинг молия бозоридаги иштироки натижасида ҳам давлат ташқи қарзи юзага келиши мумкин. Мазкур ҳолатнинг ривожланиши мамлакатимизнинг мустақил иқтисодий тарихида халқаро молия бозорида иштираётган этди. Мазкур тенденциянинг жорий этилиши натижасида 2019 йилда 1 млрд. АҚШ доллари ҳажмида давлат қарзи жалб этилди ва мазкур маблағлар тижорат банкларига жойлаштириш орқали бюджетга солиқсиз даромадлар жалб этишга имконият яратилди. Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасининг илк суверен халқаро облигацияларини жойлаштиришдан тушган маблағлардан самарали фойдаланиш тўғрисида”ги ПҚ-4258-сонли Қарори қабул қилинди.

Ушбу қарордаги дастлабки вазифаларни таҳлил этиб, ўзбекистонлик тадқиқотчилардан А.Шеров ўзининг мақоласида ушбу тенденциянинг шаклланиши қуйидагиларга имкон беришини таъкидлаб ўтади<sup>16</sup>:

– бюджет солиқли даромадларининг шаклланишида солиқ юки камайиш тенденциясига эга бўлмоқда;

– бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий ажратмалар бекор бўлиши билан бюджетдан ташқари жамғармаларнинг харажатлари бюджет субсидиялари ҳисобига қопланмоқда;

– бюджетнинг солиқсиз даромадларининг шаклланиш тенденциялари сезиларли ҳажмда ривожланиши юзага келди;

---

<sup>16</sup> Шеров А.У. Ўзбекистонда бюджет сиёсатининг ривожланиш тенденциялари ва унинг амалдаги ҳолати таҳлили//Молия ва банк иши илмий электрон журнали, 2019. - №1. -Б.30-38.

– бюджетга хорижий маблағларни жалб қилиш тенденцияси янги босқичга чиқмоқда.

Бюджет тақчиллиги давлат қарзининг юзага келишида асосий омиллардан бири эканлиги тўғрисида ўзининг илмий хулосаларини берган олимлардан Г.Қосимова ҳисобланади<sup>17</sup>. Унинг хулосаларида “Бирламчи бюджет тақчиллиги – умумий тақчиллик билан қайтарилган қарзлар ўртасидаги фарқдир. Бирламчи бюджет тақчилликнинг пайдо бўлиши қарз юки ортисининг асосий омилдир. Қарзларга хизмат кўрсатиш харажатлари (асосий қарз ва қарзни қоплаш учун фоиз) давлат бюджетининг асосий шартларидан ҳисобланади. Давлат томонидан олинаётган қарзлар бу давлат харажатларини молиялаштириш учун зарур бўлган пул маблағларини молия бозорларидан қарз олиш йўли билан жалб қилишдаги давлатнинг молиявий фаолиятидир. Давлат қарзлари иккита вазифани бажаради: давлат ғазнасига пул маблағларини жалб этиш ва иқтисодий ривожланишни рағбатлантириш” деган ғоялар илгари сурилади.

Ушбу олима ҳам ўзининг хулосаларида давлат қарзининг макроиқтисодий барқарорликка ижобий таъсири тўғрисидаги фикрларини баён этмоқда. Бу эса бизнинг асримизга келиб давлат қарзига нисбатан ижобий иқтисодий воқелик сифатида ёндашиш мақсадга мувофиқлигини англатади.

Давлат ижтимоий вазифаларни бажариши учун турли муддатларга мўлжалланган дастурларни амалга оширади. Бу ўринда солиқ юқини оширмаган ҳолда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ёки ялпи талабни узоқ муддатли таъминлашга қаратилган тадбирларни амалга оширишда ташқи молиялаштириш манбаларидан фойдаланиши мумкин.

Бу каби ҳолатларга мамлакатда сув таъминотини яхшилаш ёки йўлларни модернизациялаш каби жараёнларни мисол қилиб келтириш мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4040-сонли Қарори асосида ичимлик суви таъминотини яхшилаш назарда

<sup>17</sup> Қосимова Г.А. Ғазначилик шароитида давлат бюджетини самарали бошқариш// “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий-электрон журнали. № 3, декабрь, 2016 йил

тутилган. Мазкур қарорга кўра, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси қайта ташкил этилди. Ушбу қарорнинг эътиборли жиҳати давлат дастурида сув таъминоти бўйича белгиланган вазифаларни молиялаштириш манбалари сифатида бюджет даромадлари ҳисобидан амалга ошириладиган капитал қўйилмалар ҳамда халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг имтиёзли кредитларидан фойдаланиш кўзда тутилган.

Давлат қарзининг юзага келиш сабабларининг ўрганилиши уларнинг олдини олишга имкон беради. Бошқача айтганда, давлат қарзини бошқариш самарадорлиги уни юзага келтирувчи сабабларни бартараф қилиш ёки юзага келганда қиймат яратувчи истеъмолга йўналтириш муҳим ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, давлат қарзи шакллари ва унинг юзага келишига шароит яратувчи сабаб-омиллар бир қатор макроиқтисодий элементлар билан ифодаланар экан. Шу нуқтаи назардан уни бошқаришда давлат қарзи шаклларига уйғун тарзда бошқарув стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга жорий этиш муҳим ҳисобланади.

Шу билан бирга, давлат қарзининг юзага келишига сабаб бўлувчи омилларни олдиндан аниқлаш ва уларни ўз вақтида баҳолаш қарзни бошқаришнинг тўлиқлигини таъминлашга ёрдам беради, деб ҳисоблаймиз.

## **1.2. Давлат қарзининг шакллари ва уни бошқаришнинг илмий-услубий асослари**

Давлат қарзининг вужудга келишида турли хил омиллар ўзининг таъсирини кўрсатади. Мамлакатларнинг молиявий қарзлари ўрганилишида эътибор берилиши лозим бўлган жиҳат – бу унинг шакллари дир. Масалан, маълум бир мамлакатнинг турли манбалар ҳисобидан вужудга келган қарзи икки шаклга ажратилиши мақсадга мувофиқ: давлат қарзи ва корпоратив қарз.

Бу ерда давлат қарзи бир неча ҳолат билан юзага келиши мумкин. Давлат қарзлари бевосита давлат томонидан ёки давлат қафолати берилган ташқи ва ички манбалардан жалб этилган

маблағларнинг ҳажми билан изоҳланади. Бу ерда жалб этилган маблағлар давлатнинг ижтимоий-иқтисодий вазифаларини бажариш учун йўналтирилиши мумкин.

Давлат қарзининг юзага келиш сабаблари турлича бўлиши мумкин. **Биринчидан**, иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш учун давлат капиталининг йирик миқдорда йўналтирилиши, бошқача айтганда, иқтисодий конъюнктурани бошқаришда давлат бошқарувининг сезиларли ролга эга бўлиши. **Иккинчидан**, иқтисодиётнинг умумий инкирозида давлат қарзининг сезиларли эканлиги ва мамлакатда молиявий ҳолатнинг ҳукумат томонидан тартибга солишнинг самарасизлиги билан изоҳланади. Шунингдек, мазкур тенденция жаҳон амалиётида дефицитли молиялаштиришнинг давом этаётганлиги билан ҳам акс эттирилади<sup>18</sup>.

Умуман олганда, давлат қарзи қуйидаги ҳолатларда юзага келади:

– давлат дастурларини бажариш учун ҳукумат томонидан жалб этилган;

– давлат кафолати остида жалб этилган инвестицияларни қайтариш билан боғлиқ бўлган;

– давлат бюджети тақчиллигини бартараф этиш учун жалб этилган ҳолатларда.

Давлат мамлакатда ижтимоий дастурларни амалга оширишда бюджет маблағлари билан тўлиқ қоплашнинг имкони мавжуд бўлмаган тақдирда молиявий ресурслар жалб этиш орқали лойиҳаларни молиялаштиришни кўзда тутати. Масалан, мамлакатда аҳолини ичимлик суви билан таъминлашни ташкил этиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ёки экологик вазиятни барқарорлаштириш учун лойиҳаларни амалга ошириш каби дастурларни келтириш мумкин.

Давлат қарзи ижтимоий-иқтисодий мақсадларга йўналтирилган вақтда солиқлар ҳисобидан молиялаштирилиши лозим бўлган тадбирлар, узоқ муддатли даврда давлат маблағлари (асосан солиқлар) ҳисобидан қоплаш учун қарз ресурслари жалб этилади.

<sup>18</sup> Кумыков А.А. Государственный долг: экономическая природа и место в хозяйственном механизме: автореферат ... д.э.н. – Москва: Кабардино-Балкарском университете им. Х.М.Бербекова, 2003. – 51 с.

Бошқа бир ҳолатда, давлат кафолати остида жалб этилган (асосан ташқи) инвестициялар қайтарилиши жараёнида тўлиқ молиявий қайтим таъминланмаслиги мумкин. Шу боисдан, қайтарилмаган инвестициялар давлат маблағлари ҳисобидан копланишига зарурат юзага чиқади. Натижада кафолат остида қайтарилган инвестициялар ҳажмида давлат қарзи ҳисобига олиб бориладиган давлат қарзи юзага келади.

Фикримизча, бюджетнинг барқарор бўлиши давлат қарзининг юзага келишида асосий омиллар сифатида бўлиши кўплаб олимлар томонидан тадқиқ этилган. Жумладан, қайд этганимиздек, бюджет дефицити давлат қарзининг вужудга келишида асосий омиллардан бири бўлиб қолмоқда. Шу билан бирга, бюджетнинг барқарорлиги давлат қарзининг ўсиб кетмаслигига шарт-шароит яратади.

Бу борада, рус олимларидан А.Колесов молиявий сиёсатнинг натижадорлигини аниқлаш ва баҳолашда бюджет сиёсатининг молиявий барқарорлиги муҳим эканлигини исботлаб берган. Иқтисодий барқарорликнинг элементи сифатида бюджет барқарорлиги, унинг мустақиллиги ва белгиланган мақсадларга эришиши билан изоҳланади<sup>19</sup>.

Т.Колесникова баланслаштирилган бюджет давлат қарзини тўлай олмаслик рискинни барқарорлаштиришга, ҳудудларнинг мутаносиб иқтисодий ривожланишига шарт-шароит яратиб беради, деб таъкидлаб ўтади. Бу эса, ўз навбатида, уч томонлама хусусият касб этади: бюджетлар ўртасида харажатлар мажбурияти ва даромадлар тушиши мутаносиблигини; ҳудудлар бўйича бюджетлар мутаносиблигини; даромадлар ва харажатлар, давлат қарзини шакллантирувчи бюджет дефицитининг мутаносиблиги билан ифодаланади<sup>20</sup>.

Ўзбекистонлик олим У.Бурханов ўзининг илмий хулосаларида макроиқтисодий мувозанатни таъминлашда молиянинг ролига

<sup>19</sup> Колесов А.С. Финансовая политика государства: методология оценки и повышения результативности: автореферат ... д.э.н. – Санкт-Петербург: Санкт-Петербургский государственный университет, 2014. – 50 с.

<sup>20</sup> Колесникова Т.В. Роль государственного бюджета в повышении международной конкурентоспособности экономики КНР: автореферат ... к.э.н. – Санкт-Петербург. Санкт-Петербургский государственный университет аэрокосмического приборостроения, 2019. – 22 с. Электрон манба: <https://unecon.ru/sites/default/files/d20kolesnikovatv.pdf>

эътибор қаратади. Жумладан, функционал молия ғояси бюджетни эмас, балки иқтисодиётни баланслаштириши керак, деган ғояни илгари суради. У мазкур қондани “молиянинг эски қондаси бўйича бюджет баланслаштирилиши керак эди, янги қонда бўйича эса бюджет иқтисодиётни баланслаштириши керак” деган ғоя билан исботлашга эътибор беради. Ҳатто бунга эришиш учун давлат қарзи ўсиши кутилса-да, давлат бюджети тақчиллиги муаммолари узоқ муддатли инқирозлар ва инфляция олдида бирламчи эмас, деган фикрга келади<sup>21</sup>.

Рус олимларидан В.Шпрингель ўзининг тадқиқотида давлат қарзи ва миллий валюта барқарорлиги борасидаги илмий хулосаларини баён этади. Унга кўра, инқирозни юзага келтиришда давлат ва корпоратив қарзлар ўзига хос роль ўйнайди. Узоқ муддатли бюджет дефицитининг ошиши сабаби давлат харажатлари бўлиши номуносиб молия тизимининг вужудга келишига олиб келади. Мазкур дефицитнинг давлат қарзлари ҳисобига қопланиши миллий валюта реал курсининг ошишига таъсир этади. Шу боисдан, миллий валюта бозорини ҳимоя қилиш учун фоиз ставкасини кўтариш учун давлат қарзининг кичик бўлиши, қарз муддати узоқ ва иқтисодиётдаги монетизация коэффициенти катта бўлиши талаб этилади<sup>22</sup>.

Бизнингча, давлат бюджетининг тақчиллиги юзага келган вақтда давлат қарз ресурсларини жалб этиш орқали дефицитни бартараф этади. Дефицит бюджет харажатларининг кескин ортиб кетиши шароитида юзага келади. Мазкур ҳолат эса давлат дастурларини бюджетдан ёки фавқулодда ҳолатлар юзага келиши билан оқибатларни бартараф этиш тадбирларини молиялаштириш ошиб кетиши натижасида юзага келади.

Давлат қарзининг юзага келиш сабабларини қисқача ўрганиб ўтдик. Эндиликда давлат қарзининг жалб этилиши ҳудудига боғлиқ тарздаги шаклларига эътибор қаратсак, мақсадга мувофиқ бўлади.

<sup>21</sup> Бурханов У.А. Иқтисодиётнинг эркинлашуви шароитида давлат бюджети тақчиллигининг омиллари ва қисқартириш масалалари: и.ф.н. ... автореферат. – Т.: БМА, 2002. – 22 б.

<sup>22</sup> Шпрингель В.К. Механизмы формирования валютных кризисов на развивающихся рынках: автореферат ... к.э.н. – Москва. Государственном университете - Высшей школе экономики, 2003. – 17 с. Электрон манба: [https://www.hse.ru/data/967/035/1239/avt\\_Shpringel.pdf](https://www.hse.ru/data/967/035/1239/avt_Shpringel.pdf)



Кўплаб олимлар томонидан давлат қарзини баҳолашда асосий категория сифатида ташқи қарз майдонга келади. Сабаби, давлат хорижий мамлакатлардан ёки халқаро молия институтларидан юқорида келтирилган сабаблар шароитида молиявий ресурсларни жалб этади.

Масалан, жаҳон иқтисодиёти марказий ва марказий бўлмаган давлатлар ўртасидаги иқтисодий ўсиш бўйича фарқни кўрсатиб берди. Жумладан, ривожланаётган мамлакатларнинг марказий мамлакатлардан қарзлари триллионлаб АҚШ долларини ташкил этди. БМТнинг маълумотларига кўра, 40 фоиздан ортиқ ташқи қарз Лотин Америкаси, Африка ва баъзи Осиё мамлакатлари улушига тўғри келди. Мазкур ташқи қарз кўламининг ортиши иқтисодий нобарқарорлик, саноат рақобатбардошлигининг пасайиши, банк фоиз ставкаларининг ортиши ва давлат бошқарувининг мавжудлиги фониди юзага келди<sup>23</sup>.

Е.Савина ташқи қарзга нисбатан ёндашувни ўзига хос хусусият билан изоҳлаб беради. Ташқи қарзнинг юзага келишида икки омилни инобатга олишни тавсия этади. Улар – резиденция ва валюта бирлиги кабилардир. Биринчи ҳолда, давлатнинг ташқи қарзи юзага келишида резидентларнинг ҳам хорижий, ҳам миллий валютада маблағларини жалб этиши тушунилади. Иккинчи ҳолда эса, норезидентлардан хорижий валютада жалб этилган қарз малағлари ифодаланади. Бундан ташқари, норезидентларнинг мамлакат миллий валютасида ҳам давлат қисқа муддатли облигацияларини сотиб олиш ҳолатлари юзага келди. Масалан, 1996 йилдан бошлаб Россияда хорижлик фуқароларнинг рублда давлат қисқа муддатли облигацияларини сотиб олиш тенденциялари юзага келди. Шунингдек, 2011 йилда Россия Лондон фонд биржасида 40 млрд. рубл миқдориди 7,85 фоизли еврооблигацияларни жойлаштирди<sup>24</sup>. Аммо охириги йилларда Россияга нисбатан жорий этилган иқтисодий санкциялар сабабли норезидентларнинг давлат қимматли қоғозларига бўлган қизиқиши пасайиб,

<sup>23</sup> Макареикина М.Р. Специфика и типы модернизации в контексте линейных и альтернативных теорий: вектор развития экономики России// Вестник Пермского государственного университета. Экономик а. – Т.2. – 2017. – №1. – С. 23-37

<sup>24</sup> Савина Е.Г. Совокупный национальный внешний долг. 2012. Электрон манба: <https://cyberleninka.ru/article/n/sovokupnyy-natsionalnyy-vneshniy-dolg/viewer>

маблағларни жалб этиш 10 млрд. АҚШ долларига камайишига олиб келди<sup>25</sup>.

Е.Попенконинг тадқиқотларида ташқи қарз хорижий валютада олинган мажбуриятлар йиғиндиси эканлигини таъкидлаб ўтади. Бу эса бюджет дефицити ва қарз бўйича фоизларни қўшиб ҳисоблаганда қандай валюта бўлишидан қатъи назар давлат томонидан жалб этилган молиявий мажбуриятларни ўзида акс эттиришини билдиришини, қайд этади<sup>26</sup>.

Фикримизча, давлатнинг хорижий мамлакатлар ва ташкилотлардан, халқаро фонд биржаларидан жалб этилган маблағларини ташқи қарз деб аташ мумкин. Аксинча, миллий иқтисодиётдан жалб этилган давлат қарзини эса ички қарз сифатида баҳолаш мумкин. Бу ўринда, давлат ташқи қарзини кўпроқ валюта бирлигига эмас, балки унинг кимдан ва қаердан жалб этилаётганлигини инобатга олиш орқали тартибга солиш ва бошқариш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Юқорида келтирилган тадқиқотларда ташқи қарзга нисбатан ёндашувларнинг баъзиларида валюта орқали аниқлаштириш принципи баён этилган бўлса, айримларида субъектив омил орқали белгилаш принципи асосланган. Бизнингча эса, таъкидлаб ўтганимиздек, ташқи қарзни аниқлашда мамлакат ташқарисидаги манба (хорижий мамлакат, халқаро молия институти, халқаро молия бозори)лардан жалб этиши билан изоҳланади. Бизнингча, ташқи қарзни жалб этишнинг куйидаги афзалликлари бўлиши мумкин:

- молиявий маблағларга зарурат туғилганда жалб этишнинг тезкорлиги;
- истиқболда бюджет маблағлари етишмаслиги шароитида қарз маблағларини бюджетга йўналтириш имконияти;
- жорий давр оралиғида молия тизимидаги барқарорликни таъминлаш учун бюджет манёврларини амалга оширишга маълум вақтни тақдим этади;

---

<sup>25</sup> Трунини П. Состояние внешнего долга России//Экономическое развитие России. – Том 25. - №9, сентябрь-октябрь. 2018. Электрон манба: <https://cyberleninka.ru/article/n/sostoyanie-vneshnego-dolga-rossii/viewer>

<sup>26</sup> Попенко Е.В. К вопросу о внешнем долге России//Актуальные вопросы экономических наук. Электрон манба: <https://cyberleninka.ru/article/n/k-voprosu-o-vneshnem-dolge-rossii/viewer>

– иқтисодиётга қисқа муддатли даврда солиқ юкини камайтиришга имкон беради;

– жаҳон иқтисодиёти интеграцион жараёнларида фаол иштирок қилишга имконият яратади;

– хорижий валютанинг ижобий фарқидан фойдаланиш имкони вужудга келиши мумкин.

Ташқи қарзни жалб этиш орқали қуйидаги камчиликлар юзага келиши мумкин:

– маблағларни зудлик жалб этиш натижасида фоизларнинг юқори бўлиши;

– бюджетнинг даромадлари ҳисобидан қайтарилиши лозим бўлган молиявий мажбуриятларнинг ортиши;

– бюджетнинг турли даражадаги манёврларни амалга ошириши натижасида фавқулодда нобарқарорликни юзага келтириши мумкин;

– ташқи молиялаштирувчи томонидан турли ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий талабларнинг қўйилиши;

– узоқ муддатли даврда солиқ юкини ошириши мумкин;

– жаҳон иқтисодиётидаги салбий ўзгаришлар миллий иқтисодиётга кескин таъсири ортишига шароит яратади;

– валюта курсининг ўзгариши натижасида салбий фарқларнинг юзага келиши ва нобарқарорликнинг шаклланиши.

Юқоридаги тадқиқотларимиз давомида давлат қарзининг юзага келиш сабаблари ва ташқи қарзга нисбатан илмий ёндашувларни таҳлил қилиб бердик. Ўз навбатида, давлатнинг ички қарзларини ҳам тадқиқ этиб ўтамиз.

Давлатнинг ички қарзи сифатида акс этувчи – қарз инстирументлари орқали аҳоли ва юридик шахслардан жалб этилган маблағлар назарда тутилади. Мазкур турдаги қарз ташқи қарзга нисбатан энгил вариантдаги молиявий мажбурият сифатида қаралади. Шу боисдан, ҳукумат ташқи қарзни қайтаришга нисбатан жиддийроқ ёндашишни талаб этади. Шундай бўлса-да, давлат ички қарзни жалб этиш орқали нафақат қарз сиёсатини мувозанатлаштиради, балки пул-кредит сиёсатини тартибга солишда фойдаланади<sup>27</sup>.

<sup>27</sup> Пензин П.О. Проблема внешней задолженности России и возможные пути ее решения: автореферат ... к.э.н. – Москва. Институте Европы РАН, 2005. – 28 с.

Давлат ўз аҳолисидан маблағлар жалб этганда, асосан, бюджет дефицитини қоплаш назарда тутилади. Фавқулудда ҳолатлар ёки давлат дастурларини аҳоли маблағларини жалб этиб бажарилиши жаҳон мамлакатлари тажрибасида кам кузатилган. Агар шундай ҳолат юзага келса, у ҳолда ушбу тадбирларни аллақачон давлат бюджетидан молиялаштирилганлигини ўзида акс эттиради. Натижада, бюджет дефицити юзага келса, ички манбалардан маблағлар жалб этилиши амалга оширилиши мумкин.

Шу боисдан, давлат номидан аксарият мамлакатларда Молия вазирлиги, баъзиларида Марказий банкнинг ўзи қисқа муддатли давлат облигацияларини эмиссия қилади ва шу орқали давлат харажатларини молиялаштиради. Марказий банк давлатга молиявий воситачи вазифасини бажариб беради. Бу ерда, пул-кредит сиёсатини амалга оширишдаги мустақил равишдаги Марказий банк облигацияларини аралаштириб юбормаслик лозим. Бу турдаги облигациялар пул массасига таъсир кўрсатиш учун монетар муассаса томонидан ҳукумат аралашувисиз амалга оширилади. Ушбу жараёнга жалб этилган миллий валюта захираси иқтисодиётда муомалага чиқарилмайди ва у истеъмолни таъминлашда иштирок этмайди.

Аксинча, давлат облигациялари орқали жалб этилган маблағлар пул массасига қисқа муддатли, лаҳзалик таъсирга эга бўлса-да, тўпланган пул истеъмолини таъминлашда иштирок этади ва у қайтадан бюджет харажатлари канали орқали муомалага чиқарилади. Шу нуктаи назардан, давлат ички қарзларига фаол хизмат кўрсатишда монетар муассасасининг роли муҳим ҳисобланади.

Хусусан, 2008-2009 йилларда Россия консолидациялашган бюджет дефицити ЯИМга нисбатан 6,2 фоизни ташкил этганлиги қайд этилган. Натижада, ушбу дефицитни молиялаштиришнинг 72 фоизи Мувозанатлаштириш фонди маблағлари, 15 фоизи айнан ички қарз жалб этиш ва 12,5 фоизи эса валюта курсининг ижобий фарқи бўйича даромадлар ҳисобидан амалга оширилган<sup>28</sup>. Кўриниб турибдики, давлат ички қарзлари бюджет дефицитини молиялаштиришда муҳим манбалардан бири бўлиб қолмоқда. Лекин ташки қарзга хизмат кўрсатишда айрим мунозарали хулосалар мавжуд

---

<sup>28</sup> Ерохина Ю.В. Денежное предложение центрального банка и экономический рост: теоретический аспект: автореферат ... к.э.н. – Москва. Центре эволюционной экономики ФГБУН Института экономики РАН, 2012. – 36 с.

бўлиб, олимлар томонидан ташқи қарзга фаол хизмат кўрсатиш мақсадга мувофиқ эмас, деб қайд этилади.

Масалан, Ю.Бушман ўзининг илмий хулосаларида давлат ташқи қарзига узоқ муддатли даврда хизмат кўрсатиш Марказий банкнинг монетар инструментиладан фойдаланиш мустақиллигини чеклашга олиб келади, деб таъкидлайди. Бу эса, ўз навбатида, Марказий банк томонидан сузиб юрувчи валюта курси режимини таъминлашга, нархлар барқарорлиги мақсадли белгиланишига тўлиқ имкон бермаслиги, қайд этилади<sup>29</sup>.

Фикримизча, давлат ички қарзларини жалб этишнинг қуйидаги афзалликлари мавжуд бўлиши мумкин:

- валюта курсининг кескин ўзгариши қарзни тўлаш барқарорлигига таъсир этмаслиги;

- ташқи ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий босимнинг мавжуд бўлмаслиги ёки юзага келмаслиги;

- аҳоли ўз маблағларини давлат облигацияларига инвестиция қилишда банкларнинг депозит ҳамда молия бозори ставкалари билан солиштириш имкони мавжудлиги рақобат муҳитини яратишга имкон беради;

- аҳоли ва давлат ўртасида ўзаро ишончнинг мустаҳкамланиши ордан давлатнинг молиявий сиёсати жамоатчилик назоратини амалга оширишда шарт-шароит яратилади;

- давлат ички қарзи авлодлар ўртасида молиявий мажбуриятни эмас, балки даромад манбаини тақсимлаш тамойили вужудга келишига хизмат қилади.

Шунингдек, давлат ички қарзларини жалб этишда қуйидаги камчиликлар юзага келиши мумкин:

- кескин инфляцион жараёнларнинг қарзни қайтаришга жиддий таъсири вужудга келиши ва аҳолининг моддий манфаатдорлигининг пасайиши;

- давлат облигацияларининг юридик шахсларга сотилишида маъмурий чораларнинг қўлланилиши эҳтимолининг мавжудлиги;

---

<sup>29</sup> Бушман Ю.В. Теоретические основы формирования денежно-кредитной политики в открытой малой экономике переходного типа: автореферат ... к.э.н. – Москва. Институте проблем рынка РАН, 2004. – 18 с.

– давлат облигациялари фоиз сиёсати Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасидан паст бўлиши давлат қимматли қоғозлари жозибадорлигини пасайтириш мумкин;

– давлат облигациялари бўйича дивидендларни ўз вақтида тўланмаслиги давлат қимматли қоғозларига нисбатан ишончнинг йўқолишига олиб келади.

Тадқиқотларимизни давом эттирган ҳолда давлат қарзини бошқаришга нисбатан ёндашувларни кўриб чиқамиз. Давлат қарзини бошқариш, бизнингча, давлат ваколатли органлари томонидан ҳамда қарз меъёрига нисбатан иқтисодий чегараларни белгилаш орқали амалга оширилиши мумкин.

А.Анисимов давлат қарзининг ижтимоий муносабатларга таъсирини тадқиқ этган. Унинг ижтимоий аҳамияти тўғрисида илмий хулосалар шакллантирилган. Шунингдек, давлат қарзи билан боғлиқ муаммоларни бартараф этишнинг икки йўналишда бўлишини тавсия этади: Хусусан, улар радикал ва консерватив эканлигини, ўз навбатида, консерватив усулда актив ва пассив шаклларга, радикал эса хужум ва химоявий усулларга бўлинишини таъкидлаб ўтади.

Консерватив пассив усулда давлат қарзининг чегараланган қийматини жорий этиш орқали, ЯИМ ва экспорт ҳажмига нисбатан белгиланишини акс эттиришини тавсия этади. Бу эса давлат қарзини бошқаришга қулай, мониторинг қилишни соддалаштириши ва рискли йўқотишни пасайтиришига имкон бериши таъкидланади. Актив усулда нафақат давлат қарзи бўйича чегарани балки, унинг тур (манба)ларини ҳам кўпайтириб юбормасликка эътибор беришни тавсия этади. Радикал химоявий усулда давлат қарзининг ҳажмига нисбатан минимал талабнинг жорий этилиши тушунилади. Бошқа усулда эса қарз-кредит муносабатлари шаклида ўзининг қарз маблағларидан фойдалана олиши назарда тутилади<sup>30</sup>.

Фикримизча, давлат қарзини бошқаришга нисбатан ёндашувда ижтимоий-иқтисодий манфаатларнинг ҳам инобатга олиниши олимлар томонидан илгари сурилмоқда. Жумладан, давлат қарзини

<sup>30</sup> Анисимова А.С. Особенности влияния государственного долга на систему социальных отношений автореферат ... к. с. н. – Москва. Московский государственной приборостроения и информатики, 2000. – 24 с.

бошқаришда турли усулларга таянилиши ва уларнинг афзалликларидан оқилона фойдаланиши мақсадга мувофиқлиги таъкидлаб ўтилган. Шу билан бирга, давлат қарзини бошқаришнинг субъектлари борасида ҳам қатор қарашлар мавжуд. Улар давлат қарзини бошқаришда ваколатли орган сифатида ушбу йўналишдаги молиявий сиёсатни амага оширилишига масъул ҳисобланади.

Юқорида келтирилган рискларни бартараф этишда иқтисодий мезонларга эътибор берилиши муҳимдир. Жумладан, Европа иттифоқида давлат қарзининг чегараланган қиймати ЯИМга нисбатан 60 фоиз бўлиши тавсия этилган бўлиб, унда ЯИМнинг ўсиши 4-5 фоиз атрофида ва облигациялар бўйича ставка 5 фоизни ташкил этиши тавсия этилган. Мазкур ҳолат 2-3 фоизли инфляция шароитида ҳам мамлакат иқтисодий ўсишдан даромад олишига имконият яратиб бериши таъкидланади. Натижада, иқтисодий ўсиш (ёки фоиз ставкалари паст бўлиши) таъминланиб, ЯИМга нисбатан давлат қарзи қисқариши юзага келади<sup>31</sup>. Ушбу иқтисодий мувозанатнинг таъминланиши нафақат барқарор давлат қарзини шакллантиришга, балки иқтисодий хавфсизликка эришишига имкон беради.

Бу борада Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 декабрдаги “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги 589-сонли қонунининг 16-моддасида янги қоидалар киритилди. Умуман олганда, ҳозирги кунга қадар Ўзбекистонда давлат қарзини бошқаришга нисбатан аниқ иқтисодий мезонлар белгиланмаганлиги бу борадаги ислохотларни бошлаб берди, десак хато бўлмайди. Унга, 2020 йилда 4 млрд. АҚШ доллари, шунда 1,5 млрд. АҚШ доллари миқдорида бюджет даромадлари ҳисобидан қайтарилишини назарда тутувчи ташқи қарзлар жалб этиш белгиланган.

Бизнингча, истиқболда қабул қилинувчи давлат қарзи тўғрисидаги ҳужжатларда қуйидагиларга эътибор бериш лозим, деб ўйлаймиз:

– давлат қарзини жалб этишда унинг умумий ҳажмини жумладан, жорий молия йилида жалб этилиши мумкин бўлган маблағларнинг ЯИМга нисбатан улуши юзасидан иқтисодий меъёрни фоизларда белгилаш;

<sup>31</sup> Бегман Ю.С. Госдолг – угроза финансового банкротства страны.  
<https://cyberleninka.ru/article/n/gosdolg-ugroza-finansovogo-bankrotstva-strany/viewer>

– давлат бюджети даромадлари ҳисобидан молиялаштирилиши назарда тутилувчи қарзга хизмат кўрсатишни бюджет даромадларига нисбатан фоизларда белгилаш;

ташки ва ички қарзларнинг ўзаро ҳажм ва муддат бўйича нисбатини белгилаш.

Давлат қарзларини бошқаришда рискларни минималлаштириш инвесторларнинг давлат облигацияларига бўлган қизиқишларининг ортишига шарт-шароит яратади. Шу боисдан, рисксиз даромадни шакллантириш молия тизимининг барқарорлигининг бирламчи омилларидан биридир. Рус олимларидан М.Мирошниченко давлат қарзини бошқариш билан боғлиқ рискларни гуруҳлаштиради ва уларни баргараф этишга қаратилган методларни тизимлаштириб беради<sup>32</sup> (1.2-жадвалга қаранг).

### 1.2-жадвал

#### Давлат қарзларини бошқариш рисклари ва уларни баргараф этиш

Рискнинг номи	Рискни минималлаштириш методи
Бозор rischi	Давлат облигациялари андеррайтери синдикатини шакллантириш; давлат облигацияларини жойлаштириш
Пролонгация rischi	Офертадан сўнг купон ставкасини аниқлаш бўйича аукцион ўтказиш
Ликвидлик rischi	Бирламчи дилерлар институтини шакллантириш
Кредит rischi	Бирламчи дилерлар институтини шакллантириш
Ҳисоб ва операцион риск	Инвесторларни сертификатлаш, ҳисобни автоматлаштириш, профессионал ҳисоб ва ахборот тизимини жорий этиш

Ушбу олим давлат қарзини бошқаришда давлат ваколатли органларининг ҳам ўзига хос жиҳатларини аниқлаштиришга ҳаракат қилади. Унинг фикрига кўра, давлат облигацияларини ва давлат қарзини бошқариш Марказий банк, Молия вазирлиги ва

<sup>32</sup> Мирошниченко М.М. Влияние государственного долга на устойчивость национальной финансовой системы: автореферат ... д.э.н. – Москва: МГУ им. Ломоносова, 2009. – 24 с.



молия бозорини назорат қилиш органи томонидан амалга оширилади. Марказий банк қисқа муддатли даврда банклар ликвидлигини таъминлашда муомаладаги пул массасини ва давлат қимматли қоғозлари портфелини бошқариш орқали амалга оширади. Молия бозорини тартибга солиш учун қуйидаги инструментлардан фойдаланади:

– пул ва унинг эквивалентларини тақдим этиш, биринчи навбатда, қўшимча репо аукционлари орқали давлат облигациялари чиқариш;

– қимматли қоғозларни гаровга қўйиш таркибини кенгайтириш;

– ломбард инструментлари бўйича дисконт коэффициентларини пасайтириш;

– ломбард кредитлари бўйича қатъий ставкаларни белгилаш;

– банк операциялари бўйича мажбурий захиралар меъёрларини камайтириш;

– валюта бозорини барқарорлаштириш учун олтин-валюта захираларини сотиш.

Молия вазирлиги давлат қарзларини бошқариш бўйича қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширади:

– давлат қимматли қоғозларини очик бозорда сотиш/олиш;

– йирик банклар ўртасида депозит аукционларини ўтказиш;

– солиқ ва йиғимларни пасайтириш;

– солиқларни кечиктириб тўлаш имконини бериш.

Рус тадқиқотчиларидан Н.Люшнина тадқиқотларида давлат қарзларини бошқариш учта институт томонидан амалга оширилиши таъкидлаб ўтилади. Уларга Молия вазирлиги, Қарз агентлиги ва Марказий банк кириши назарда тутилади<sup>33</sup>. Унинг фикрига кўра, ҳар бир ваколатли органни давлат қарзини бошқариш билан боғлиқ афзаллик ва камчиликлари мавжудлиги кўрсатиб ўтилади (1.3-жадвалга қаранг).

<sup>33</sup> Люшнина Н.О. Институциональные основы внешнего долга России: автореферат ... к.э.н. – Москва. Финансовый университет при Правительстве Российской Федерации, 2015. – 26 с.

## Ташқи қарзни бошқариш бўйича амалиётлар

Афзалликлари	Камчиликлари
<b>Молия вазирлиги</b>	
<ul style="list-style-type: none"> <li>– Бюджет-солиқ сиёсати орқали давлат қарзларини бошқаришни мувофиқлаштиришни соддалаштириш</li> <li>– Бошқариш тизимидаги рискларнинг камлиги</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>– Давлат қарзини бошқариш оммавий-сиёсий характерга эга ҳисобланади;</li> <li>– Давлат қарзини бошқариш айрим ваколатли органлари ўртасида тақсимланиши қарз ҳисобини юритишни ва стратегия ишлаб чиқишни мураккаблаштиради</li> </ul>
<b>Қарз агентлиги</b>	
<ul style="list-style-type: none"> <li>– Махсус билим ва компетенциянинг мавжудлиги</li> <li>– Қарзга хизмат кўрсатиш бўйича харажатларни қисқартириши</li> <li>– Қарз портфелида рискларнинг минималлаштирилиши</li> <li>– Қарзни бошқариш сиёсатининг бюджет ва монетар сиёсат ўртасидаги аниқ тақсимланиши</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>– Оммавий очик сиёсат</li> <li>– Бошқариш тизимидаги рискларнинг юқорилиги</li> </ul>
<b>Марказий банк</b>	
<ul style="list-style-type: none"> <li>– Монетар сиёсатнинг давлат қарзини бошқаришга мослаштирилиши (давлат қимматли қоғозларини очик бозорда сотиш/олиш, кредит фоиз ставкаларининг кўпайиши/камайишига олиб келади)</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>– Инфляцияга қарши курашда фоиз ставкаларининг оширилишига қаршилиқ</li> <li>– Қарз қайта молиялаштирилгунига қадар банк тизимини ликвид маблағлар билан таъминлашга тайёрлик</li> </ul>

Ю.Цареградская давлат қарзини бошқариш моделининг ҳар қандай кўринишида қуйидаги омилларни акс эттирган ҳолда шакллантиришни тавсия этади: 1) давлат қарзи муносабатларида ҳуқуқий нормаларнинг ўрнатилиши; 2) давлат қарзини бошқариш ваколатли органлари ўртасидаги молиявий-ҳуқуқий меъёрларнинг белгиланиши; 3) давлат қарзини бошқариш органлари томонидан

хукуқий меъёрларни ишлаб чиқиш бўйича ваколатларнинг белгиланиши<sup>34</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 29-моддасида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бюджет соҳасидаги ваколатлари таркибида “давлат қарзининг ҳисобини ва мониторингини юритади” ва “давлат қарзи бўйича хизмат кўрсатади, Ўзбекистон Республикасининг давлат қафолатларини бажаради” деган қоида белгиланган. Демак, мамлакатимиз тажрибасида давлат қарзларини бошқаришнинг ваколатли органи сифатида фаолият олиб бориши кўзда тутилган.

Шу билан бирга, ушбу ҳужжатнинг 70-моддасида Ўзбекистон Республикаси бюджети харажатлари таркибида “давлат қарзи бўйича хизмат кўрсатиш ва Ўзбекистон Республикасининг қафолатланган мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ харажатлар” мавжуд бўлиши назарда тутилган. Таъкидлаш лозимки, давлат қарзларини молиялаштиришда бюджет харажатларининг роли алоҳида белгилаб ўтилмоқда. Юқорида қайд этиб ўтганимиздек, мазкур ҳолат узок муддатли солиқ юкининг ортишига шарт-шароит яратади.

Олиб борилган тадқиқотлар асосида давлат қарзини бошқариш органларининг фаолиятида акс этиши лозим бўлган куйидаги ҳолатларни инобатга олиш зарур:

– давлат қарзининг максимал миқдорини ЯИМга нисбатан белгилашнинг ягона орган томонидан амалга оширилиши;

– жорий ва оралик давлат қарзларининг умумий қарздаги улуши коридори (куйи ва юқори чегара)ни белгилаш;

– давлатнинг маълум инвестициявий фаолиятга қафолатлар бериш бўйича қарор қабул қилувчи аниқ шахслар (масалан, президент ва парламент)ни белгилаш;

– давлат қарзини истеъмол қилишни эмас, балки қиймат яратишни назарда тутувчи лойиҳаларни амалга оширишга йўналтиришнинг белгиланиши;

– давлат қарзи бўйича рискларни аниқлаш ва баҳолашни амалга оширувчи ваколатли органларнинг мавжуд бўлиши;

---

<sup>34</sup> Цареградская Ю.К. Правовое регулирование государственного долга России как института в системе финансового права: автореферат ... к.ю.н. – Москва. Московский государственный юридический университет имени О.Е. Кутафина, 2016. – 48 с.

– давлат қарзини бошқариш ва унга хизмат кўрсатиш бўйича давлат органлари ўртасида ваколатларнинг аниқ чегараларини белгилаш.

Хулоса қилиб айтганда, давлат қарзларини бошқаришда унинг турларини инобатга олиш ва унинг ўрнатилган иқтисодий мезонлар доирасида амалга оширилиши долзарб ҳисобланади. Шу боисдан, давлат қарзларини бошқаришда маъмурий ваколатларнинг аниқлаштирилиши ва иқтисодий мезонларнинг ўрнатилиши муҳим аҳамият касб этади.

### **1.3. Давлат қарзларини бошқаришнинг хорижий тажрибалари**

Жаҳон мамлакатларида давлат қарзи билан боғлиқ тенденциялар кескинлашаётган бир пайтда қарзни бошқариш самарадорлигига эришиш муҳим ҳисобланади. Ривожланаётган мамлакатларда инвестицияларнинг етишмаслиги, ресурслар тўлиқ эгалланиб, бандлик тўлиқ таъминламаганлиги, урбанизация жараёнларининг жадаллашуви каби омиллар суверен қарзлар ҳажмини оширишга хизмат қилмоқда. Ривожланган мамлакатларда эса халқаро молия бозорлари орқали маблағлар жалб этиш, давлатнинг облигацияларини чиқариш тенденцияси ортаётганлиги билан изоҳланади.

Жаҳон банки гуруҳига кирувчи Халқаро ривожланиш ассоциацияси давлатлари<sup>35</sup> 2018 йилда 387 млрд<sup>36</sup>. АҚШ долларидадан ортиқ давлат ташқи қарзларини жалб этди. Ушбу қарзнинг асосий қисми Суб-сахариан Африка мамлакатларида қайд этилди. Хусусан, сезиларли ўсишлар Эфиопияда 885 фоиз, Замбияда 521 фоиз, Угандада 437 фоиз ва Ганада 395 фоиз ўсиш юз берди. Жаҳон банкининг маълумотларига кўра, 2018 йилда кам ва ўрта даромадли мамлакатларга молиявий кредит (қарз ва капитал)лар оқими 2017 йилга нисбатан камайган. Хусусан, 2018 йилда 1,032 трлн. АҚШ доллари, шундан 528,7 млрд. АҚШ доллари ташқи қарз, қолган 503,5 млрд. АҚШ доллари капитал оқими бўлиб (жумладан, 468 млрд.


<sup>35</sup> 2020 йил учун ЯИМнинг киши бошига тўғри келиши 1175 АҚШ долларидадан кам бўлган мамлакатлар назарда тутилган. Ҳозирги кунда 59 та давлат ушбу мезонлар асосида таркибга киритилган.

<sup>36</sup> International Debt Statistics 2020. International Bank for Reconstruction and Development / The World Bank

АҚШ доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар) ҳиссасига тўғри келди.

Фикримизча, ривожланаётган мамлакатларда молиявий оқимлар ўтган 2017 йилга нисбатан пасайиш тенденциясига эга бўлишига қарамасдан, давлат ташки қарз ҳажми улуши молиявий оқимлар жами ҳажмида 51,2 фоизни ташкил этаётгани ҳам ўша мамлакатларда давлат қарзининг ўсиш тенденциясини кузатиш мумкинлигидан далолат беради. Шу нуқтаи назардан айтиш мумкинки, давлат қарзи кам даромадли мамлакатларда юқори ўсиш суръатларини намоён қилмоқда. Шунингдек, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларларнинг ҳажми ҳам юқори суръатларда ривожланмоқда.

Бизнингча, давлат қарзини тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларга нисбатан тенг улушларда бўлаётганлиги ушбу мамлакатларда давлатнинг иктисодиётдаги улуши сакланиб қолаётганлигини билдиради. Бошқача айтганда, мамлакатда бюджетнинг ижтимоий соҳа харажатлари ёки мамлакатда бажариладиган лойиҳаларнинг молиялаштирилишида давлат маблағларининг сезиларли юқори бўлиб қолаётганлигини англатади.



### 1.1-расм. Ўрта ва кам даромадли (Хитойдан ташқари) мамлакатларга молиявий оқим ҳажми<sup>37</sup>, млрд. АҚШ доллари.

Изоҳ: Net financial flows – ялпи молиявий оқим, Net equity flows – ялпи капитал оқими, Net debt flows – ялпи қарз оқими.

<sup>37</sup> Жаҳон банкининг 2020 йил давлат қарзлари бўйича маърузасидан олинган. <https://openknowledge.worldbank.org/bitstream/handle/10986/32382/9781464814617.pdf>

Хитой давлатини ҳисобга олмаганда, ривожланаётган мамлакатларда 2009-2013 йилларда молиявий оқимларда давлат қарзи хорижий инвестицияларга нисбатан катта улушларда бўлганлигини кўриш мумкин. 2014 йилдан бошлаб эса ташқи қарзга нисбатан ёндашув ўзгарди, натижада, ташқи инвестицияларнинг улуши юқорилаганлигини қайд этиш лозим. Шу билан бирга, 2018 йилда ўтган йилга нисбатан молиявий оқимларнинг умумий ҳажми ҳам пасайганлигини таъкидлаш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатларнинг давлат қарзида ривожланиш тенденциялари кузатилмоқда. Айниқса, ривожланаётган мамлакатларда ташқи қарз ҳажми ташқи инвестицияларга нисбатан юқори ўсиш суръатларини акс эттирмоқда.

Ҳозирги кунда мамлакатларнинг жами ташқи қарзи 63 трлн. АҚШ долларидадан ортиқни ташкил этади. Шундан 58 фоиздан ортиқ қисми АҚШ, Хитой ва Япония давлатлари ҳиссасига тўғри келади. Ушбу улушнинг тақсимооти мос равишда 32, 18 ва 8 фоизни ташкил этади. Кейинги 4- ва 5- ўринларда Италия (3,9 фоиз) ва Франция (3,8 фоиз) қайд этилади. Кўриниб турибдики, давлат қарзи бўйича йирик иқтисодиётлар йирик маблағларни жалб этишмоқда<sup>38</sup>.

Тадқиқотларимиз доирасида айрим мамлакатларнинг индивидуал қарз амалиётларининг ривожланиш ҳолати ва бошқариш тажрибаларини ўрганиб ўтамыз. Дастлаб АҚШнинг тажрибасига эътибор қаратамыз. Ушбу мамлакат дунёда энг йирик қарз улушига эга бўлган давлат сифатида ажралиб туради.

Дунёнинг етакчи мамлакатларида ҳам давлат қарзи бўйича қатор мураккабликлар юзага келмоқда. Жумладан, АҚШнинг 2020 йил 1 январь ҳолатига давлат қарзи 23,1 трлн<sup>39</sup>. долларни ташкил этган бўлса, айтилган даврда ЯИМ 21,7 трлн<sup>40</sup>. долларига етган. Бундан хулоса қилиб айтганда, АҚШ давлат ташқи қарзи мамлакат иқтисодиётига нисбатан катта бўлаётганлигини кўриш мумкин. Конгресснинг бюджет масалалари бўйича бошқармаси прогнозларига кўра, АҚШ қарзи 2049 йилга бориб ЯИМнинг 144 фоизини ташкил этиши

<sup>38</sup> Туркиянинг Анадолу агентлиги маълумотларидан фойдаланилган <https://www.aa.com.tr/>

<sup>39</sup> [https://www.treasurydirect.gov/govt/reports/pd/pd\\_debttothepenny.htm](https://www.treasurydirect.gov/govt/reports/pd/pd_debttothepenny.htm) маълумотларидан 2020 йил 1 январь ҳолати олинган

<sup>40</sup> <https://www.bea.gov/news/2020/gross-domestic-product-fourth-quarter-and-year-2019-second-estimate>

мумкинлигини кўрсатмоқда<sup>41</sup>. Бунинг асосий сабабларидан бири сифатида Д.Трамнинг солиқ ислохотларини амалга ошириш, ставкаларни пасайтириши, хусусан корпоратив солиқнинг қисқариши билан бевосита боғлиқдир. Шунингдек, давлат харажатларининг оширилиши мазкур тенденциянинг янада тезлашишига шароит яратди.

А.Тишаковнинг тадқиқотларига кўра<sup>42</sup>, АҚШ давлат қарзининг юзага келиши 1790 йил 1 январдаги Континентал Конгрес ва янги ҳукуматнинг харажатларини қоплаш билан бошланган бўлиб, унинг дастабки ҳажми 52 млн. АҚШ долларидан ортиқ бўлган. Бизнинг асримизда қарз тенденциясини таҳлил этсак, 2001 йил 11 сентябрь воқеалари натижасида иқтисодиётнинг нобарқарорлашуви ортидан АҚШ давлат бюджетининг харажатлари ошиши юзага келди. Бюджет харажатларининг 16 фоизга ортиши асосан ҳарбий ва хавфсизлик масалаларини таъминлаш мақсадида амалга оширилган тадбирларга бевосита боғлиқ ҳисобланади.

Умуман олганда, АҚШ қарзининг юзага келишида муддат нуқтаи назаридан тўрт гуруҳга бўлинади, улар:

– қисқа муддатли ғазначилик векселлари (Bills) – 1 йилгача. Векселларнинг номинал қиймати 10 минг долларни ташкил этади. Қисқа муддатли эҳтиёжлар учун ҳукумат томонидан эмиссия қилинади;

– ўрта муддатли ғазначилик облигациялари (Notes) – 1 йилдан 10 йилгача. 4 йилдан ортиқ бўлган нотлар минг доллар қийматга эга ҳисобланса, 4 йилгача муддатдаги нотлар 5 минг доллар қийматда эмиссия қилинади. Ҳар олти ойда фоизлар тўланади;

– узок муддатли ғазначилик облигациялари (Bonds) – 10 йилдан ортиқ бўлган 30 йилгача муддатда 1/5/10/100 минг ва 1 млн. қиймат билан муомалага чиқаралади. Ҳар олти ойда фоизлар тўланади;

– инфляциядан ҳимояланган ғазначилик облигациялари – 5, 10 ва 30 йиллик муддатларни ўзида акс эттиради.

Таъкидлаганимиздек, давлат қарзи икки турга – ички ва ташқи шаклларга ажратилади. АҚШда эса давлат ва федерал қарз шаклларига ҳам ажратиш орқали ўрганилади. Давлат қарзи таркибига

<sup>41</sup> <https://www.rbc.ru/economics/26/06/2019/5d12dcef9a794712e6f4ea68>

<sup>42</sup> Тишаков А., Хатилова А. Роль госдолга США в мировом движении капитала. <https://mirec.mgimo.ru/2011-04/rol-gosdolgs-usa>

қимматли қоғозларнинг АҚШ ғазначилиги ёки қонунчиликка мувофиқ ваколатли органлар томонидан муомалага чиқарилиши тушунилади. Бу турдаги қарзлар давлат қарзининг 70 фоиз атрофидаги ҳажмини ташкил этади. Федерал (ҳукумат ичра) қарз эса ялпи федерал қарз бўлиб, хусусий сектор ва ҳукуматлардан олинган қарзларни ўзида акс эттиради. Ўз ўрнида, федерал қарз қуйидагилардан таркиб топади:

– федерал бўлмаган сектордан олинган қарз (ташқи қарз) – ҳукуматга тегишли бўлмаган инвесторлари (хусусий инвесторлар, корпорациялар, Федерал захира тизими, хорижий давлатлар, маҳаллий бошқарув органлари)дан олинган қарзлар назарда тутилади;

– ички федерал қарз (ички давлат қарзи) – бошқа федерал органлардан олинган қарзлар назарда тутилади. Бунда асосий ўринни мамлакатдаги айрим фондларнинг улушлари эгаллайди.

АҚШ давлат (миллий) қарзининг таркибига алоҳида штатларнинг, корпорацияларнинг, жисмоний шахсларнинг қарзлари киритилмайди.

Хулоса қилиб айтганда, АҚШ ички қарз сифатида мамлакатнинг ички давлат органлари томонидан АҚШ ғазначилиги қимматли қоғозларини сотиб олиш билан юзага келишига нисбатан айтилади. Аксинча, ташқи ҳукуматлар ва бошқа шахслар томонидан сотиб олинган қимматли қоғозлар давлат ташқи қарзи сифатида акс эттирилади. АҚШ молия вазирлиги маълумотларига кўра, 2020 йил 12 март кунги ички қарз 6 трлн. долларни, ташқи қарз эса 17,4 трлн. долларни ташкил этади. Ўз навбатида, ташқи қарз миллий қарзнинг 74 фоизини ташкил этмоқда. Бизнингча, АҚШ давлат қарз сиёсатида ташқи молиялаштириш манбаларининг ривожланиш тенденциялари юзага келмоқда. Бу эса АҚШ ЯИМга нисбатан 80 фоизга тенг бўлмоқда.

Бизнингча, ҳозирги кунда давлат қарзининг 70 фоиздан ортиқ қисмини жисмоний шахслар, компаниялар ва хорижий ҳукуматлардан олинган маблағлар ташкил этмоқда. Булар асосан, векселлар, ғазначилик облигацияларини сотиш орқали шакллантирилиши билан ифодаланади. АҚШнинг давлат қарзининг ўз миллий валютасида бўлганлиги унинг қарз хавфсизлигини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.



Иқтисодий таҳлиллардан маълумки, давлат қарзи ва бюджет дефицити юқори бўлган даврда мамлакатда иқтисодий ўсиш тенденцияларининг пасайиши кузатилади. Масалан, 1992 йилда йирик бюджет дефицити юқори ишсизлик ва “ЯИМ узилиши” даврида юзага келган. Мазкур даврда ишсизлик 7,4 фоиз, ЯИМдаги узилиш 3,5 фоиз бўлган бўлса, бюджет дефицити 4,5 фоиз бўлган. 2009 йилга келиб эса ушбу кўрсаткичлар мос равишда 8,5; 5,9 фоиз бўлган ва бюджет дефицити 9,8 фоизга чиққан<sup>43</sup>. Шундай бўлишига қарамадан, охириги йилларда тенденциянинг акс ҳолда ривожланаётганлигини кўриш мумкин. Жумладан, 2018 йилда иқтисодий ўсиш 3,1 фоиз ва ишсизлик ўзининг энг минимал даражасида қайд этилган бўлиб, 3,4 фоизга тенг бўлган. Лекин бюджет дефицити 3,9 фоизни ташкил этган. Умуман олганда, АҚШ иқтисодий ўсишни сақлаган ҳолда ташқи қарз ва бюджет дефицитини оширишда давом этиши кўзда тутилмоқда.

Америкалик эксперт К.Амадео давлат қарзининг юқори суръатларини қуйидаги сабаблар билан изоҳлайди<sup>44</sup>:

– давлат қарзи бюджет дефицитининг йиғилган суммасига тенг. Бу 1989-2018 йилларда ўсган. Ушбу даврда солиқлар миқдори камайтирилиб, ҳарбий ҳаракатлар учун харажатлар оширилиши натижасида бюджет дефицити ошиб, қарзнинг кўпайишига шарт-шароит яратган;

– барча президентлар давлат ижтимоий суғурта фондлари маблағларидан қарз олиш амалиётини қўллаганлар. Бошқача айтганда, ижтимоий фондлар маблағларини инвестиция ортидан даромад олиши туғилишнинг ортиши шароитида пенсия тўловларини барқарор амалга оширишга ёрдам беради. Бизнингча, иқтисодий ўсишнинг 3 фоизлик шароитида аҳолининг қариш кўрсаткичи юқори бўлиши сабабли пенсия таъминоти ва соғлиқни сақлаш харажатларини бюджет даромадлари билан қоплаш имконияти камаймоқда;

---

<sup>43</sup> Tully S. America's disastrous new normal: A booming economy and soaring deficits//The Fortune. – 2019. -05.01. – Mode of access: <http://fortune.com/2019/01/05/us-economy-deficit-government/>

<sup>44</sup> Amadeo K. The US debt and how it got so big. Five reasons why America is in debt//The balance. – 2019. – 28.03. – Mode of access: <http://www.thebalance.com/u-s-debt-and-how-it-got-so-big-3305778>

– Хитой ва Япония ўз миллий валюталари барқарорлигини долларга нисбатан сақлаб қолиш учун АҚШ ғазначилиги қимматли қоғозларини сотиб олишмоқда. Улар Америка бозори экспорт маҳсулотлари истеъмолчиси бўлиб, шу боисдан АҚШ импорт-ёрларини молиялаштиришдан манфаатдор ҳисобланади;

– Америка ғазначилик мажбуриятларига хорижий давлатлар томонидан бўлган талаб уларнинг паст ставкалари мавжудлиги ортидан сақлаб турилади. Масалан, 2008-2009 йиллардаги инқироз даврида ғазначилик мажбуриятлари рисксиз инвестиция объекти сифатида сотиб олинган;

– давлат қарзининг максимал миқдорига нисбатан чекловлар бўлишига қарамасдан, Конгресс қарз жалб этишнинг турли йўллари излайди;

Ғазначилик мажбуриятлари жозибadorлиги ва унинг асоси АҚШнинг иқтисодий салоҳияти билан таъминланганлиги учун мазкур мамлакатнинг қарзи ошиб бориш эҳтимоллиги юқори ҳисобланади. Лекин бюджет даромадлари ҳисобидан қарзга хизмат кўрсатиш ижтимоий хизматларини молиялаштириш имкониятини пасайтиради. Шунингдек, ҳарбий харажатларнинг ортиши шароитида давлат қарзига бўлган талаб яна долзарб бўлиб қолаверади.

Фикримизча, иқтисодий ўсишни таъминлаш учун солиқларни камайтириш ёки давлат бюджети дефицитини пасайтириш учун давлат харажатларини қисқартириш ўзининг ижобий натижасини бермайди. Ваҳоланки, солиқ юқини камайтирилиши бизнес юритиш муҳитини қўллаб-қувватламайди ёки харажатларни қисқартирилиши дефицитни камайтириши мумкин, лекин ишсизликни ёки ижтимоий хизматлар етишмовчилигини келтириб чиқаради. Шу боисдан, давлат иқтисодиётда бош ислоҳотчи вазифасини бажариши лозим бўлади ва бунинг учун иқтисодий ўсишни таъминлаш мақсадида солиқ юқини оширмасдан, ижтимоий харажатларнинг камайтирилмаган ҳолатига эришиши шарт ҳисобланади. Бу борада давлатнинг қаролати остида маблағлар жалб этиш муҳим бўлиб қолади.

Шу нуқтаи назардан ҳам АҚШ ўзининг давлат қарз сиёсатида ижтимоий соҳа харажатларини молиялаштиришга қаратилган лойиҳаларни амалга оширишни назарда тутмоқда. Бу борада давлат

қарзини бошқаришга нисбатан замонавий ёндашувни шакллантириш долзарб вазифа ҳисобланади. Жумладан, Г.Рогоф давлат қарзи таркибини шакллантиришда узок муддатли қарзларни қисқа муддатлиларга нисбатан кўпайтиришни тавсия этади. Натижада, қарзни қайта молиялаштиришга зарурат камаяди, давлат қарзига хизмат кўрсатиш арзонлашади, деб таъкидлаб ўтади<sup>45</sup>.

Умуман олганда, АҚШнинг хорижий ҳукуматлар томонидан сотиб олинган қимматли қоғозлар бўйича қарзи 2019 йил декабрь ҳолатига 6,7 трлн. долларни ташкил этади. Шундан 16 фоизи Хитойга тегишли бўлиб, Япониядан кейинги иккинчи улуш ҳисобланади. 17 трлн. атрофидаги қарз эса Америка халқи ва ҳукуматнинг ўзидан олинган маблағлар ҳисобланади. АҚШнинг энг катта кредитор мамлакатлари Япония, Хитой, Бразилия, Англия ва Ирландия ҳисобланиб, уларнинг ҳиссасига 76 фоиз улуш тўғри келади<sup>46</sup>.

Юаннинг долларга нисбатан қадрсизланиши Хитой экспортининг АҚШ бозорида арзон бўлишига шароит яратмоқда. Бу биринчидан, паст ставкада қимматли қоғозларни сотишга имкон яратса, иккинчидан, экспорт ҳисобидан келган долларга қоғоз сотиб олишга имкон бермоқда. Учинчидан, АҚШ иқтисодиётида қўшимча жалб этилган маблағлар эвазига ички истеъмолни таъминлаши иқтисодий ўсишга имкон беради. Шу боисдан, Трампнинг Хитойга нисбатан импорт чекловларини киритиши ғазначилик облигацияларини сотиб олишга бўлган имкониятнинг камайишига олиб келмоқда. Натижада Хитойнинг 2013 йилдаги 1,3 трлн. улуши, 2019 йил охирига келиб 1,07 трлн. га тушишига олиб келди.

Шундай бўлса-да, Хитой бирдан ўз қўлидаги АҚШ қимматли қоғозларини сота олмайди, агарда ушбу амалиёт амалга оширилса, қуйидаги иқтисодий ҳолатлар юзага келиши мумкин:

- АҚШ давлат қимматли қоғозлари ставкалари кўтарилиши;
- АҚШда истеъмол нархларининг ошиши;
- долларнинг фавқулудда қулаши, жаҳон иқтисодиётининг жиддий таназзулга учрашига олиб келиши;

---

<sup>45</sup> Rogoff K. Modern monetary nonsense//Project syndicate. – 2019. -04.03. Mode of access: <https://www.project-syndicate.org/commentary/federal-reserve-modern-monetary-theory-dangers-by-kenneth-rogo-ff-2019-03/russian?barrier=accesspaylog>

<sup>46</sup> <https://www.thebalance.com/u-s-s-debt-to-china-how-much-does-it-own-3306355>  
маълумотларидан фойдаланиб тайёрланган.

– Хитойнинг АҚШга экспорти тушиб кетиб, Хитой товарлари сотуви тушиб кетади ва бу ҳолат Хитой савдосини пасайтиради. Бунинг учун Хитой АҚШдан бошқа минтақаларда ўзининг барқарор истеъмолчиларига эга бўлганидан сўнг бу масалани кун тартибига олиб чиқиши Хитой учун манфаатли бўлиши мумкин.

Шу нуқтаи назардан Хитой ўзининг иқтисодий ўсишини таъминлаш, йирик экспортёр бўлиб қолиш ва рақобатбардошликни сақлаб қолиши учун АҚШ қарзининг энг йирик улушдорлари сафида қолиши керак бўлади.

Олиб борилган тадқиқотлар асосида АҚШ давлат қарзини бошқариш бўйича қуйидагиларни инобатга олиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз:

– миллий иқтисодиётдан, хусусан резидентлардан қарз жалб этиш амалиётини тадбиқ этишга қаратилган амалий чораларни кўллаш;

– ижтимоий фондларнинг харажатларини молия бозоридаги иштирокини ривожлантириш орқали, давлат қимматли қоғозларига йўналтириш ортидан ҳам ижтимоий харажатларни молиялаштириш, ҳам даромадлар базасини мустаҳкамлашга эришиш;

– давлат қимматли қоғозларини аниқ муддатларга асосланган шаклини жорий этиш ва узоқ муддатли қарзларга эътибор қаратиш;

– бир давлат қарзида бир давлат улушининг доминант мавқега эга бўлиб қолишининг олдини олишни мониторинг қилиш;

– Ўзбекистон давлат қарзи ҳисобини шаффоф тарзда эълон қилиб турувчи “қарз соати” механизмини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ қилиш.

Тадқиқотларимиз давомида ривожланаётган мамлакат сифатида Хитойнинг давлат қарз амалиётини таҳлил этишга ҳаракат қиламиз. Хитой жаҳоннинг иқтисодиёти ривожланган мамлакатларидан энг бири саналади. Жумладан, 2017 йилда 23,12 трлн. АҚШ доллари ҳажмида ЯИМ яратиб, дунёнинг биринчи рақамли иқтисодиёти бўлишга улгурган эди. Иқтисодий ўсишнинг муҳим омилларидан бири – бу давлат харажатларининг роли катталиги ва давлатнинг бош ислохотчиликдаги аҳамияти билан белгиланади. Масалан, Хитойнинг учта йирик энергия компаниялари давлатга тегишли бўлиб, уларнинг рентабеллиги хусусий секторга нисбатан кам бўлса-

да, давлат ўзининг стратегик лойиҳаларини амалга ошириш учун ушбу компаниялардан фойдаланади.

Қайд этиш лозим, Хитой хорижий компанияларга мамлакатда савдони амалга ошириш учун, аввало, ишлаб чиқаришнинг маълум қисми Хитойда бўлишини ва технологияларни олиб кирилишини талаб этади. Натижада, Хитой компаниялари ва ишчилари малакага эга бўлиш имкониятини қўлга киритадилар. Ушбу ислохотлар орқали кам таъминланган оилалар сонининг кескин қисқаришига эришилди. Шу билан бирга, дунёнинг кўплаб йирик савдо белгилари айнан Хитойга тегишли эканлиги барчага маълум бўлиб бормоқда.

Хитой ривожланаётган мамлакатлар ичида энг катта давлат қарзини жалб этаётган мамлакат ҳисобланади. 2009-2018 йиллар давомида кам ва ўрта даромадли мамлакатларга келган жами молиявий оқимларнинг 37 фоизини ташкил этган бўлиб, 3,8 трлн. АҚШ долларига тенг бўлган. Шундан 54 фоизи давлат қарзи, 46 фоизи капитал (асосан, ташқи инвестиция) оқимини ташкил этган. 63 фоизи давлат қарзи ва давлат кафолати остида жалб этилган узоқ муддатли маблағлар эканлигини кўриш мумкин. Хитой ўз миллий валютасини эркинлаштириши ва халқаро фонд бозорлари билан ягона платформада ишлаши натижасида деноминантланган юан облигацияларига бўлган талаб ортиб бормоқда. Шунингдек, валюта депозитлари ва савдо кредитларига бўлган қизиқиш ортиши натижасида 2018 йилда давлатнинг 38 млрд. АҚШ долларлик облигацияларининг 56 фоизи норезидентлар томонидан сотиб олинди<sup>47</sup>.

2010 йилдан кейинги даврни кузатадиган бўлсак, давлат қарзи динамикаси давомий ўсишни ўзида акс эттирмоқда. Ҳозирги кунга келиб, давлат қарзи миллий иқтисодиётнинг ярмига тенг бўлмоқда. Бу эса ўртача киши бошига 5000 АҚШ долларига яқин улушни ташкил этаётганлиги, қўшилган қийматнинг ярми қарзга хизмат кўрсатиш учун сарфланиши мумкинлигини кўрсатади (1.4-жадвалга қаранг). Бизнингча, Хитой ташқи қарзи халқаро мезонлар бўйича тавсия этилган меъёрларга мос келишини таъкидлаш лозим. Зотан, Хитой қарзи ва миллий иқтисодиёти дунёнинг иккинчи мамлакати бўлса-да, киши бошига тўғри келувчи улушлар бўйича ижобий

<sup>47</sup> Жаҳон банки маълумотлари

<https://openknowledge.worldbank.org/bitstream/handle/10986/32382/9781464814617.pdf>

кўрсаткичларга эга бўлмоқда. Бу ҳолат, албатта, мамлакат аҳолисининг кўп сонли эканлиги билан изоҳланади.

#### 1.4-жадвал

##### Хитой қарзи ривожланиш тенденцияси

Йил	Қарз, трлн. АҚШ доллари	ЯИМда фоизда	Киши бошига қарз ҳажми, АҚШ доллари
2018	6,766,845	50.64%	4,849
2017	5,645,624	46.79%	4,061
2016	4,958,814	44.18%	3,586
2015	4,609,682	41.07%	3,353
2014	4,204,268	39.92%	3,074
2013	3,564,563	37.00%	2,620
2012	2,935,154	34.27%	2,168
2011	2,530,783	33.64%	1,878
2010	2,045,233	33.74%	1,525

Хитойда давлат қарзини классификациялаш муддатлар нуктаи назаридан амалга оширилади. Булар қисқа, ўрта ва узоқ муддатли ҳисобланади. Қарз бўйича шартноманинг келишилган муддатлари таснифлашга асос бўлиб хизмат қилади.

Хитой ўзининг барқарор қарз амалиётини жорий эта олишига сабаблардан бири – бу иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлай олганлиги билан белгилаш мумкин. Хусусан, 2008 йилдаги молиявий инқирознинг оқибатларини бартараф этиш ва барқарор иқтисодий ўсишга эришган давлатлардан бири ҳисобланади. 1990-2008 йилда ЯИМни яратиш ҳажми бўйича АҚШдан сўнг Япония мамлакати турган бўлса, ундан кейинги даврларда Хитой 2019 йиллар оралиғида 10 трлн. АҚШ доллари миқдорида ЯИМни яратиб, жаҳоннинг иккинчи иқтисодиётига айланишга эришди. Шунингдек, тўлов балансининг жорий операциялар бўлимида 2019 йилда ижобий сальдо бўлиб, унинг ҳажми 106 млрд. АҚШ долларига тенг бўлди. Шу боисдан, Хитой ўзининг давлат

қарзини жалб этишдаги барқарор ҳолатини таъминлашга эришишга муваффақ бўлди. 2018 йилда Хитой ЯИМда импорт ҳажми 18,7 фоизни, экспорт эса 19,5 фоизни ташкил этди. Таъкидлаш лозим, экспортнинг улуши юқорилиги, тўлов балансининг барқарор бўлишига етарли асослар яратилган. Мос равишда АҚШнинг худди шу кўрсаткичлари 15,3 ва 12,2 фоизни ташкил этган. АҚШ ҳолатида эса тўлов баланси барқарор ҳолатга эга эмаслигини ўзида акс эттирмакда.

Шунингдек, Хитой олтин-валюта захираси 3,2 трлн. АҚШ доллари бўлиб, бу бўйича жаҳоннинг энг катта улушга эга биринчи рақамли мамлакати эканлиги, унинг ҳажми тахминан Япония, Швейцария, Россия ва АҚШ давлатларининг захирасига тенг ҳисобланади<sup>48</sup>.

Хулоса қилиб айтганда, Хитой давлат қарзини бошқаришда ижобий таъсир кўрсатган омилар биринчидан, иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатда бўлиши, иккинчидан, тўлов балансининг ижобий сальдо билан бажарилиши ва учинчидан, энг катта олтин-валюта захирасига эга бўлиши каби муҳим макроиктисодий кўрсаткичлар қарзга хизмат кўрсатишнинг ликвидлигини таъминлашда ўзига хос аҳамият касб этмокда.

Хитой тажрибасини тадқиқ этиб, Ўзбекистон шароитида қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

– барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда юқори илмий сифимкор маҳсулотларни ишлаб чиқаришни рағбатлантириш;

– тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишда юқори технологиялар олиб киришга минимал талабларни шакллантириш;

– тўлов балансининг жорий операциялар бўлимида ижобий колдикка эришиш чораларини кўриш;

– олтин-валюта захирасини диверсификация қилиш орқали барқарор захирани яратишга эришиш.

Қайд этиб ўтилган тажрибаларнинг мамлакатимизда эътибор берилиши макроиктисодий мувозанатни таъминлаш орқали

---

<sup>48</sup> <https://www.theglobaleconomy.com/rankings/Reserves/> маълумотларидан фойдаланган ҳолда тузилган

давлат қарзларига хизмат кўрсатиш самарадорлигига эришиши мумкин бўлади.

Тадқиқотларимизни давом эттирган ҳолда кўшни давлатлардан Қозоғистон давлат қарзи амалиётини таҳлил этишга ҳаракат қиламиз.

Қозоғистонда давлат қарзини бошқаришга нисбатан 2008 йил қабул қилинган мамлакат Бюджет кодексида аниқ ёндашувлар шакллантирилиб берилган. Хусусан, ҳужжатнинг 3-моддасининг айрим (қавс ичида берилган) пунктларида қуйидаги қоидаларга тушунтиришлар берилган:

– (8) қарзга хизмат кўрсатиш – мажбуриятлар натижасида жарималар, комиссия харажатлар ва ҳақларни тўлаш даврида юзага келган жами тўловлар йиғиндиси ҳисобланади;

– (9) қарз мониторинги – қарзга хизмат кўрсатиш бўйича унинг ўзгариши, шаклланиш жараёнларини назорат ва таҳлил қилиш, ҳисобини юритиш бўйича ваколатли давлат органи фаолияти тушунилади;

– (10) қарзни сўндириш – мажбурият шартномаларига мувофиқ олинган қарз ва бошқа мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ ҳолат;

– (26-1) маҳаллий ижро органи қарз лимити – белгиланган муддат (молия йили якуни)да маҳаллий ижро органининг сўндирилмаган қарз мажбуриятлари ва жалб этилган маблағларининг марказий давлат бошқаруви органи томонидан ўрнатилган ҳажми назарда тутилади;

– (27) маҳаллий ижро органи қарзи - белгиланган муддат (молия йили якуни)да маҳаллий ижро органининг сўндирилмаган қарз мажбуриятлари ва жалб этилган маблағлари;

– (48) давлат кафолати бўйича қарз – белгиланган муддат (молия йили якуни)да давлат кафолати остида жалб этилган ва сўндирилмаган қарз мажбуриятлари ва олинган қарз маблағлари йиғиндиси;

– (49) давлат кафолати бўйича лимитлар – республика бюджети тўғрисидаги қонун билан қатъий белгиланган қийматда давлат кафолати берилиши мумкин бўлган чегара;



– (50) кафолатланган давлат қарзи – маълум муддатга кўра, сўндирилмаган ва жалб этилган давлат кафолати берилган мажбуриятлар;

– (51) кафолатланган давлат мажбурияти – давлат кафолати берилган нодавлат мажбурият;

– (52) давлат қарзини қайта молиялаштириш – давлат қарзини янги маблағ жалб этиш орқали сўндириш тушунилади;

– (71) ҳукумат қарзи – Қозоғистон ҳукумати томонидан жалб этилган ва сўндирилмаган қарз бўлиб ҳисобланади.

– (72) ҳукумат қарзи лимити – республика бюджети тўғрисидаги қонун билан қатъий белгиланган қийматда жалб этилган ва сўндирилмаган ҳукумат қарзи бўлиб, белгиланган муддатда ҳукуматнинг ҳақиқатдаги қарзидан ошмаслигини англатади.

Уқорида қайд этиб ўтилган қоидалар Қозоғистон Бюджет кодексига белгиланган бўлиб, улар давлат қарзини бошқаришнинг янада аниқ мезонларини ишлаб чиқиш ва ваколатларни тақсимлашда муҳим роль ўйнайди.

Умуман олганда, қайд этиб ўтилган категорияларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 март куни “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иктисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5953-сонли фармонининг 67-пунктида белгиланган ва қабул қилиниши кўзда тутилган Ўзбекистон Республикаси “Давлат қарзи тўғрисида”ги Қонунида акс эттирилиши мамлакатимизда мазкур қонуннинг янада мустаҳкам бўлишига хизмат қилади.

Умуман олганда, Қозоғистонда давлат қарзлари ҳукумат, маҳаллий ижро органлари ва Миллий банк томонидан жалб қилинган қарз маблағлари мажмуидан иборатлиги белгиланган. Шу нуқтаи назардан, мамлакатимизда ҳам маҳаллий бошқарув органларига маблағ жалб этилишига ваколат берилиши назарда тутилиши билан давлат ва ҳукумат қарзига нисбатан ёндашувларни аниқлаштириш лозим бўлади. Натижада, ушбу аниқ фарқларнинг қонунчилик билан мустаҳкамланиши давлат қарзини бошқаришга тўлиқ шарт-шароит яратади, деб ўйлаймиз.

**2016-2020 йиллар Қозоғистон Республикаси давлат қарзи  
динамикаси<sup>49</sup>, млн. АҚШ доллари (1 январь ҳолатига)**

№	Кўрсаткич номи	2016	2017	2018	2019	2020
<b>I</b>	<b>Давлат қарзи</b>	26577	34314	40634	40050	43252
<b>1.</b>	<b>Ҳукумат қарзи</b>	25527	26635	30672	30385	33715
1.1.	Ички қарз	12812	12771	16923	15702	18482
	Ғазна мажбуриятлари	12807	12766	16918	14997	18477
	Бошқа мажбуриятлар	4,9	4,9	4,9	4,9	4,9
1.2.	Ташқи қарз	12714	13864	13748	14681	15232
	Еврооблигация	6500	6500	6500	7700	8963
<b>2.</b>	<b>Миллий банки қарзи</b>	1042	7556	9579	9166	8968
	Ички қарз	1042	7556	9579	9166	8968
	Ташқи қарз	-	-	-	-	-
<b>3.</b>	<b>Маҳаллий ижро органлари қарзи</b>	915	1318	1721	1866	2221
	Ҳукуматдан	908	1196	1338	1367	1653
	Бошқа манбалардан	7	122	383	498	568
<b>II</b>	<b>Кафолатланган давлат қарзи</b>	702	860	1342	1615	2016
	Ички қарз	36	32	28	24	451
	Ташқи қарз	666	828	1314	1591	1564
<b>III.</b>	<b>Давлат кафолати бўйича қарз</b>	117	114	113	98	80
	Ички қарз	117	114	113	98	80
	Ташқи қарз	-	-	-	-	-
	<b>Жами (I+II+III)</b>	<b>27396</b>	<b>35288</b>	<b>42089</b>	<b>41763</b>	<b>45348</b>

Эътиборли жиҳати Қозоғистоннинг давлат қарзининг ички манбалардан жалб этилган маблағлар улуши 2/3 қисмга тенг бўлган.

<sup>49</sup> Қозоғистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан тайёрланган.  
[http://www.minfin.gov.kz/irj/portal/anonymous?NavigationTarget=ROLES://portal\\_content/mf/kz.ecc.roles/kz.ecc.anonymous/kz.ecc.anonym\\_budgeting/budgeting/state\\_debt\\_fldr/statistics\\_fldr](http://www.minfin.gov.kz/irj/portal/anonymous?NavigationTarget=ROLES://portal_content/mf/kz.ecc.roles/kz.ecc.anonymous/kz.ecc.anonym_budgeting/budgeting/state_debt_fldr/statistics_fldr)

Давлат қарзининг таркибида ҳукумат қарзининг улиши катта бўлмоқда. 2016 ва 2020 йилда мос равишда 96 ва 78 фоизни ташкил этган. Демак, ҳукумат томонидан қарз жалб қилиш билан бирга, бошқа субъектлар томонидан ҳам фаол қарз жалб этиш тенденцияси юзага келмоқда. Бунинг сабаби Миллий банк томонидан очиқ бозор операцияларининг фаол ўтказиётганлигини англатади. Яъни Миллий банк 2017-2018 йилларда мазкур операцияларни фаол амалга оширган. Ушбу йилларда мос равишда 9,6 ва 9,2 млрд. АҚШ доллари маблағларни жалб этган. Бу давлат қарзининг ўртача 23 фоизини ташкил этмоқда. Шу билан бирга, ташқи қарз амалиётининг шаклланишида еврооблигацияларнинг улуши юқори бўлиб, у деярли 50 фоизга яқин ҳажми ташкил этмоқда (1.5-жадвалга қаранг). Хулоса қилиб айтганда, Қозоғистонда қарз амалиётини бошқаришда уларнинг диверсификациясига эътибор сезиларли аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш лозим.

Фикримизча, Қозоғистон давлат қарзининг ҳажми ЯИМга нисбатан 25 фоиз атрофида бўлмоқда. Ҳозирги кунда бу кўрсаткич барқарор эканлигини қайд этиш мумкин. Жумладан, ЯИМнинг ҳажмида ташқи қарз 12 фоизга ҳам етмайди. Унинг асосий қисми халқаро молия бозорлари орқали жалб этилган маблағлардан таркиб топган.

Қозоғистон Ҳисоб кўмитасининг раиси Наталья Годунованинг таъкидлашича, давлат қарзи ўзининг хавфсиз нуқтасида эканлиги, ушбу кўрсаткич ЯИМнинг 60 фоизига қадар барқарор бўлишини таъкидлаб ўтди<sup>50</sup>.

Тадқиқотлар асосида Қозоғистонда давлат қарзини бошқариш бўйича қуйидаги тенденцияларга Ўзбекистон шароитида ҳам эътибор берилиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

- давлат қарзининг шакллари бўйича диверсификациясига алоҳида эътибор қаратиш;
- давлат қарзининг таркибида ички манбаларнинг улуши катта ҳажмга эга бўлиши;
- ҳукумат ички қарзининг шаклланишида ғазна мажбуриятларига ва ташқи қарзни жалб этишда еврооблигацияларга жиддий урғу бериш;

<sup>50</sup> Государственный долг Казахстана вырос почти на два трлн тенге...

<https://kursiv.kz/news/ekonomika/2019-05/gosudarstvennyy-dolg-kazakhstanu-vyros-pochti-na-dva-trln-tenge>

– маҳаллий ҳокимият органларига маблағ жалб этишда кенг ваколатлар бериш;

– марказий банкнинг очик бозор сиёсати орқали маблағлар жалб этиш амалиётини ривожлантириш;

– ташқи манбалардан жалб этиладиган мажбуриятларга давлат кафолатини беришда қатъий чегараларни белгилаш.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда давлат қарзини бошқаришда хорижий тажрибаларни ўрганиш ва уларнинг хос бўлганларини жорий этиш, биринчидан, давлат қарзи муаммоларини олдиндан аниқлаш, иккинчидан, самарадорлигини аниқлаш мезонларини ишлаб чиқишга имкон беради. Шу нуқтаи назардан, давлат қарзини бошқаришда уни таркибан баҳолаш амалиётини ишлаб чиқиш ва жорий этиш муҳим ҳисобланади.

### **Биринчи боб бўйича хулосалар**

Монографик тадқиқотимизнинг биринчи боби доирасида олиб борган изланишларимиз натижасида қуйидаги назарий ва услубий илмий хулосаларни тўплашга муваффақ бўлдик:

1. Фикримизча, давлат қарзи классик иқтисодчилар томонидан қўллаб-қувватланмайди. Уларнинг фикрига кўра, давлат қарзи келажақда солиқлар ҳисобидан қопланиши натижасида авлодларнинг зиммасига тушади ва иқтисодий нобарқарорликни келтириб чиқаради. Бошқача айтганда, вақтлараро иқтисодий адолатнинг бузилиши учун шароит юзага келади ва жорий истеъмол учун истиқболда бошқалар томонидан ҳақ тўланиши вужудга келиши таъкидлаб ўтилади.

Бу бир жиҳатдан тўғридек туюлса-да, давлат қарзини бошқариш тизимининг оқилона олиб борилиши натижасида қарзнинг молиявий юкини тенг тақсимлашга ёки иқтисодий адолатга эришиш мумкин. Иккинчидан, давлат қарзи маълум давлат дастури ва ижтимоий вазифаларни бажариши мақсадида олиниши жорий истеъмолни таъминлаши истиқболда иқтисодий ўсишга шароит яратиб бериши мумкин. Шу жиҳатдан олиб қараганда, давлат қарзини олиш иқтисодиёт учун тўлиқ хавф деб қараш замонавий иқтисодиётнинг бир бўлаги бўлолмайди.

2. Олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосаларни айтиш мумкин:

– давлат қарзи ҳажми илмий асосланган чегаравий қиймат асосида бўлиши;

– белгиланган мезонлар асосида бошқарилиши ва унинг ЯИМга, давлат бюджети даромадларига нисбатан ҳисобланиши;

– давлат қарзи ҳисобидан узоқ муддатли истеъмолни таъминлаш ёки қиймат яратмайдиган истеъмолга йўналтириш максимал ҳажмининг белгиланиши;

– давлат қарзининг тўлиқ солиқлар ҳисобидан қопланишини назарда тутмаслик.

### 3. Давлат қарзи қуйидаги ҳолатларда юзага келади:

– давлат дастурларини бажариш учун ҳукумат томонидан жалб этилган;

– давлат кафолати остида жалб этилган инвестицияларни қайтариш билан боғлиқ бўлган;

– давлат бюджети тақчиллигини бартараф этиш учун жалб этилган ҳолатларда.

4. Фикримизча, хорижий мамлакатлар ва ташкилотлардан, халқаро фонд биржаларидан жалб этилган маблағларни ташқи қарзи деб аташ мумкин. Аксинча, миллий иқтисодиётдан жалб этилган давлат қарзини эса ички қарз сифатида баҳолаш мумкин. Бу ўринда, давлат ташқи қарзи кўпроқ валюта бирлигига эмас, балки унинг кимдан ва қаердан жалб этилаётганлигини инобатга олиш орқали тартибга солиш ва бошқариш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

5. Бизнингча, ташқи қарзни жалб этишнинг қуйидаги афзаллик ва камчиликлари бўлиши мумкин.

#### Афзалликлари:

– молиявий маблағларга зарурат туғилганда жалб этишнинг тезкорлиги;

– истикболда бюджет маблағлари етишмаслиги шароитида қарз маблағларини бюджетга йўналтиришга имконияти;

– жорий давр оралиғида молия тизимидаги барқарорликни таъминлаш учун бюджет манёврларини амалга оширишга маълум вақтни тақдим этади;

– иқтисодиётга қисқа муддатли даврда солиқ юкини камайтиришга имкон беради;

– жаҳон иқтисодиёти интеграцион жараёнларида фаол иштирок қилишга имконият яратади;

– хорижий валютанинг ижобий фарқидан фойдаланиш имкони вужудга келиши мумкин.

Камчиликлари:

– маблағларни зудлик жалб этиш натижасида фоизларнинг юқори бўлиши;

– бюджетнинг даромадлари ҳисобидан қайтарилиши лозим бўлган молиявий мажбуриятларнинг ортиши;

– бюджетнинг турли даражадаги манёврларни амалга ошириши натижасида фавқулудда нобарқарорликни юзага келтириши мумкин;

– ташқи молиялаштирувчи томонидан турли ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий талабларнинг қўйилиши;

– узоқ муддатли даврда солиқ юқини ошириши мумкин;

– жаҳон иқтисодиётидаги салбий ўзгаришлар миллий иқтисодиётга кескин таъсири ортишига шароит вужудга келади;

– валюта курсининг ўзгариши натижасида салбий фарқларнинг юзага келиши ва нобарқарорликнинг шаклланиши.

6. Фикримизча, давлат ички қарзларини жалб этишнинг қуйидаги афзаллик ва камчиликлари мавжуд бўлиши мумкин:

Афзалликлари:

– валюта курсининг кескин ўзгариши қарзни тўлаш барқарорлигига таъсир этмаслиги;

– ташқи ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий босимнинг мавжуд бўлмаслиги ёки юзага келмаслиги;

– аҳоли ўз маблағларини давлат облигацияларига инвестиция қилишда банкларнинг депозит ҳамда молия бозори ставкалари билан солиштириш имкони мавжудлиги рақобат муҳитини яратишга имкон беради;

– аҳоли ва давлат ўртасида ўзаро ишончнинг мустаҳкамланиши ордан давлатнинг молиявий сиёсатини жамоатчилик назоратини амалга оширишга шарт-шароит яратилади;

– давлат ички қарзи авлодлар ўртасида молиявий мажбуриятни эмас, балки даромад манбаини тақсимлаш тамойили вужудга келишига хизмат қилади.

### Камчиликлари:

– кескин инфляцион жараёнларнинг қарзни қайтаришга жиддий таъсири вужудга келиши ва аҳолининг моддий манфаатдорлигининг пасайиши;

– давлат облигацияларининг юридик шахсларга сотилишида маъмурий чораларнинг қўлланилиши эҳтимолининг мавжудлиги;

– давлат облигациялари фоиз сиёсати Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасидан паст бўлиши давлат қимматли қоғозлари жозибадорлигини пасайтириш мумкин;

– давлат облигациялари бўйича дивидендларни ўз вақтида тўланмаслиги давлат қимматли қоғозларига нисбатан ишончнинг йўқолишига олиб келади.

7. Бизнингча, истиқболда қабул қилинувчи давлат қарзи тўғрисидаги ҳужжатларда қуйидагиларга эътибор бериш лозим, деб ўйлаймиз:

– давлат қарзини жалб этишда унинг умумий ҳажмини ва жумладан, жорий молия йилида жалб этилиши мумкин бўлган маблағларнинг ЯИМга нисбатан улуши юзасидан иқтисодий меъёрни фоизларда белгилаш;

– давлат бюджети даромадлари ҳисобидан молиялаштирилиши назарда тутилувчи қарзга хизмат кўрсатишни бюджет даромадларига нисбатан фоизларда белгилаш;

– ташқи ва ички қарзларнинг ўзаро ҳажм ва муддат бўйича нисбатини белгилаш.

8. Олиб борилган тадқиқотлар асосида АҚШ давлат қарзини бошқариш бўйича қуйидагиларни инобатга олиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз:

– миллий иқтисодиётдан, хусусан резидентлардан қарз жалб этиш амалиётини тадбиқ этишга қаратилган амалий чораларни қўллаш;

– ижтимоий фондларнинг харажатларини молия бозорида иштирокини ривожлантириш орқали, давлат қимматли қоғозларига йўналтириш ортидан ҳам ижтимоий харажатларни молиялаштириш, ҳам даромадлар базасини мустаҳкамлашга эришиш;

– давлат қимматли қоғозларини аниқ муддатларга асосланган шаклини жорий этиш ва узоқ муддатли қарзларга эътибор қаратиш;

– бир давлат қарзида бир давлат улушининг доминант мавкега эга бўлиб қолишининг олдини олишни мониторинг қилиш;

– Ўзбекистон давлат қарзи ҳисобини шаффоф тарзда эълон қилиб турувчи “қарз соати” механизмини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ қилиш.

9. Хитой тажрибасини тадқиқ этиб, Ўзбекистон шароитида қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

– барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда юқори илмий сиғимкор маҳсулотларни ишлаб чиқаришни рағбатлантириш;

– тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишда юқори технологиялар олиб киришга минимал талабларни шакллантириш;

– тўлов балансининг жорий операциялар бўлимида ижобий қолдиққа эришиш чораларини кўриш;

– олтин-валюта захирасини диверсификация қилиш орқали барқарор захирани яратишга эришиш.

10. Тадқиқотлар асосида Қозоғистонда давлат қарзини бошқариш бўйича қуйидаги тенденцияларга Ўзбекистон шароитида ҳам эътибор берилиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

– давлат қарзининг шакллари бўйича диверсификациясига алоҳида эътибор қаратиш;

– давлат қарзининг таркибида ички манбаларнинг улуши катта ҳажмга эга бўлиши;

– ҳукумат ички қарзининг шаклланишида ғазна мажбуриятларига ва ташқи қарзни жалб этишда еврооблигацияларга жиддий урғу бериш;

– маҳаллий ҳокимият органларига маблағ жалб этишда кенг ваколатлар бериш;

– марказий банкнинг очик бозор сиёсати орқали маблағлар жалб этиш амалиётини ривожлантириш;

– ташқи манбалардан жалб этиладиган мажбуриятларга давлат қаролатини беришда қатъий чегараларни белгилаш.



## II БОБ. ДАВЛАТ ҚАРЗИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА УНИ БОШҚАРИШНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

### 2.1. Давлат қарзининг шаклланишига таъсир этувчи омил – бюджет дефицити ва макроектисодий барқарорлик

Тадқиқотларимиз давомида қайд этиб ўтганимиздек, давлат қарзининг юзага келишида учта омил фаол таъсир кўрсатар экан. Жумладан, давлат дастурларини бажариш, давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш ва фавқулодда (инкирозли) ҳолатнинг юзага келиши натижасида юзага келади. Дунё тажрибасидан маълумки, бюджет тақчиллиги ва инкирозли ҳолатларнинг вужудга келиши давлат қарзининг ошишидаги сезиларли аҳамиятга эга бўлган омиллардан бўлиб ҳисобланади.

Жаҳон банкининг маълумотларига кўра<sup>51</sup>, 2018 йилда кам ва ўрта даромадли мамлакатларга молиявий оқимлар жаҳон иқтисодиётига жиддий таъсирларнинг юзага келиши натижасида пасайиш тенденцияси юзага келди. Буларнинг асосий сабаблари сифатида АҚШ фоиз ставкаларининг кўтарилиши, доллар қадрининг ошиши, хавф остидаги савдо муносабатлари кабиларни келтириш мумкин. Шу билан бирга, ташқи молиявий заифлик (хорижий захираларнинг камайиши), миллий иқтисодиёт ва ташқи савдонинг нобарқарорлашуви каби омиллар билан изоҳланади. Умуман олганда, ушбу мамлакатларга капитал оқими 2017 йилга нисбатан 19 фоизга тушиб кетди. Ушбу тренднинг марказий қисмида эса Хитой иқтисодиёти кўзга ташланади. Мазкур пасайишни таркибан ўргансак, 28 фоизи ташқи қарз жалб этиш билан боғлиқ бўлиб, 529 млрд. АҚШ долларини ташкил этади.

Кам ва ўрта даромадли мамлакатларга қабул қилган молиявий оқимларнинг 42 фоизи Хитой улушига тўғри келади. Бунинг асосий сабаби Хитой ўзининг маҳаллий облигация ва фонд бозорини ташкил этиши билан изоҳланса, иккинчидан, Морган Стенли Капитал Инвестмент (Morgan Stanley Capital Investment's (MSCI's)) ушбу бозорларни бенчмарк (эталон) индекс сифатида қайд этганлиги

<sup>51</sup> International Debt Statistics 2020. International Bank for Reconstruction and Development / The World Bank

бўлди. Хитойда молиявий оқимлар 4 фоизга камайган бўлса (жумладан, ташқи қарз 18 фоизга пасайган), бошқа (Хитойсиз) кам ва ўрта даромадли мамлакатларда ушбу кўрсаткич 29 фоизга тушиб кетди.

## 2.1-жадвал

### Кам ва ўрта даромадли мамлакатларга молиявий оқимлар тенденцияси<sup>52</sup>, млрд. АҚШ долларида

Кўрсаткич номи	2009	2010	2011	2012	2014	2015	2016	2017	2018
<b>Соф молиявий оқимлар (қарз ва капитал)</b>	<b>656</b>	<b>1373</b>	<b>1323</b>	<b>1213</b>	<b>1118</b>	<b>209</b>	<b>726</b>	<b>1275</b>	<b>1032</b>
<b>1 Соф қарз</b>	<b>171</b>	<b>720</b>	<b>715</b>	<b>580</b>	<b>525</b>	<b>-318</b>	<b>211</b>	<b>734</b>	<b>529</b>
1.1 Узоқ муддатли	138	291	406	459	383	162	247	409	304
жумладан,									
Расмий кредиторлар	82	75	36	32	46	48	62	56	79
Жаҳон банки	18	23	7	12	15	17	14	13	15
ХВФ	26	13	0,5	-8	-7	5	5	4	31
Хусусий кредиторлар	56	216	370	427	337	115	185	352	225
Фонд бозори	47	105	151	213	172	71	121	295	157
Банк ва бошқ.	9,1	111	220	214	165	44	64	57	68
1.2 Қисқа муддатли	33	429	309	121	142	-480	-37	326	225
<b>2 Соф капитал оқими</b>	<b>485</b>	<b>653</b>	<b>608</b>	<b>633</b>	<b>592</b>	<b>528</b>	<b>515</b>	<b>540</b>	<b>504</b>
2.1 ТТХ инвестиция	361	527	604	539	508	506	470	472	469
2.2 Портфел инвестиция	124	126	3,8	94	84	22	45	69	35
<b>Захиралар ўзгариши</b>	<b>-623</b>	<b>-692</b>	<b>-455</b>	<b>-284</b>	<b>97</b>	<b>608</b>	<b>277</b>	<b>313</b>	<b>93</b>
<b>Мигрантлар ўтказмалари</b>	<b>271</b>	<b>300</b>	<b>338</b>	<b>364</b>	<b>413</b>	<b>426</b>	<b>415</b>	<b>447</b>	<b>481</b>

Изох: Жадвалдаги рақамлар яхлитлаб олинган.

<sup>52</sup> International Debt Statistics 2020. International Bank for Reconstruction and Development / The World Bank

Бизнингча, жаҳон иқтисодиётида кескинликларнинг ортиши давлатларнинг тўлов қобилиятининг тушишига сабаб бўлмоқда, бу эса ривожланаётган мамлакатларда молиявий оқимларнинг пасайишига олиб келмоқда. Зотан, Хитой жадал ривожланаётган мамлакат сифатида юзага чиқаётганлиги мамлакатга молиявий оқимлар суръати кескин пасаймаётганлигини акс эттирмоқда. Шу боисдан, ташқи қарзни жалб этишда нафақат мамлакатлар тўлов қобилияти, балки геосиёсий майдондаги вазиятнинг барқарор бўлиши муҳим ҳам аҳамиятга эга ҳисобланади.

Тадқиқотларимиз асосида қуйидаги хулосаларни шакллантиришга муваффақ бўлдик (2.1-жадвалга қаранг):

– 2015 йилдан бошлаб молиявий оқимлар миқдори кескин равишда пасайиб кетиб, ушбу кўрсаткич салкам 6 (олти) баробарга пасайган. Ушбу ҳолат геосиёсий майдондаги вазиятнинг кескинлашуви билан боғлиқ. Ушбу ҳолатнинг пасайиши ўрта даромадли мамлакатлардаги маблағ жалб этишнинг, айниқса, давлат секторида камайиб кетиши ортидан юзага келган. Ушбу даврда Россия билан АҚШ, Ғарб давлатлари ўртасидаги кескинликлар ортиши кузатилган. Натижада бир қанча санкцияларнинг киритилиши жаҳон иқтисодиётига ўзининг таъсирини ўтказган;

– 2015 йилда жалб этилган ташқи қарз уни қайтарилганидан кўра камроқ бўлган;

– 2009-2011 йилларда ривожланаётган (кам ва ўрта даромадли) мамлакатларда ташқи қарз жалб этиш тенденцияси сезиларли миқёсда ўсган. Жумладан, 2010-2011 йилларда 4 баробардан ортиқ ўсган бўлса, узоқ муддатли қарзлар миқдори 2011 йилда 2009 йилга нисбатан 3 баробар ортган. Ушбу даврда Жаҳон банки ва халқаро валюта фондининг молиявий маблағлар ажратиши анча пасайган;

– кам ва ўрта даромадли мамлакатларнинг хусусий манбалардан ташқи қарз жалб этиш тенденциялари сезиларли даражада йирик бўлган. Бунинг сабабларидан бири сиёсий босимларнинг юзага келишидан қочиш бўлиши мумкин. Шунингдек, ушбу омилнинг муҳимлиги ортидан давлат еврооблигациялари ҳисобидан маблағлар фаол жалб этилган. Лекин еврооблигациялар ҳажми ўсиш тенденциясига эга бўлса-да, хусусий манбалар улушида 2009 йилда 84 фоизни 2008 йилда эса 70 фоизни ташкил этган;

– капитал оқимида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми ўсиш тенденциясига эга бўлса-да, портфел инвестициялар нобарқарор камайиш тенденциясига эга бўлган. Бунинг сабабларидан бири, халқаро молия бозорларига тўлиқ интеграциянинг ва маҳаллий молия бозорининг ривожланмаганлиги билан боғлиқ;

– мазкур мамлакатларнинг хорижий захиралари ҳам юқори ҳажмга эга бўлмаган, шунингдек, 2012 йилга қадар салбий колдиққа эга бўлган;

– ўрганилаётган мамлакатларда жисмоний шахсларнинг жорий трансфертлари ўсиш суръатига эга бўлмоқда. Бу эса ушбу мамлакатларда тўлов баланси барқарорлигига ёрдам бермоқда.

А.Вагнернинг фикрига кўра, давлат бюджетининг харажатлари икки турга доимий ва фавқулодда шаклларга ажратилиши лозим. Доимий хусусиятдаги харажатларни олдиндан режалаштириш мумкин бўлиб, унинг ҳажми ва муддатлари бюджет даромадларига мувофиқлаштириб борилади. Фавқулодда хусусиятдаги харажатларга эса мамлакат ҳарбий ҳаракатларга киришиши ва шу қабилар мисол килиб келтирилади. Доимий харажатлар солиқлар ҳисобидан молиялаштирилса, фавқулодда харажатлар давлат қарзи ҳисобига молиялаштирилади, деб қайд этиб ўтади<sup>53</sup>.

Бизнинг асримизда геосиёсий вазиятнинг кескинлашуви ва иқтисодий глобаллашувнинг чуқурлашуви ортидан давлат қарзининг ортиши тенденциялари кучайиб бормоқда. Шу билан бирга, турли эпидемик ва пандемия ҳолатларининг ҳам тарқалиши давлатларнинг фавқулодда харажатларининг ортишига бўлган заруратни юзага чиқармоқда.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5969-сонли Фармони асосида Ўзбекистон 1 млрд. АҚШ доллари ҳажмидаги ташқи қарзни жалб этиши кўзда тутилди. Мазкур ҳужжатга кўра, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида

<sup>53</sup> Д.А.Смирнов Государственный долг и налоги как финансовые инструменты бюджетной политики государства: анализ основных концепций. Электрон источник: <https://cyberleninka.ru/article/n/gosudarstvennyy-dolg-i-nalogi-kak-finansovye-instrumenty-byudzhetnoy-politiki-gosudarstva-analiz-osnovnyh-kontseptsiy/viewer>

Инкирозга қарши курашиш жамғармаси ташкил этилди. ушбу жамғарманинг фонди 10 трлн. сўм этиб белгиланди. Ҳолбуки, ушбу жамғарма глобал эпидемик вазиятнинг кескинлашуви ортидан ташкил этилишига зарурат туғилди. Ушбу жамғарма доирасидаги харажатлар фавқулодда хусусиятга эга бўлиб, давлатнинг ташқи қарз жалб этиши билан молиялаштирилиши мумкинлиги кўзга ташланади. Мазкур фармонга кўра қуйидаги йўналишларда маблағлар сарф этилиши кўзда тутилган:

1. Коронавирус инфекциясининг тарқалишига қарши курашиш бўйича қуйидаги тадбирларни молиялаштириш, шу жумладан:

– даволаш ва бошқа муассасаларни коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш учун зарур бўладиган дори воситалари ва тиббий буюмлар, ҳимоя воситалари ва тест тизимлари билан таъминлаш;

– хавф-хатар остида бўлган ёки вирус юқтирганлар билан мулоқотда бўлган шахсларни карантинда сақлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш;

– коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишда иштирок этаётган тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш, республика санитария-эпидемиология хизмати томонидан ҳимоя чораларини амалга ошириш харажатлари учун қўшимча маблағлар ажратиш;

– юқумли касалликларни аниқлаш, профилактика қилиш ва даволаш бўйича тадбирларга жалб этилган даволаш ва бошқа муассасаларни қуриш, таъмирлаш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш;

2. Қуйидагилар орқали тадбиркорликни ва аҳоли бандлигини қўллаб-қувватлаш:

– кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги Тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан биринчи навбатда, ижтимоий аҳамиятга эга истеъмол товарларини ишлаб чиқариш, сотиб олиш ва сотиш учун берилган кредитлар бўйича фоиз харажатларини қоплашга кафиллик ҳамда компенсация тақдим этишни кенгайтириш;

– республика ҳудудларида иқтисодий фаолликни ва бандликни кенгайтиришга қаратилган қўшимча инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш, шунингдек, энг аввало, кичик саноат зоналарида муҳандислик коммуникацияларини қуриш;

3. Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашни кенгайтириш, шу жумладан, қуйидагилар учун қўшимча маблағлар ажратиш:

– Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши орқали кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш бўйича чораларни кучайтириш ва нафақа олувчилар сонини ошириш;

– Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармасига жамоат ишларини кенгайтириш;

4. Қуйидагилар орқали иқтисодиёт тармоқларининг барқарор фаолият юритишини таъминлаш:

– Ўзбекистон Республикасининг давлат кафолати остида жалб этилган кредитларни сўндириш, шунингдек, биринчи даражали харажатларни амалга ошириш учун фойсиз бюджет ссудалари ажратиш йўли билан стратегик корхоналарнинг давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш;

– ташқи савдо фаолиятини амалга оширувчи тадбиркорлик субъектлари транспорт харажатларининг бир қисмини компенсация қилиш;

– коронавирус инфекцияси тарқалишининг салбий таъсирига энг кўп учрайдиган иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини, шунингдек, кредит портфели сифати ёмонлашган ҳолларда тижорат банкларини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чораларини тақдим этиш;

– уч йилгача бўлган муддатга фойсиз бюджет ссудаларини ажратиш орқали солиқ тўлаш муддатлари бўйича кечиктириш тақдим этилиши ҳамда тадбиркорлик фаоллигининг сустрлашиши муносабати билан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларида олинмай қолинадиган даромадлар ўрнини тўлдириш.

Бизнингча, давлат қарзининг юзага келиши бевосита бюджет харажатларининг ортиши натижасида юзага келиши мумкин экан. Ушбу ҳолатнинг юзага келиши макроиқтисодий мувозанатни сақлаб қолиш учун давлатнинг бош ислохотчи вазифасини бажариши билан изоҳланади. Таъкидлаш лозим, давлат қарзи ва

бюджет дефицити ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд бўлиб, йирик дефицитлар қарзнинг асосий омили бўлиб қолаверади.

Умуман олганда, профессорлар Н.Жумаев ва Д.Раҳмоновлар мазкур пандемия натижасида нафақат давлат қарзи ошиши, балки қуйидаги иқтисодий ҳолатлар юзага келиши мумкин, деб ҳисоблайди<sup>54</sup>:

1. Мамлакатларда иқтисодий ўсиш даражаси ўрта муддатли даврда пасайиши кузатилади.

2. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш қийинлашиши мумкин. Бунинг олдини олиш учун миллий фонд бозори барқарорлигини сақлаб туриш учун ички истеъмолни таъминлаш лозим бўлади.


3. Мамлакатларда макроиқтисодий мувозанат нобарқарорлашуви ортидан ЯИМ ҳажми қисқаради. Мувозанат бузилишига импорт самараси таъсирини камайтириш учун фоиз ставкаларини тушириш орқали ички истеъмолни таъминлаш муҳим ҳисобланади. Натижада, инсонларнинг кредитлар олиш имконияти ошиб, ялпи талаб ва ялпи таклиф мувозанатига эришиш мумкин.

4. Туризм соҳасида турғунлик юзага келиши кузатилади. Натижада, ишсизликнинг юзага келишига шароит яратилиши ва иқтисодий ўсишга ҳам салбий таъсири кузатилиши мумкин.

Жаҳоннинг энг йирик иқтисодиётга эга мамлакатлари тажрибасига эътибор берсак, инқирознинг айрим даврларида бюджет дефицитининг юзага келганлигини кўриш мумкин (2.1-расмга қаранг).

Хитой, Европа Иттифоқи, Япония ва АҚШда 2008 йилдан кейин бюджет дефицити юзага келганлигини қайл этиш мумкин. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИХРТ, OECD) сайти маълумотлари асосида биз томонимиздан танлаб олинган мамлакатлар тажрибасида ҳам кўриниб турибдики, инқирозли даврларда дефицитнинг юзага келиши эҳтимоли мавжуд экан. Сабаби, ушбу даврда барча давлатларда бир тарзда дефицитнинг ошиш тенденцияси юзага келган (2.1-расмга қаранг).

<sup>54</sup> Жумаев Н., Раҳмонов Д. Коронавирус жаҳон иқтисодиётига таъсир қилади(ми)? Электрон манба: <https://review.uz/oz/xzl>. Мурожаат санаси 25.03.2020й.



## 2.1-расм. 1990-2010 йилларда айрим давлатларда бюджет дефицитлари тенденциялари<sup>55</sup>.


Инқирозли даврда ишсизликнинг ортиши, миллий валюта девальвацияси ва нархларнинг ошиши ёки сотиб олиш қобилиятининг пасайиши каби элементларнинг юзага келиши ордидан давлат ўз маблағлари ҳисобидан иқтисодий қўллаб қувватлашни назарда тутди. Натижада, давлат қарз олиши учун зарурат юзага келади.

Масалан, Р.Ноздрева Японияда давлат қарзининг ортиб кетишини иқтисодий ислохотлар ўтказишнинг омадсиз вақтга тўғри келиб, инқирознинг бошланиш даври билан мос тушишини қайд этади. Ислохотлардан кўзланган асосий мақсад иқтисодий эркинлаштириш ва ўз-ўзини бошқариш механизмини жорий этишдан иборат бўлди. Шундай бўлса-да, инқироз даврида давлат бошқарувининг сақлаб қолиниши ва марказлашувнинг кучайиши давлат қарзига бўлган талабни оширди<sup>56</sup>.

<sup>55</sup> General government deficit. URL: <https://data.oecd.org/gga/general-government-deficit.htm>

<sup>56</sup> Ноздрева Государственный долг Японии: анализ особенностей и оценка перспектив//Вестник МГИМО – Университета. 2019. -№12 (5). - С.114-133. Электрон ресурс: <https://cyberleninka.ru/article/n/gosudarstvennyy-dolg-yaponii-analiz-osobennostey-i-otsenka-perspektiv/viewer>





**2.2-расм. 2008-2018 йилларда айрим давлатларда бюджет дефицитлари тенденциялари<sup>57</sup>.**

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш (ИХРТ, OECD) маълумотларига кўра, катта еттилик мамлакатларида 2008 йилдаги молиявий инқироз шароитида дефицитнинг ошиши юзага келган бўлса, ундан кейинги даврда глобал иқтисодий инқироз юз бермаганлиги боис дефицитнинг юзага келиш умумий тенденцияси кузатилмаган.

2008-2010 йилларда Буюк Британия, Германия ва Францияда давлат қарзининг ЯИМга нисбатан улуши ўсиши мос равишда 49,4 дан 74,6га, 65,5дан 82,4га ва 68,8дан 85,3 фоизга ўзгарганлигини кўриш мумкин. Мазкур даврда давлат қарзининг ўсиши ўртача 20 фоиз пункт бўлаётганлигини таъкидлаш лозим. Хулоса қилиб айтганда, давлат қарзининг ортиши бюджет дефицити билан чамбарас боғлиқ эканлиги маълум бўлади.

Жумладан, 2018-2019 йилларда Б.Британияда бюджет дефицити ўзининг минимум нуктасига тушган бўлиб, 2001 йилдан кўра пастроқ бўлган ҳолда ЯИМга нисбатан 1,2 фоизни ташкил қилган. Лекин 2008 йилдаги инқироз даврида ушбу кўрсаткич 10 фоизгача чиққанлигини қайд этиш жоиз<sup>58</sup>. Кўриниб турибдики, глобал

<sup>57</sup> General government deficit. URL: <https://data.oecd.org/gga/general-government-deficit.htm>

<sup>58</sup> Дефицит бюджета Великобритании в 2018-2019 фингоду снизился до 17-летнего минимума <http://www.finmarket.ru/database/news/4987991>

иктисодий инқирозлар мамлакатларда давлат қарзининг ошишига бевосита таъсир кўрсатган жиддий омиллардан бири бўлмоқда.

Ю.Лясникова илмий хулосаларига кўра, 2000-2013 йилларда 2007 йилдан бошлаб олдинги даврга нисбатан жаҳон иктисодиётида давлат қарзининг ўсиши ва унга рискларнинг таъсири ортди. Хусусан, 1997 йилдаги Осиё, 1998 йилдаги Россия, 2002 йилдаги Аргентинада юз берган иктисодий инқирозлар оқибатида қарз сиёсатидаги ўзгаришларга олиб келди<sup>59</sup>.

Бизнингча, мамлакатимиз тажрибасида, 2008 йилда бюджет дефицитининг юзага чиқмаганлиги ва миллий иқтисодиётимизнинг глобаллашганлик даражаси чуқурлашишга улгурмаганлиги сабабли инқирознинг омиллари сезиларли оқибатларни олиб келмаган. Умуман олганда, инқирозли ҳолатнинг аниқ таъсири сезилмаслиги ортидан, бюджет харажатларини оширишга зарурат туғилмаган.

Қайд этиш лозим, 2020 йилнинг бошларида тарқала бошлаган коронавирус пандемияси тўғридан-тўғри мамлакатимизга кириб келганлиги ва унинг бир неча ҳолатлари қайд этилганлиги боис иқтисодий инқироз омиллари вужудга келди. Натижада, Ўзбекистон ҳам ташқи қарз жалб этишга қарор қилди. Мазкур маблағлар доирасида макроиқтисодий мувозанатни барқарорлаштириш учун тиббий хизматларни, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва иқтисодиёт субъектларини кредитлаш кўзда тутилганлиги муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, монетар омилларнинг таъсирини сақлаб қолиш ва иқтисодиётнинг тўловсизлигининг олдини олиш мақсадида “молиявий таътил” принципини иқтисодиётга тўлиқ жорий этиш орқали макроиқтисодий мувозанат таъминланишига шарт-шароит яратилади.

2007-2017 йилларда давлат бюджети профицит билан ижро этилганлиги, 2007-2008 йилларда эса профицит ЯИМга нисбатан 1 фоиздан ортиқ ҳажмда бўлганлигини қайд этиш лозим. Эътиборли жиҳати, 2008 йилдаги жаҳон иқтисодий инқироzi оқибатида профицит даражасининг ҳам пасайиши кузатила бошлаган. 2015

<sup>59</sup> Лясникова Ю.В. Государственный долг экономически развитых стран как фактор усиления макроэкономического дисбаланса и глобальной нестабильности//МИР (Модернизация. Инновации. Развитие) – М.: -2016. - №3, - С. 189-194.

йилдан бошлаб эса профицит ўзининг қуйи нуқтасига тушишни бошлаган (2.2-жадвалга қаранг). Кўриниб турибдики, ушбу даврда бюджет профицити бевосита даромадлар режасининг бажарилиши билан бевосита боғлиқ тарзда шаклланган. Бошқа жиҳатдан, харажатларнинг юқори нуқтага олиб чиқилмаганлиги билан боғлаш мумкин.

## 2.2-жадвал

### Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг ривожланиш тенденцияси, млрд. сўмда


Йиллар	Даромад	Харажат	Профицит/дефицит (+,-)	ЯИМга нисбатан фоизда
2007	6145,0	5823,3	321,2	1,1
2008	8760,8	8197,1	563,7	1,4
2009	10840,2	10763,9	76,3	0,2
2010	13596,7	13386,9	209,8	0,3
2011	17061,3	16726,0	335,3	0,4
2012	21295,7	20882,0	413,7	0,4
2013	26223,0	25825,9	397,1	0,3
2014	31730,6	31425,4	305,2	0,2
2015	26493,3	36257,3	236,0	0,1
2016	41043,5	40911,3	132,2	0,1
2017	49681,0	49343,7	337,3	0,1
2018	79099,0	79736,1	-637	-0,2
2019*	112165,4	118008,6	-5 844	-1,3 (-1,0**)
2020*	158960	162385	-3425	-0,5

Изох: \* - 2019 йилдан бошлаб давлат бюджети даромадлари ва харажатлари ижроси ҳамда ўзаро фарқи Консолидациялашган бюджет даражасида ҳисобланиш методида ўтказилган бўлиб, ушбу усул Халқаро валюта фонди томонидан тавсия этилган, умумқабул қилинган қоида ҳисобланади.

\*\* - консолидациялашган бюджет инobatга олинмаган ҳолда ҳисобланган.

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан тайёрланган

Бизнингча, мамлакатимизда бюджет дефицитининг тўлик юзага келмаслигининг омилларидан бири бюджет харажатларининг кенг кўламли аҳамиятга эга эмаслиги билан изоҳлаш мумкин. Масалан, ижтимоий соҳа бюджет харажатларининг асосий қисми иш ҳақини молиялаштиришни ташкил этаётганлиги буни яққол кўрсатиши мумкин. Жумладан, иш ҳақи харажатлари жами харажатларнинг 2/3 қисмини<sup>60</sup> ташкил этаётганлиги ушбу фикримизни қисман тасдиқлайди.



### 2.3-расм. Ўзбекистонда давлат бюджети ижроси (профицит/дефицит) даражаси<sup>61</sup>, ЯИМга нисбатан фоизда ҳисобланган.

Давлат бюджети дефицит билан ижро этилиши 2016 йилдан кейинги даврда бюджет сиёсатидаги муҳим ўзгаришлар билан бевосита боғлиқ десак, хато бўлмайди. Ушбу дефицит даражасининг шаклланишида бир қатор иқтисодий ислохотлар ва бюджет

<sup>60</sup> Информация о размерах заработной платы работников бюджетных организаций. Источник: <https://www.mf.uz/media/file/state-budget/obzori/zp.pdf>

<sup>61</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тадқиқотч томонидан тайёрланган

сиёсатидаги ўзгаришлар сабаб бўлган. Жумладан, қуйидагиларни келтириш мумкин:

1. Давлат дастурлари шулар жумласига киради.

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги «Обод қишлоқ» дастури тўғрисидаги ПФ-5386-сонли фармони;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги «Обод маҳалла» дастури тўғрисидаги ПФ-5467-сонли Фармони;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги «Обод маҳалла» дастурининг асосий параметрларини тасдиқлаш ва уларнинг ижросини таъминлаш масалалари тўғрисидаги ПҚ-3812-Қарори

2. Бюджет-солиқ сиёсатидаги ўзгаришлар.

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги ПФ-5468-сонли Фармони;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида”ги ПҚ-4086-сонли Қарори.

Давлат раҳбари томонидан имзоланган ҳужжатлар билан амалга оширилиши режалаштирилган давлат дастурларини молиялаштириш бевосита давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши белгиланган. Мазкур дастурларнинг устувор йўналишлари сифатида республика бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларидан ажратиладиган маблағлар ҳисобига аҳолини ишончли тарзда ичимлик суви билан таъминлаш, сизот сувлар сатҳини пасайтириш, қишлоқларни туман марказига улайдиган йўللарни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш, шунингдек, лизинг асосида қишлоқ ва туман маркази орасида автобус қатновини йўлга қўйиш; иккинчидан, маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобидан қишлоқ ички йўллари ва пиёдалар йўлакларини барпо этиш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш

белгиланган. Албатта, тадқиқотларимиз давомида таъкидлаб ўтганимиздек, давлат дастурларининг бажарилиши бюджет харажатларини оширишга таъсир этувчи хусусиятга эга ҳисобланади.

Шунингдек, 2018-2019 йилларда бюджет-солиқ сиёсатидаги ўзгаришлар бюджетга молиявий юкнинг ортишига шарт-шароит ҳозирламоқда. Жумладан, солиқ ислоҳотларининг амалга оширилиши билан қуйидаги бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар даромадлари бекор қилинди:

– барча фуқаролар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ягона ставкасини жорий этиш;

– фуқароларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш туридаги даромадларидан Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига ушлаб қолинадиган суғурта бадалларини бекор қилиш;

– давлат мақсадли жамғармаларига юридик шахсларнинг обороти (тушуми)дан ундириладиган мажбурий ажратмаларни бекор қилиш;

– юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкасини пасайтириш, шунингдек, мобил алоқа хизмати кўрсатаётган юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари) учун рентабеллик даражасидан келиб чиқиб улар учун қўшимча фойда солиғи ҳисоблаш тартибини бекор қилиш;

– дивидендлар ва фоизлар кўринишидаги даромадлар бўйича тўлов манбаидан ушлаб қолинадиган фойда солиғи ставкасини пасайтириш кабилар шулар жумласидандир.

Шу билан бирга, бир қатор мақсадли давлат жамғармалари тугатилиб, уларнинг харажатлари алоҳида сатрлар билан давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши белгиланди. Жумладан, бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси, Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси, Оролбўйи минтақасини ривожлантириш жамғармаси ва Республика йўл жамғармаси тугатилди. Уларнинг вазифалари мос тарзда тегишли давлат ваколатли органлари зиммасига ўтказилиб, уларнинг харажатлар сметаси асосида молиялаштирилиши белгилаб берилди.

Фикримизча, охирги йилларда бюджет дефицитининг вужудга келиши биринчидан, давлат дастурларининг кенг кўламли тарзда амалга оширилиши, иккинчидан, бюджет даромадларининг маълум доираси бекор қилиниши, учинчидан, бюджетдан ташқари жамғармаларнинг харажатлари ҳам бюджет ҳисобидан молиялаштириш тизимининг жорий этилиши бюджетга молиявий юкнинг ортишига муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Бизнингча, бюджет дефицитининг ортиши, ўз навбатида, давлатнинг қарз инструментларидан фаол фойдаланиш заруратини келтириб чиқариши жаҳон тажрибасидан маълум. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, давлат қарзининг ортишига шарт-шароит вужудга келмоқда. Бу эса ўз навбатида, давлат қарзини жалб этиш самарадорлигини ошириш ва уни бошқариш мезонларини белгилаб берувчи меъёрий-ҳукукий ҳужжатга бўлган талабнинг долзарблигини кўрсатмоқда. Шу боисдан, давлат қарзини бошқариш самарадорлигини таъминлашда давлат дастурлари ва бюджет-солиқ сиёсати билан бевосита боғлиқ тарзда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Шу билан бирга, 2020 йилда ҳам бюджет дефицити ва натижада давлат қарзининг ортиш эҳтимоли мавжуд. Сабаби, 2020 йилнинг бошиданок инқирозли ҳолатнинг вужудга келиши, нафақат жаҳон иқтисодиётини, балки Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмади. Ушбу вазиятда Ўзбекистон 1 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги ташқи қарз жалб этиш ва Инқирозга қарши курашиш жамғармасини ташкил этиш ортидан бюджетнинг 10 трлн. сўм миқдоридаги харажатлари назарда тутилди. Мазкур масала, давлат раҳбарининг 2020 йил 19 март кунидаги 5969-сонли фармони билан белгилаб берилди.

Давлат қарзи мамлакат иқтисодиётига нисбатан йириклашиб боргани сари миллий иқтисодиёт учун хавф орта бориши мумкин. Шу билан бирга, ташқи қарзнинг ЯИМдаги улуши қанчалик ортса, макроиқтисодий барқарорлик шунчалик мураккаблашиб бораверади. Жаҳоннинг йирик суверен кредит рейтингларини аниқлаш ва баҳолаш билан шуғуллануви агентликлари ҳам ушбу кўрсаткичга алоҳида эътибор қаратади.

## 2.2. Ўзбекистонда давлат ташқи қарзини бошқаришнинг амалдаги ҳолати таҳлили

Тадқиқотларимиз давомида Ўзбекистон давлат қарзини таҳлил қилиш ва баҳолашга ҳаракат қиламиз. Монографик ўрганишимизнинг ушбу қисмида давлатнинг умумий қарз тенденцияларига эътибор қаратамиз.

Ўзбекистонда давлат қарзига нисбатан ёндашувлар 2016 йилга қадар анча тор доирада бўлиб, унинг статистик рақамлари ва чегаравий қийматларига нисбатан мезонларнинг ҳуқуқий асослари мавжуд бўлмаган. Фақатгина Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексида давлат қарзини жалб этишга доир қоидалар жорий этилган бўлиб, бу ҳам давлат қарзини бошқаришга тўлиқ имкон бермаган.

Ўзбекистон Республикаси бюджет сиёсатидаги, айниқса, қарз борасидаги ўзгаришлардан бири – бу давлат бюджетининг Қонун даражасида тасдиқланиши. 2019 йил 9 декабрдаги “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги 589-сонли Қонунининг қабул қилиниши давлат қарзи борасидаги кўплаб аниқликларни белгилаб берди. Унга кўра, 2020 йилда давлат қарзининг умумий миқдори 4 млрд. АҚШ доллари бўлиши, шундан 1,5 млрд. АҚШ доллари бюджет даромадлари ҳисобидан қопланадиган маблағлар жалб этиш мумкинлиги қоидаси жорий этилди. Шунингдек, умумий фискал баланс категорияси муомалага киритилди. Қонуннинг 2-моддасига кўра, “умумий фискал баланс – Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджетини ҳамда давлат дастурларини амалга ошириш учун четдан жалб қилинган ва Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ҳисобидан қопланадиган қарз маблағлари эвазига амалга ошириладиган харажатларни ўз ичига олган жамланма, баланс” деб таъкидлаб ўтилган.

Бизнингча, Ўзбекистонда ушбу қонун қабул қилингунга қадар амалда бўлган бюджет дефицитига нисбатан ёндашув тубдан ўзгартирилганлигини кўриш мумкин. Таъкидлаш лозим, ҳозирга қадар дефицит категориясига фақатгина давлат бюджети даражасида қаралган. Дефицитга консолидациялашган бюджет



миқёсида аниқланиши ва унинг умумий фискал баланс даражасида баҳоланиши энг муҳим макроиқтисодий ўзгаришлардан бири бўлди, десак хато бўлмайди. Мазкур ҳолат давлат дефицитининг тарқоқ ҳолда бўлишини ва уни молиялаштириш учун жалб этилган маблағларни бошқаришнинг ягона канал орқали амалга оширишга имкон бериши билан аҳамиятлидир.

Ўзбекистонда давлат қарзи статистикаси ташқи ва ички манбалар орқали жалб этилган маблағлар кесимида, шунингдек, муддатлари бўйича ҳам таҳлил қилиб борилади. Аксарият ҳолларда ташқи ва ички қарз тенденциялари шаклида ўрганилишига сабаб, биринчидан, миллий валюта сўмда ташқи маблағлар жалб этиш имкони мавжуд эмаслиги, иккинчидан, ички манбалардан ресурс жалб этиш 1998 йилдан 2017 йилларгача кузатилмаганлиги ташқи қарз статистикасининг шаклланишига шарт-шароит яратган.

Мамлакат ташқи қарзи динамикаси бўйича ўрганишларимиз натижасида қуйидаги ҳулосаларни шакллантиришга муваффақ бўлдик (2.4-расмга қаранг):

– 2012-2019 йилларда давлат жами ташқи қарзи 8 млрд.дан 24,4 млрд. АҚШ долларигача ўсган бўлиб, ўзгариш 3 баробарни ташкил этган;

– 2019 йилда ўтган йилга нисбатан давлат ташқи қарзида кескин ўсиш кузатилган бўлиб, 1,6 баробарни ташкил этган;


– 2012-2017 йилларда хусусий ташқи қарзнинг жами ташқи қарздаги улуши 50 фоиздан юқори бўлиб, 2014 йилда 60 фоиз атрофида бўлган;

– 2018 йилдан бошлаб давлат ташқи қарзи хусусий қарзга нисбатан йириклаша бошлаган;

2019 йилда хусусий қарз ўтган йилга нисбатан 1,4 млрд АҚШ долларига кўп бўлган бўлса-да, давлат қарзининг деярли ярмига тенг бўлган.

Ўзбекистонда давлатнинг ялпи қарзи динамикасида 2017 йил алоҳида аҳамиятга эга эканлиги Халқаро валюта фонди томонидан

ҳам қайд этиб ўтилган<sup>62</sup>. Хусусан, жами давлат қарзи ЯИМга нисбатан 2010 йилда 7 фоиз, 2014 йилда 6,4 фоизга қадар тушган. 2016 йилда 8,6 фоиз бўлган. 2017 йилда 20,2 фоизни ташкил этган. Халқаро ташкилот томонидан мамлакатимиз қарз ҳажми 2024 йилга бориб, 25 фоизга етиши назарда тутилган. Хулоса қилиб айтганда, 2016 йилдан кейин давлат қарзи ва унинг ҳажмига нисбатан ёндашувлар бутунлай ўзгача тус олган.



**2.4-расм. Ўзбекистон Республикаси умумий ташқи қарзи динамикаси<sup>63</sup>, млрд АҚШ доллари.**

Жаҳон банки томонидан тақдим этилган статистик маълумотлар асосида таҳлилларни амалга ошириб, қуйидаги илмий хулосаларни олиш мумкин (2.3-жадвалга қаранг):

<sup>62</sup> International Monetary Fund (IMF). 2019. Fiscal Monitor: How to Mitigate Climate Change. Washington, October. p. 65

<sup>63</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, 2020 йил март. 2019 йил учун Ўзбекистон Республикасининг тўлов баланси, халқаро инвестицион позицияси ва ташқи қарзи.

– 2008 йилда жаҳон молиявий инқирозининг юзага келиши оқибатида Ўзбекистонда ҳукумат кафолат бериш ҳолати амалга ошганлигини кўриш мумкин. Ушбу молиявий мураккаблик даврида давлат ўзининг бош ислоҳотчи вазифасини бажариш ва иқтисодиётни фавқулодда қўллаб-қувватлаш учун хусусий секторга хорижий маблағлар жалб этишда кўмаклашган. Натижада, 7 млн. АҚШ доллари миқдорида хусусий сектор давлат ёрдамида ташқи қарз жалб этишга эришган;

– 2008 йилдан сўнг давлат кафолати остида ташқи қарз жалб қилиш тенденциялари кузатилмаган. Мазкур ҳолат иқтисодиётда жалб этилаётган хорижий маблағ олувчилар давлат муассасалари ёки давлат улуши бўлган ташкилотлар эканлигини кўрсатиш мумкин. Жумладан, хусусий сектордаги қарз сифатида қайд этилган 55 фоиз<sup>64</sup> улуш “Нефт-газ ва энергетика сектори”га тегишли эканлигини таъкидлаш лозим;

– Халқаро валюта фонди кредитларидан фойдаланишда ҳукумат фаоллик кўрсатмаётганлигини англаш мумкин. Халқаро молия ташкилотидан жалб этилаётган қарз маблағлари мамлакат ЯИМнинг 1 фоизига етмаслиги бундан далолат беради;

– 2015 йилда қисқа муддатли ташқи қарз жалб этиш бутун дунёда кескин қисқарган бир пайтда, ушбу турдаги ташқи қарзларнинг ўсишини кузатиш мумкин. Жумладан, 176 млн. АҚШ доллари миқдорида ўтган йилга нисбатан кўп молиявий ресурслар жалб этилган;

– узоқ муддатли ташқи қарз қисқа муддатли қарзларга нисбатан сезиларли даражада юқори бўлиши, Ўзбекистоннинг тўлов қобилиятини мўътадил сақлаб қолишга имкон беради. Шундай бўлса-да, 2017-2018 йилларда ташқи қарз динамикаси сезиларли ўсиш тенденциясини ўзида акс эттирган.

Рус олимларидан К.Косенкова кўплаб мамлакатларнинг ташқи қарз сиёсати бўйича тажрибалари юзасидан олиб борган тадқиқотларига асосланиб қуйидаги илмий хулосаларни келтириб ўтади<sup>65</sup>.

<sup>64</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, 2020 йил март. 2019 йил учун Ўзбекистон Республикасининг тўлов баланси, халқаро инвестицион позицияси ва ташқи қарзи. 39-бет.

<sup>65</sup> Косенкова К.В. Совершенствование системы управления внешним государственным долгом Российской Федерации: авторферат ... к.э.н. – Кубанского государственного университета. Краснодар, 2011. – 28 с.

Ўзбекистоннинг давлат қарзи тенденциялари<sup>66</sup>, млн. АҚШ  
доллари

Кўрсаткич номи	2008	2014	2015	2016	2017	2018	2019*
<b>Ялпи ташқи қарз</b>	<b>5070</b>	<b>12556</b>	<b>14059</b>	<b>15801</b>	<b>16866</b>	<b>17630</b>	<b>24400</b>
<b>1 ХВФ кредитлари</b>	<b>405</b>	<b>381</b>	<b>364</b>	<b>353</b>	<b>374</b>	<b>365</b>	
<b>2 Узок муддатли ташқи қарз</b>	<b>4495</b>	<b>11680</b>	<b>13024</b>	<b>14848</b>	<b>15653</b>	<b>16542</b>	<b>21078</b>
2.1 Давлат ва давлат кафолати остидаги сектор	3188	4816	5709	6690	7619	9481	15786
Давлат сектори	3181	4816	5709	6690	7619	9481	9625**
Хукумат	2279	3369	4004	4408	5162	5838	6161
Давлат кафолати остидаги хусусий сектор	7	-	-	-	-	-	
2.2 Хусусий сектор (кафолатланмаган)	1306	6864	7315	8149	8035	7061	8582
3 Қисқа муддатли	171	495	671	600	828	722	567

Изох: \* - Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (МБ) маълумотлари асосида ҳисобланган. Баъзи маълумотлар МБ ҳисоботида мавжуд эмаслиги сабабли рақамлар кўрсатилмаган.

\*\* - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари (2019 йил 3 чорак).

Давлат қарзини бошқаришда турли давлатларда умумий бўлган ёндашувларга асосланилади. Улар жорий мажбуриятларни бошқариш, давлат қарзига нисбатан чегаравий қийматларни ўрнатиш ташқи назорат ва аудит, қарз мажбуриятларини ички жойлаштиришни ташкил этиш, махсус ахборот технологияларидан фойдаланиш. Шунингдек, давлат қарзининг ЯИМга ёки давлат даромад (харажат)ларига нисбатан чегаралари белгиланиши, давлат қарзини жалб этишда маълум ваколатли орган билан (ёхуд референдум) келишилган ҳолда амалга оширилиши кўзда тутилган. Шу билан бирга, кўплаб мамлакатлар иқтисодий хавфсизлик нуқтаи назаридан

<sup>66</sup> World Bank. 2019. International Debt Statistics 2020. Washington, DC: World Bank. p. 139.

норезидентларга давлат облигация (актив)ларини сотиб олишга нисбатан тақиқлар жорий этилган.

К.Косенконинг ўрганишлари асосида 2007-2008 йилларда Россия ташқи қарз сиёсатининг барқарор бўлганлиги жаҳонда энергия ташувчиларга бўлган талабнинг сақланиб қолиши натижасида бюджет профицити юзага келишига шарт-шароит яратди, деб таъкидлайди. Бу эса Россия ташқи қарзининг охириги 18 йилдаги энг паст кўрсаткичи ЯИМга нисбатан 4 фоизга тенг бўлишига имкон берганлиги қайд этилади. Натижада, РФ барқарорлаштириш фонди ва Миллий барқарорлик (авлодлар келажаги) фондини қайта шакллантиришга хизмат қилади.

Фикрмизча, мамлакатда қарзни бошқаришга оид бўлган фонд ((миллий барқарорлик) хусусиятидаги жамғармаларни шакллантириш ҳам қарзни бошқаришдаги муҳим омиллардан бўлиб хизмат қилар экан.

Т.Чекушина давлат қарзларини бошқариш ва баҳолашда бешта кўрсаткични келтириб, улардан турли даражада фойдаланишни тавсия этади<sup>67</sup>. Жумладан, ялпи ички маҳсулот, бюджет даромадлари, экспорт ҳажми, давлатнинг олтин-валюта захиралари ва монетизация коэффиценти каби кўрсаткичларини таъкидлаб ўтади. Мазкур кўрсаткичлар қарзни бошқаришда турли миқёсларда фойдаланиши билан ўзаро фаркланиши кўрсатиб ўтилади (2.4-жадвалга қarang).

## 2.4-жадвал

### Давлат қарзи ҳажмини баҳолаш кўрсаткичлари мажмуи

Таъминланганлик манбаси	Ички қарз	Ташқи қарз
Сўндириш	Ялпи ички маҳсулот	
	Монетизация даражаси	Олтин-валюта захиралари
		Экспорт (товар, хизмат)
Хизмат кўрсатиш	Бюджет даромадлари	
	Ялпи ички маҳсулот	

<sup>67</sup> Чекушина Т.В. Методология и оценка состояния государственных долгов//Вестник РУДН. Сер. Инженерные исследования, 2006. -№1(12). – с. -148-158. Онлайн источник: <https://cyberleninka.ru/article/n/metodologiya-i-otsenka-sostoyaniya-gosudarstvennyh-dolgov/viewer>

Мазкур олим томонидан шартли чегара сифатида ташқи қарзнинг хавфли улуши ЯИМда 50 фоиз, қарзга хизмат кўрсатиш ва сўндириш, фоиз тўловлари бўйича улуш мос равишда экспортга нисбатан 30 фоиз, 20 фоиздан ошмаслиги тавсия этилади.

Ўзбекистон шароитида монетизация коэффиценти ва олтин-валюта захираларининг тўлиқ статистикасини топишнинг имкони мавжуд бўлмаганлиги учун тавсия этилган учта макроиктисодий кўрсаткич бўйича таҳлилларни амалга оширишга ҳаракат қилдик.

## 2.5-жадвал

### Ўзбекистон давлат ташқи қарзининг макроиктисодий кўрсаткичлардаги улуши, фоизда

Кўрсаткич номи	2008	2014	2015	2016	2017	2018	2019
<b>Асосий қолдиқ бўйича</b>							
ЯИМдаги улуши	11,1	6,4	7,5	8,7	20,1	20,6	27,2
Экспортдаги улуши		44,3	59,0	74,78	75,2	88,5	118
Давлат даромадидаги улуши	50,7	35,8	43,1	51,2	125	105	134
<b>Асосий қарзни тўлаш бўйича</b>							
ЯИМдаги улуши	1,8	0,4	0,4	0,5	0,9	0,8	0,6
Экспортдаги улуши		4,7	3,1	3,9	3,4	3,3	2,6
Давлат даромадидаги улуши	7,9	2,3	2,2	2,7	5,6	3,9	3,0
<b>Фоизларни тўлаш бўйича</b>							
ЯИМдаги улуши	0,4	0,09	0,09	0,1	0,3	0,3	0,09
Экспортдаги улуши		0,6	0,7	1,0	1,1	1,2	0,4
Давлат даромадидаги улуши	1,8	0,5	0,6	0,7	1,9	1,5	0,4

Изоҳ: жадвал маълумотлари Жаҳон банки, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси (ЯИМ), Марказий банки (валюта курси, тўлов баланси) ва Молия вазирлиги (давлат бюджети) маълумотларидан фойдаланиб, тадқиқотчи томонидан ҳисобланган.

Биз таҳлилларимиз давомида Ўзбекистоннинг жами ташқи қарзини эмас, балки давлат ташқи қарзини баҳолашни мақсадга

мувофиқ, деб ҳисобладик. Шу боисдан, 2.5-жадвалда келтирилган нисбатлар давлат қарзининг макроиқтисодий кўрсаткичлардаги улушини англатади. Тадқиқотларимиз давомида қуйидаги хулосаларни олдик:

– ташқи қарз ЯИМга нисбатан анча барқарор бўлмоқда, жумладан, 2015 йилга қадар ушбу кўрсаткич 10 фоизга ҳам етмаган. 2019 йилда ўзнинг энг юқори 27 фоиз улушига чиққан;

– давлат қарзини қайтиришда бюджет даромадларига нисбатан улуш 2017 йилдан кескин кўтарилишини акс эттирган. 2018-2019 йилларда бюджет даромадлари ошиши натижасида ушбу қиймат тушган;

– давлат ташқи қарзи фоизларини тўлашда экспортнинг ўрни муҳимлиги маълум, ушбу улуш 1 фоиз атрофида бўлмоқда;

– умуман олганда, 2017 йилдан бошлаб ташқи қарз барча кўрсаткичлари нисбати ортган. Бунинг асосий омилларидан бири – бу расмий девальвациянинг юз берганлиги билан изоҳланади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги 5177-сонли Фармони муҳим роль ўйнаган.

– 2014-2015 йилларда Ўзбекистонда юмшоқ ташқи қарз даври бўлганлигини қайд этиш лозим. 2017 йилдан эса нисбий улушларнинг ўсиши бошланган.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда мўътадил ташқи қарз амалиёти мавжуд бўлиб, экспорт ва бюджет даромадларини янада барқарорлаштиришга бўлган заруратни кўрсатиб бермоқда.

Халқаро валюта фондининг маълумотларига кўра<sup>68</sup>, 2021-2024 йилларда Ўзбекистонда давлат даромадлари ЯИМга нисбатан 25-26 фоиз атрофида бўлишини қайд этмоқда. Ушбу кўрсаткич 2010-2012 йилларда ўртача 30 фоизга тенг бўлган. Ушбу кўрсаткичнинг пасайиши, албатта, солиқ юкининг камайтирилиш билан бевосита боғлиқ ҳисобланади. Ўз навбатида, қарз маблағларининг ортиши фондида солиқ юкининг пасайиш тенденцияси юзага келиши мамлакат иқтисодиётида қарз юкини ортишига олиб келиши

<sup>68</sup> International Monetary Fund (IMF). 2019. Fiscal Monitor: How to Mitigate Climate Change. Washington, October. p. 65

мумкин. Хулоса қилиб айтганда, давлат ташқи қарзи давлат даромадлари билан тескари пропорционалликда ривожланмоқда. Бу эса давлат қарзига нисбатан юқори таҳлилий ва самарали бошқарув тамойилларини жорий қилишни тақозо этади.

## 2.6-жадвал

### Ўзбекистон ташқи қарзи бўйича тўловлар<sup>69</sup>

Кўрсаткич номи		2008	2014	2015	2016	2017	2018	2019*
<b>Асосий қарз бўйича тўловлар (узқ муддатли)</b>		<b>710</b>	<b>683</b>	<b>962</b>	<b>1008</b>	<b>1438</b>	<b>691</b>	<b>1521*</b>
1.	Давлат ва давлат кафолати остидаги сектор	460	307	285	343	343	382	
Давлат сектори		447	307	285	343	343	382	
Хукумат		131	194	176	210	179	198	
Давлат кафолати остидаги хусусий сектор		13	-	-	-	-	-	
2.	Хусусий сектор (кафолатланмаган)	250	376	677	665	1095	309	
<b>Фоиз тўловлари (узқ муддатли)</b>		<b>141</b>	<b>199</b>	<b>281</b>	<b>354</b>	<b>449</b>	<b>284</b>	<b>412*</b>
1.	Давлат ва давлат кафолати остидаги сектор	114	67	73	91	118	143	
Давлат сектори		114	67	73	91	118	143	
Хукумат		71	38	37	49	68	96	
Давлат кафолати остидаги хусусий сектор		0	-	-	-	-	-	
2.	Хусусий сектор (кафолатланмаган)	26	132	208	262	331	141	

Изох: \* - Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (МБ) маълумотлари асосида ҳисобланган. Баъзи маълумотлар МБ ҳисоботида мавжуд эмаслиги сабабли рақамлар кўрсатилмаган (2.5 ва 2.6-расмларда кенгрок тарзда берилган).

<sup>69</sup> World Bank. 2019. International Debt Statistics 2020. Washington, DC: World Bank. p. 139.



Тадқиқотларимизни давом эттирган ҳолда ташқи қарзни қайтариш тенденцияларини таҳлил этиб чиқамиз (2.6-жадвалга қаранг).

– ҳукумат томонидан жалб этилган ташқи қарз маблағлари давлат ва давлат кафолати остидаги қарзлар улушида ўртача 2/3 фисмни ташкил этаётган бўлса (2.3-жадвалга қаранг), ташқи қарз бўйича тўловлардаги ушбу улуш анча кам эканлигини кўриш мумкин. Масалан, 2008 йилда 28 фоиз бўлса, 2018 йилда 50 фоиздан ортган (2.6-жадвалга қаранг). Демак, ҳукумат қарз маблағларини жалб этишда паст ставкали ва узоқ муддатли қарзларни кўпроқ жалб этмоқда;

– ташқи қарз бўйича асосий қарзни қайтариш суммаси динамик қаторларга эга бўлмаслигига сабаб, қарз маблағларининг нотекис муддатлар ва ҳажмларда тақсимланганлиги билан ифодаланади;


– 2018 йилда қарз қайтариш суммасининг кичик бўлиши олдинги даврларда жалб этилган қарз маблағларининг муддати тугаганлигида. Шунингдек, янги қарзлар айнан ушбу даврдан ошишни бошлаганлиги қайтариш муддати бошланмаганлиги билан изоҳлаш мумкин;

– қайд этиш лозим, фоиз тўловлари асосий қарз тўловлари суммасининг ўртача 33 фоизини ташкил этмоқда. Ушбу кўрсаткич 2018 йилда энг катта 41 фоизни, 2019 йилда 27 фоизни ташкил этган. Албатта, 2019 йилда қарзни қайтариш муддати тўлиқ бошланмаганлиги ушбу тенденцияни шакллантиришга шароит яратган. Масалан, 2024 ва 2029 йилларда еврооблигацияларни қайтариш муддати даврида ушбу тўловларнинг ошишига таъсир этиши мумкин;

– умуман олганда, хусусий сектордаги қарз маблағларининг “кредит қиймати” нисбатан қиммат бўлмоқда. Бунинг сабаби, халқаро кредит рейтингига эга эмаслиги бўлса, иккинчидан, рискларнинг юқорилигига бўлган шубҳанинг мавжудлиги билан ифодаланади.

Олиб борилган тадқиқотлар асосида айтиш мумкинки, ташқи қарзни қайтаришда савдо балансидagi ижобий қолдиқ мамлакатда барқарор валюта муносабатларини шакллантиришга хизмат қилади. Сабаби, давлат ташқи қарзни қайтаришда валюта қимматликларини табиий ресурслар (олтин ва энергия ташувчилар)ни сотиш орқали эмас, балки миллий валюта биржаси орқали сотиб олиши муҳим ҳисобланади.

Асосий қарз бўйича жами 1 521 млн. АҚШ доллари миқдорида тўловлар амалга оширилган. 2018 йилда телекоммуникация соҳасида 2019 йилга нисбатан кўпроқ маблағлар қайтарилган. Аксинча, тўқимачилик соҳасида қарз маблағларини қайтариш ҳажми ортган. Шунингдек, банк секторида ҳам қисман ўсиш юз берган. Буни албатта, олдинги йилларда қарз олиш тенденциясининг фаол бошланиши билан изоҳлаш мумкин (2.5-расмга қаранг).




**2.5-расм. Иқтисодиёт секторлари кесимида асосий қарз бўйича тўловлар<sup>70</sup>, млн. АҚШ доллари.**

Таъкидлаш лозим, ташқи қарзни қайтариш борасида, давлат ва энергетика тармоғи йирик улушга эга бўлмоқда. Нефт, газ ва энергетика тармоғи энг йирик улушдаги қайтариш суммасига эгалик қилмоқда (2.5-расмга қаранг). Ташқи қарз фоизига тўғри келувчи улушнинг ҳам энг катта қисми нефт ва энергетика тармоғига тўғри келмоқда. Шунингдек, давлат ташқи қарзи бўйича фоизлар 2019 йилда ўтган йилга нисбатан сезиларли даражада ортган (2.6-расмга қаранг).

Қайд этиш лозимки, нефт ва энергетика тармоғида ҳам давлат улуши бўлган корхоналар фаолият олиб боради. Шу билан бирга,

<sup>70</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, 2020 йил март. 2019 йил учун Ўзбекистон Республикасининг тўлов баланси, халқаро инвестицион позицияси ва ташқи қарзи. 41-бет.

мавжуд банкларнинг 13 таси ёки жами банк капиталининг 85,6 фоизи<sup>71</sup> давлатга тегишли эканлигини инобатга олиш зарур. Хулоса қилиб айтганда, жами ташқи қарзида давлат ҳиссаси бўлган ташкилотларнинг ҳам қарз улуши катта бўлмоқда. Бу эса ташқи қарзнинг бевосита давлат даромадларига боғлиқ бўлиб қолаётганлиги, марказлашган қарз ҳажми юқори бўлишига олиб келмоқда.



## 2.6-расм. Иқтисодий секторлари кесимида фоишлар бўйича тўловлар<sup>72</sup>, млн. АҚШ доллари.

Шунингдек, ташқи қарзни ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ тарзда таҳлил этиб ўтиш зарур ҳисобланади. 2019 йилда соф экспорт ҳажмида монетар олтиннинг улуши 35 фоизни ташкил этган<sup>73</sup>. Ўз навбатида, 2019 йилда ташқи қарзни қайтариш учун 1,9 млрд. АҚШ доллари йўналтирилган бўлса, ушбу даврда савдо баланси қолдиғи 7,3 млрд. АҚШ долларини ташкил этган. Натижада, мамлакат валюта бозоридида юқори талаб юзага келиши оқибатида валюта курсининг девальвацияси тадрижий хусусиятга эга бўлмоқда. Бошқача айтганда, мамлакат экспорти ялпи ташқи қарзнинг 56 фоизига тенг бўлган.


<sup>71</sup> IMF Country Report No. 20/15 Republic of Uzbekistan technical assistance report—monetary and financial statistics mission (July 17–August 2, 2019).

<sup>72</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, 2020 йил март. 2019 йил учун Ўзбекистон Республикасининг тўлов баланси, халқаро инвестицион позицияси ва ташқи қарзи. 41-бет.

<sup>73</sup> Марказий банк 2019 йил учун ҳисобот маълумотлари

Фикримизча, давлат ташқи қарзини қайтаришда нафақат уни ЯИМга нисбатан баҳолаш, балки савдо балансига нисбатан ҳам баҳолаб бориш муҳим ҳисобланар экан. Бу эса, биринчи навбатда, макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда ёрдам берса, иккинчидан, девальвацион тенденциянинг олдини олишга ёрдам беради. Умуман олганда, ташқи қарзга нисбатан экспортнинг улуши 2014 йилда 90 фоиздан ортиқни ташкил этган бўлса, кейинги йиллардан бошлаб ушбу индикатор тушиб бориш динамикасига эга бўлган.

Мамлакатларнинг 1960-2017 йиллардаги қарз ривожланиш тенденцияларига эътибор қаратсак. Кам даромадли мамлакатларда давлат улушининг жуда катта улушга эга эканлиги, хусусий секторнинг қарз жалб этиш бўйича фаоллиги юқори суръатларга эга эмаслигини ақс эттирса-да, охириги йилларда давлат улушининг қисман камайганлигини кузатиш мумкин (2.7-расмга қаранг).



**2.7-расм. Ривожланаётган давлатларда ташқи қарз таркиби<sup>74</sup>, ЯИМда фоизда**

Изоҳ: Public debt – давлат қарзи, Private debt – хусусий қарз. Ўнг қўлда – кам даромадли мамлакатлар, чап қўлда – ўрта даромадли мамлакатлар.

<sup>74</sup> Making debt work again for development: current pitfalls and challenges ahead. The unfolding debt crisis in developing countries revisited: Overview and recent trends. 12th UNCTAD Debt Management Conference 18 - 20 November 2019

Ўрта даромадли мамлакатларда эса, аксинча, хусусий секторнинг улуши кам даромадли мамлакатлардаги ушбу кўрсаткичдан сезиларли фарқ қилади. 2005 йилдан кейинги даврда ўрта даромадли мамлакатларда давлат қарз жалб этиш тенденциялари камайиб, хусусий секторнинг улуши ошишни бошлаган. Ушбу ҳолатни ривожланаётган мамлакатларда иқтисодиётда давлат улушини камайтиришга қаратилган ислохотлар амалга оширишни бошланганлиги билан изоҳлаш мумкин (2.7-расмга қаранг).

Умуман олганда, ялпи ташқи қарзи таркибида давлатнинг улуши сақланиб қолиши жаҳон иқтисодиёти учун ҳам хос бўлган тенденция эканлигини қайд этиш лозим. Шундай бўлса-да, ялпи қарз таркибида давлатнинг улушини камайтиришнинг устувор йўлларида бири миллий иқтисодиётда давлатнинг улушини камайтириш ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, ташқи қарзни қайтариш билан боғлиқ истиқболдаги мураккабликларни қуйидаги ҳолатлар билан боғлаш мумкин бўлади:

- ЯИМга нисбатан давлат даромадлари (солиқ юки) пасайиш тенденциясига эга бўлмоқда;
- ташқи қарзда давлатнинг улуши юқориликча сақланиб қолмоқда;
- экспорт ҳажмининг пасайиши фонида валюта девальвацияси давом этмоқда;
- савдо баланси салбий қолдиғи билан ташқи қарз ошиши параллел равишда юзага келмоқда.

Бизнингча, ташқи қарзни самарали бошқаришда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим, деб ўйлаймиз:

- давлат кафолати остида ташқи қарз жалб этишни ҳозирги тенденцияси, яъни хусусий секторга давлат кафолатини қатъий меъёрлар билан бериш;
- давлат улуши бўлган қорхоналарни яқин истиқболда хусусий секторга сотиш орқали ташқи қарзда давлат улушини камайтириш;
- давлат даромадларининг солиқсиз манбаларини ошириш ва қарз миқдорини улар ҳисобидан қайтаришда мезонлар белгилаш;

– савдо балансининг ижобий қолдиққа эга бўлишига эришиш орқали ташқи қарзни арзон валюталар орқали қайтариш имконига эришиш;

– ташқи қарз валюта таркибининг ўзаро нисбатини мамлакат олтин-валюта захирасидаги валюталар нисбати билан уйғунлаштириш.

### 2.3. Ўзбекистонда давлат қарзини бошқаришда молия бозори ва унинг таҳлили

Жаҳондаги кам ва ўрта даромадли мамлакатлар ҳам фонд бозорлари орқали фаол тарзда маблағлар жалб этишмоқда. 2014 йилга қадар барқарор ўсиш суръатларини акс эттирган бўлса, 2018 йилга келиб, кескин пасайиш тренди юзага келган. Жаҳон иқтисодиётидаги ноаниқликларнинг кучайиши ва кредит рейтингларининг пасайиши халқаро фонд бозоридаги давлат облигациялари амалиётининг қисқаришига олиб келди. 2015 йилда фонд бозори улуши соф жалб этилган қарз билан эмас, балки қайтарилган маблағларга нисбатан олинган. Сабаби, мазкур йилда маблағлар жалб этилиши тўланишига нисбатан кам бўлган. Жумладан, ушбу йилда 318 млрд. АҚШ доллари қайтарилган (2.8-расмга қаранг).



### 2.8-расм. Кам ва ўрта даромадли мамлакатларда фонд бозори орқали молиявий оқимлар тенденцияси<sup>75</sup>

Изоҳ: жами фонд бозори (ўнг қўлдаги шкала бўйича) млрд. АҚШ долларида, улушлар фоизларда (ўнг қўлдаги шкала бўйича).

<sup>75</sup> International Debt Statistics 2020. International Bank for Reconstruction and Development / The World Bank асосида тадқиқотчи томонидан тузилган

Бизнингча, Жаҳон банки маълумотларидан ҳам кўришиб турибдики, ривожланаётган мамлакатларда ҳам хусусий манбалар ҳисобидан, яъни миллий облигацияларини халқаро фонд бозорига жойлаштириш орқали ташқи қарз маблағлари жалб этилмоқда. Ушбу ҳолат, албатта, мамлакатларнинг фонд бозорида иштирок этиш имкониятлари ва суверен кредит рейтингининг мавжудлиги билан алоҳида аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 июлдаги “Ташқи молиялаштириш манбаларини диверсификациялаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3877-сонли қарори билан суверен (евро) облигацияларни чиқариш ва жойлаштириш бўйича ишларни ташкил этиш назарда тутилди.

Мазкур қарор асосида 2019 йилда 1 млрд. АҚШ доллари миқдоридан 5 йилгача ва 10 йилгача 500 млн. АҚШ доллари бўлган Ўзбекистон еврооблигациялари муомалага чиқарилди.




**2.9-расм. Ўзбекистон еврооблигацияларининг муддатлари кесимида географик жойлашуви<sup>76</sup>, фоизда.**

Осиё мамлакатлари ўзбек еврооблигацияларига эгалик қилиш нуктаи назаридан ғарб мамлакатларидан сезиларли даражада орта

<sup>76</sup> <http://dmo.mf.uz/eurobonds/>

қолмоқда. Асосий инвесторлар сифатида АҚШ ва Буюк Британия мамлакатлари бўлмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири сифатида еврооблигациялар Лондон фонд биржасида жойлаштирилиши билан боғлаши мумкин. Ушбу фонд биржасида Осиё минтақасидин кўра, Ғарб мамлакатлари фаол иштирок этиши буни яққол кўрсатиб бермоқда.



**2.9-расм. Сўндириш бўйича даромадлилик даражаси<sup>77</sup>, фоизда.**

Изоҳ: 5Y YTM – 5 йиллик сўндириш даромадлиги; 10Y YTM – 10 йиллик сўндириш даромадлиги.

Ўзбекистон еврооблигацияларининг фоиз даражаси тушиб боришининг асосий сабаби, ликвидлик даражасининг юқорилаб бораётганлиги билан ифодалаш мумкин. Мазкур ҳолатнинг асосий омилларидан бири, барқарор ташқи қарз даражаси, олтин валюта захирасининг уч ойдан ортиқ муддатда импортни молиялаштира олишга етиши билан ушбу ҳолат изоҳланади. Шу боисдан, Ўзбекистон еврооблигациялари учун фоизлар мамлакатимиз фойдасига ўзгариш тенденциясига эга бўлди.

<sup>77</sup> <http://dmo.mf.uz/eurobonds/>



Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасининг илк суверен халқаро облигацияларини жойлаштиришдан тушган маблағлардан самарали фойдаланиш тўғрисида”ги ПҚ-4258-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга кўра, қуйидагича тартибда маблағлар жойлаштирилди:

– 889,2 миллион АҚШ долларини аукцион савдолари ўтказиш орқали тижорат банклари депозитларига жойлаштириш;

– 20 миллион АҚШ долларини «Агробанк» АТБга Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан субординар қарз сифатида кредит линиясини очиш;

– 89,9 миллион АҚШ долларини «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонасига, истисно тариқасида, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан хорижий валютада бюджет ссудаси сифатида ажратиш.

Тадқиқотчи А.Шеров ўзининг мақоласида бу борада қуйидаги фикрларни билдириб ўтади<sup>78</sup>: “Бюджетда солиқсиз даромадларнинг улушини кўпайтириш орқали харажатларни амалга оширишда ўзига хос шарт-шароит яратади. Бу, албатта, солиқ юкини ҳам оптималлаштиришга, шунингдек, молиялаштиришнинг барқарорлигини таъминлашга имкон беради. Лондон фонд биржаси орқали жалб этилган маблағлар учун инвесторларга тўланадиган фоиз ставкалари мос равишда 4,75 ва 5,375 фоиз эканлигини инобатга олсак, ҳар бир депозитдан 0,5 фоиз йиллик бюджет даромадлари шаклланиши юзага келмоқда. Бу эса ўртача йиллик жами 4,5 млн. АҚШ доллари солиқсиз бюджет даромадлари келиб тушаётганлигини англатади”.

Умуман олганда, Ўзбекистон иқтисодий тарихида давлат қимматли қоғоз (облигация)лари муомалага 1992 йилда чиқарилган бўлиб, улар 2014 йилга келиб қайтарилган. Ушбу облигациялар ютуқли заёмлар шаклида эмиссия қилинган бўлиб, 12 фоизли ютуқли шаклда аҳолига сотилган. 2014 йилга келиб, бир облигация

<sup>78</sup> Шеров А.У. Ўзбекистонда бюджет сиёсатининг ривожланиш тенденциялари ва унинг амалдаги ҳолати таҳлили//Молия ва банк иши электрон илмий журнали. – Т.: 2019. - №1. – Б.30-38.

қиймати 1,373 индексация коэффициенти билан аҳолига қайтарилган<sup>79</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 26 мартдаги “Ўзбекистон Республикасининг қисқа муддатли давлат облигацияларини чиқариш тўғрисида”ги 119-сонли (2019 йил 22 августда ўз кучини йўқотган) қарорига биноан муомалага 4 млрд. сўмга тенг бўлган давлат қисқа муддатли облигация (ДҚМО)лари чиқарилишига расман рухсат берилган. Ушбу облигациялар 3 ой муддатга мўлжалланган бўлиб, ҳукумат ихтиёридаги активлар билан ликвидлилик таъминланиши кўзда тутилган. Ушбу даврдаги давлатнинг молия бозоридаги иштироки бўйича амалиётларнинг юзага келганлигини кўрсатиб туради. ДҚМО ларни қайтариб сотиб олишда Марказий банк иккиламчи бозор орқали амалга оширишни назарда тутилганлиги облигациялар айланмасига катта урғу берилганлигини англатади.

Кейинчалик, ушбу молиявий фаолият давом эттирилиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1998 йил 26 мартда “Ўзбекистон Республикаси давлат қисқа муддатли облигацияларини чиқаришнинг асосий шартлари” номи билан қабул қилинган қўшма ҳужжатига кўра муомалага киритилган. Мазкур ҳужжат 2019 йил 26 августда ўз кучини йўқотган ҳисобланади. Ўз даврида ушбу ҳужжатга кўра, ДҚМОнинг номинал қиймати 1000 сўм этиб белгиланган. Муддатлар бир йилга қадар узайтирилган.

Фикримизча, мустақил Ўзбекистоннинг тажрибасида ички имкониятлардан фойдаланган ҳолда давлат қарзларини жалб этиш амалиётидан самарали фойдаланилган. Ўз навбатида, Марказий банкка ДҚМОларни бирламчи бозордан сотиб олишга рухсат берилмаганлиги молия бозорини ривожлантириш ва пул муомаласига салбий таъсирнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар деб айтиш мумкин.

Ўзбекистонда миллий валюта - сўмда муомалага чиқариладиган давлат облигациялари давлатнинг ички қарзини шакллантиришда хизмат қилади. Таъкидлаб ўтилганидек, мамлакатимизда давлат ички қарзни жалб этиш тажрибаси мавжуд бўлиб, бу охириги марта ўтган асрнинг сўнгги йилларида амалга оширилган. Умуман

<sup>79</sup> <https://anhor.uz/society/koefficient-obligacii-1992-goda-ustanovlen-v-razmere-1-k-1373-sum>

олганда, мамлакатда ички қарзни жалб этиш одатда, салмоқли қисми давлат облигациялари орқали амалга оширилиб, бу фақатгина молия бозорларининг барқарор ишлаши билан бевосита боғлиқ ҳисобланади.

## 2.7-жадвал

### Давлат ички қарзи қолдиғи<sup>80</sup>, млн. АҚШ доллари, 01.07.2019 ҳолатига кўра

№	Ташкилот номи	Қарздорлик қолдиғи
1.	"Ўзбекнефтегаз" АЖ	1473,7
2.	"Ўзбекэнерго" АЖ	832,5
3.	"Олмалиқ кон-металлургия комбинати" АЖ	598,9
4.	"Ўзбекистон темир йўллари" АЖ	597,3
5.	"Ўзбекистон ҳаво йўллари" АЖ	521,2
6.	"Навоийазот" АЖ	408,9
7.	Навоий кон-металлургия комбинати	343,8
8.	"Ўзкимёсаноат" АЖ	97,6
9.	"Тошшаҳартрансхизмат" уюшмаси	39,2
10.	Миллий телерадиокомпания	25,4
11.	Сув хўжалиғи вазирлиғи	21,3
12.	"Ўзбекгидроэнерго" АЖ	18,7
13.	"Хоразм троллейбус бошқармаси" давлат ташкилоти	1,9
14.	Давлат қимматли қоғозлари	112,1
15.	Бошқалар	298,9
	Жами	5391,4

Мамлакатимизда молия бозоридан фойдаланган ҳолда маблағлар жалб этиш тенденцияси яна қайта бошланган бўлиб, бу 2018 йилнинг декабрь ойларига тўғри келади. Давлат қарзининг 1/3 қисмига етмаган улуши<sup>81</sup> давлат ички қарзларига тўғри келади. Бу 2019 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра 5,6 млрд. АҚШ долларини ташкил этади. Шундан Ўзбекистон Республикаси ҳукумати кафолатлаган давлат ички қарзлари қолдиғи 5474 млн. АҚШ долларини

<sup>80</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиғи. Ўзбекистон Республикасининг Давлат қарзи ҳолати ва динамикаси шарҳи 2019 йилнинг III чорағи

<sup>81</sup> <http://dmo.mf.uz/total-public-debt/#>

ташқил қилмоқда. Ушбу кўрсаткич ЯИМга нисбатан 10 фоизни ташқил этади<sup>82</sup>.

Таъқидлаш лозимки, ички қарзларнинг катта қисми Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси улушига тўғри келади. 5 фоизга етмаган қисми эса облигацияларнинг улушига тўғри келади. Кўриниб турибдики, молия бозорининг ривожланиш даражаси юқори бўлмаганлиги ордидан ушбу омилнинг улуши сезиларли эмас.

Умуман олганда, иқтисодиётда давлатнинг улуши юқори эканлиги ички қарз амалиётини жалб этишда ҳам сезиларли аҳамиятга эга бўлмоқда. Бу эса давлатнинг маълум фондидан бошқа бир улуши бўлган ташкилотларга молиявий маблағларнинг оқимини юзага келтирмоқда.

Ушбу кредитлар Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан иқтисодиётнинг стратегик тармоқларига йўналтирилмоқда. Масалан, “Ўзбекнефтгаз” АЖнинг мазкур жамғармадан ҳукумат кафолати остидаги қарзлари 1474 млн. АҚШ долларини ёки жамига нисбатан 27 фоизни ташқил этаётган бўлса, “Ўзбекэнерго” АЖ ҳам 1 млрд. АҚШ долларига тенг қарздорликка эгалик қилмоқда. Шунингдек, иқтисодиётда табиий монополияни шакллантиришда етакчи бўлган “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ва “Ўзбекистон ҳаво йўллари” АЖ ҳам биргаликдаги қарзи 1 млрд. АҚШ долларидан ортади (2.7-жадвалга қаранг).

Бу борада, давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев “Нефть-газ соҳасидаги давлат корхоналарини бошқаришга хорижий экспертларни жалб этиб, уларнинг самарадорлигини ошириш ва харажатларини оптималлаштириш, қарз миқдорини камайтиришга эришиш лозим<sup>83</sup>” деган фикрларни таъқидлаб ўтганлиги, масаланинг муҳим жиҳатини кўрсатиб турибди.

Шунингдек, ички қарздан ташқари давлатнинг молия институтларидаги улушини шакллантиришда ҳам Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси муҳим роль ўйнамоқда. Бу борада, PhD И.Жуманиязов

---

<sup>82</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги. Ўзбекистон Республикасининг Давлат қарзи ҳолати ва динамикаси шарҳи 2019 йилнинг III чораги

<sup>83</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

куйидаги фикрларни билдириб ўтади<sup>84</sup>: “Тижорат банкларида Жамғарманинг улуши аксарият банкларда 50 фоиздан ортик улушга эга ҳисобланади. Тижорат банкларида Жамғарма улушининг ошиши бевосита тижорат банкларида давлат улушининг ошишига олиб келмоқда. Давлат улуши юкори тижорат банкларида кредитлаш сўнгги йилларда кескин ошиши натижасида иктисодиётда кредитларнинг улуши 2016 йилда ЯИМнинг 26,8 фоиздан 2018 йилда 68 фоизгача ошганини кўриш мумкин”.

## 2.8-жадвал

### Давлат қимматли қоғозларини жойлаштириш тўғрисида маълумот<sup>85</sup>

Жойлаштириш даври	Муомала даври, ой	Қатъий ставка	Микдори (минг)	Номинал қиймати (млрд. сўм)	Буыортма (млрд. сўм)	Эмиссия номинал қиймати (млрд. сўм)	Сўндириш қиймати (млрд. сўм)	ЎТ фоиз
26.12.2018	6	Нол купон	200.0	200.0	239.3	184120	197100	14.15
27.12.2018	12	16	200.0	200	229.3	203123	232000	14.22
28.12.2018	36	16	200.0	200.0	221.6	204913	296000	14.86
19.02.2019	12	15	60.0	60.0	123.3	60885	69000	13.33
27.02.2019	12	15	40.0	40.0	83.3	40715	46000	12.96
05.03.2019	12	15	30.0	30.0	30.0	30015	34500	14.94
12.03.2019	12	15	40.0	40.0	109.5	40160	46000	14.54
19.03.2019	12	15	80.0	80.0	142.8	81463	92000	12.94
08.05.2019	12	15	100.0	100.0	504.0	104101	115000	11.02
15.05.2019	12	15	100.0	100.0	476.7	104100	115000	10.47
22.05.2019	18	15	100.0	100.0	295.1	106450	122500	10.04
04.06.2019	18	15	100.0	100.0	240.8	106753	122500	9.82
12.06.2019	24	15	100.0	100.0	339.8	110270	130000	8.93
19.06.2019	24	15	100.0	100.0	521.1	112567	130000	7.73
05.07.2019	36	15	100.0	100.0	403.7	111240	145000	10.11
12.07.2019	36	15	100.0	100.0	187.9	110485	145000	10.41
17.07.2019	18	Нол купон	200.0	200.0	202.1	189440	200000	12.72
19.07.2019	18	Нол купон	300.0	300.0	435.0	281614	300000	14.89
Жами			2150	2150	4787	2182	2538	

<sup>84</sup> Жуманиязов И.Т. Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси молиявий маблағларидан самарали фойдаланиш йўллари: и.ф.б.ф.д.дисс. автореферати. – Т. ТМИ, 2019. – 54 б.

<sup>85</sup> <http://dmo.mf.uz/treasury-bills/>

Фикримизча, давлат ички қарзларининг юзага келишида давлат улуши бўлган ташкилотлар алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда. Таҳлил этилган рақамлар иқтисодиётда хусусий сектор улушини оширишга бўлган заруратни кўрсатиб бермоқда. Уларнинг сақланиб қолиши куйидаги иқтисодий вазиятларни келтириб чиқаришга хизмат қилмоқда, десак тўғри бўлади:

– етакчи тармоқларда давлат монополиясининг сақланиб қолишига олиб келмоқда;

– давлат маблағлари, хусусан Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларининг диверсификациясига етарлича шароит яратмаяпти;

– давлат маблағларининг марказлашган ҳолда тўпланиб қолишига ҳам олиб келмоқда, ҳаттоки ички қарзлар жалб этишда ҳам;

– молия бозорининг етарли даражада ривожланмаслигига давлат қарз амалиётида ҳам вужудга келмоқда.

Тадқиқотларимизни давом эттирган ҳолда, давлат қарзларини жалб этишнинг облигациялар бўйича тенденцияларини кўриб чиқамиз.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Ўзбекистон тажрибасида қисқа муддатли ташқи маблағларни жалб этишнинг улуши юқори эмаслигини кўриш мумкин. Таъкидлаш лозим, давлат облигацияларининг фоиз ставкалари Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасидан анча паст бўлганлигини кўриш мумкин. Шунингдек, 2019 йилнинг иккинчи чорагида жойлаштирилган облигацияларнинг ўртача тортилган фоиз ставкаси 7,73 дан 11,02 гачани ташкил этган. 2018 йилнинг декабридан 2019 йилнинг иккинчи чорагига қадар 2 трлн. сўмдан ортиқ бўлган суммани ташкил этади (2.8-жадвалга қаранг).

Ўртача тортилган ставканинг шаклланишига муомала муддати, буюртма ва эмиссия миқдори кабиларнинг таъсирини регрессион таҳлил орқали таҳлил қилишга ҳаракат қилдик. Унга кўра куйидаги ҳолат юзага келди:

$$\Phi_{\text{ўт}} = -0,0897 \times M_{\text{м}} + 13,76 \quad (2.1) R^2=0,13$$

$$\Phi_{\text{ўт}} = -0,0887 \times B_{\text{м}} + 14,47 \quad (2.2) R^2=0,33$$

$$\Phi_{\text{ўт}} = 8,02E - 06 \times \text{Э}_{\text{м}} + 13,76 \quad (2.3) R^2=0,05$$

Бу ерда,  $\Phi_{\text{ўт}}$  – ўртача тортилган фоиз ставкаси;

$M_m$  – муомала муддати;

$B_m$  – буюртма миқдори;

$E_m$  – эмиссия миқдори.

Давлат облигацияларининг ўртача тортилган фоиз ставкалари кўпроқ облигацияларга бўлган талабнинг ошиши билан бевосита боғлиқ бўлмоқда. Таҳлилларимиз давомида муомалада бўлиш эмиссия қилиш ҳажмининг таъсири деярли кузатилмади (2.1-2.3 формулаларга қаранг).

Тадқиқотчи Д.Абдуллаев томонидан Ўзбекистондаги давлат қимматли қоғозлари бозорини ўрганиши натижасида кучли ва хатарли жиҳатларини таҳлил қилишга эришган<sup>86</sup>. Унинг натижасида, давлат қимматли қоғозларини бошқаришга қаратилган хулосаларни шакллантирган. Унга кўра, давлат бюджети профицитининг барқарорлиги, валюта курси девальвацияси каби омилларнинг таъсирига эътибор қаратилган.

## 2.9-жадвал

### SWOT-таҳлил баҳолаш натижасида танлаб олинган энг аҳамиятли омиллар

Устунликлари	Камчиликлари
Давлат бюджети профицитининг барқарор ҳолати; Очиқ ташқи иқтисодий сиёсат; Бозорнинг либераллашуви.	Узоқ вақт бозордаги турғунлик; Паст даромадлилик; Хилма-хилликнинг мавжуд эмаслиги ва мавжуд молиявий воситаларнинг нисбатан кичик рўйхати.
Имкониятлар	Хатарлар
Давлат қимматли қоғозларига хорижий инвесторларнинг қизиқиши; Электрон савдонинг ривожланиши; Қонунчилик асосларининг яратилганлиги.	Валюта курси девальвацияси; Ўсиб бораётган инфляция даражаси; Жаҳон молия бозорида кучли рақобат муҳити.

<sup>86</sup> Абдуллаев Д.Ш. Ўзбекистонда давлат қимматли қоғозларини чиқариш, жойлаштириш ва уларни муомалада бўлиши механизмини такомиллаштириш//Молия ва банк иши электрон илмий журнали. –Т., 2019. - №2. – 187-193ю

Фикримизча, тадқиқотчи томонидан давлат қимматли қоғозларини муомалага чиқариш ва ички қарз маблағларини жалб этишда такомиллаштирилиши лозим бўлган жиҳатларга эътибор қаратган. Шунингдек, қонунчилик асосларининг яратилганлиги имконият сифатида қаралган бўлса-да, ҳозирги даврда давлат облигациялари орқали ички қарз маблағларини жалб этишнинг ҳуқуқий асослари тўлиқ шаклланган дейишга асослар етарли эмас.

Олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосаларни шакллантиришга муваффақ бўлдик:

– Ўзбекистонда давлат қисқа муддатли облигациялари бозорини ривожлантиришга 1998-2018 йиллар оралиғида эътибор қаратилмаган;

– давлат облигацияларини бирламчи жойлаштиришда Марказий банкка сотиб олиш ҳуқуқи берилмаганлигининг ҳозирги кунда ҳуқуқий асослари мавжуд эмас;

– Ўзбекистоннинг олтин-валюта захиралари барқарор ҳолати еврооблигациялар фоиз ставкаларининг паст бўлишига ёрдам бермоқда;

– Давлат ички қарзларида Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг улуши жуда катталигича ривожланмоқда;

– Иқтисодиётда давлат улуши катталиги боис давлат ички қарзларида кредитор ва дебитор субъектларининг асосий қисми ҳам давлатга тегишли бўлиб қолмоқда;

– давлат қисқа муддатли облигацияларини жойлаштиришда даромадлилик даражасининг пастлиги сақланиб қолмоқда;

– давлат қисқа муддатли облигацияларини фақатгина тижорат банклари ўртасида жойлаштириш амалиёти доимийлик хусусиятига эга бўлиб қолмоқда;

– давлат қисқа муддатли облигациялари ўртача тортилган фоиз ставкаларига талабнинг ҳажми сезиларли таъсир этаётгани йўқ, ваҳоланки муомала даври ва эмиссия ҳажми умуман таъсирга эмас.

Умуман олганда, мамлакатимизда давлат ички қарзи амалиётини ривожлантиришда ҳам ҳуқуқий асосларини, ҳам молиявий воситаларнинг шакллари такомиллаштиришга бўлган зарурат



юзаса чиқмоқда. Бунинг учун молиявий воситаларнинг рўйхатини кенгайтириш, уларга қўйилган молиявий меъёрларни шакллантириш ва кредиторлар кесимини ошириш муҳим вазифа ҳисобланади.

### **Иккинчи боб бўйича хулосалар**

Монографиямизнинг иккинчи бобида олиб борган тадқиқотларимиз давомида қуйидаги хулосаларни шакллантиришга ҳаракат қилдик:

1. Фикримизча, охириги йилларда бюджет дефицитининг вужудга келиши биринчидан, давлат дастурларининг кенг қўламли тарзда амалга оширилиши, иккинчидан, бюджет даромадларининг маълум доираси бекор қилиниши, учинчидан, бюджетдан ташқари жамғармаларнинг харажатлари ҳам бюджет ҳисобидан молиялаштириш тизимининг жорий этилиши бюджетга молиявий юкнинг ортишида муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

2. Бизнингча, бюджет дефицитининг ортиши, ўз навбатида, давлатнинг қарз инструментиларидан фаол фойдаланишига заруратни келтириб чиқариши жаҳон тажрибасидан маълум. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, давлат қарзининг ортишига шарт-шароит вужудга келмоқда. Бу эса ўз навбатида, давлат қарзини жалб этиш самарадорлигини ошириш ва уни бошқариш мезонларини белгилаб берувчи меъерий-ҳуқуқий ҳужжатга бўлган талабнинг долзарблигини кўрсатмоқда. Шу боисдан, давлат қарзини бошқариш самарадорлигини таъминлашда давлат дастурлари ва бюджет-солиқ сиёсати билан бевосита боғлиқ тарзда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

3. Фикримизча, мамлакатда қарзни бошқаришга оид бўлган фонд (миллий барқарорлик) хусусиятидаги жамғармаларни шакллантириш ҳам қарзни бошқаришдаги муҳим омиллардан бўлиб хизмат қилар экан.

4. Олиб борилган тадқиқотлар асосида айтиш мумкинки, ташқи қарзни қайтаришда савдо балансидаги ижобий қолдиқ мамлакатда барқарор валюта муносабатларини шакллантиришга хизмат қилади. Сабаби, давлат ташқи қарзни қайтаришда валюта

қимматликларини табиий ресурслар (олтин ва энергия ташувчилар)ни сотиш орқали эмас, балки миллий валюта биржаси орқали сотиб олиши муҳим ҳисобланади.

5. Фикримизча, давлат ташқи қарзини қайтаришда нафақат уни ЯИМга нисбатан баҳолаш, балки савдо балансига нисбатан ҳам баҳолиб бориш муҳим ҳисобланар экан. Бу эса, биринчи навбатда, макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда ёрдам берса, иккинчидан, девальвацион тенденциянинг олдини олишга ёрдам беради. Умуман олганда, ташқи қарзга нисбатан экспортнинг улуши 2014 йилда 90 фоиздан ортиқни ташкил этган бўлса, кейинги йиллардан бошлаб ушбу индикатор тушиб бориш динамикасига эга бўлган.

6. Хулоса қилиб айтганда, ташқи қарзни қайтариш билан боғлиқ истиқболдаги мураккабликларни қуйидаги ҳолатлар билан боғлаш мумкин бўлади:

- ЯИМга нисбатан давлат даромадлари (солиқ юки) пасайиш тенденциясига эга бўлмоқда;

- ташқи қарзда давлатнинг улуши юқориликча сақланиб қолмоқда;

- экспорт ҳажмининг пасайиши фонида валюта девальвацияси давом этмоқда;

- савдо баланси салбий қолдиғи билан ташқи қарз ошиши параллел равишда юзага келмоқда.

7. Бизнингча, ташқи қарзни самарали бошқаришда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим, деб ўйлаймиз:

- давлат кафолати остида ташқи қарз жалб этишнинг ҳозирги тенденцияси, яъни хусусий секторга давлат кафолатини қатъий меъёрлар билан бериш;

- давлат улуши бўлган корхоналарни яқин истиқболда хусусий секторга сотиш орқали ташқи қарзда давлат улушини камайтириш;

- давлат даромадларининг солиқсиз манбаларини ошириш ва қарз миқдорини улар ҳисобидан қайтаришда мезонлар белгилаш;

– савдо балансининг ижобий қолдиққа эга бўлишига эришиш орқали ташқи қарзни арзон валюталар орқали қайтариш имконига эришиш;

– ташқи қарз валюта таркибининг ўзаро нисбатини мамлакат олтин-валюта захирасидаги валюталар нисбати билан уйғунлаштириш.

8. Олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосаларни шакллантиришга муваффақ бўлдик:

– Ўзбекистонда давлат қисқа муддатли облигациялари бозорини ривожлантиришга 1998-2018 йиллар оралигида эътибор қаратилмаган;

– давлат облигацияларини бирламчи жойлаштиришда Марказий банкка сотиб олиш ҳуқуқи берилмаганлигининг ҳозирги кунда ҳуқуқий асослари мавжуд эмас;

– Ўзбекистоннинг олтин-валюта захиралари барқарор ҳолати еврооблигациялар фоиз ставкаларининг паст бўлишига ёрдам бермоқда;

– Давлат ички қарзларида Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг улуши жуда катталигича ривожланмоқда;

– Иқтисодиётда давлат улуши катталиги боис давлат ички қарзларида кредитор ва дебитор субъектларининг асосий қисми ҳам давлатга тегишли бўлиб қолмоқда;

– давлат қисқа муддатли облигацияларини жойлаштиришда даромадлилик даражасининг пастлиги сақланиб қолмоқда;

– давлат қисқа муддатли облигацияларини фақатгина тижорат банклари ўртасида жойлаштириш амалиёти доимийлик хусусиятига эга бўлиб қолмоқда;

– давлат қисқа муддатли облигациялари ўртача тортилган фоиз ставкаларига талабнинг ҳажми сезиларли таъсир этаётгани йўқ, ваҳоланки муомала даври ва эмиссия ҳажми умуман таъсирга эга эмас.

### III БОБ. ДАВЛАТ ҚАРЗИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

#### 3.1. Давлат қарзини бошқариш стратегияларини ишлаб чиқишда халқаро меъёрларни жорий этишнинг зарурлиги


Халқаро валюта фонди маълумотларига кўра<sup>87</sup>, номолиявий сектор (хукуматлар, уй хўжаликлари ва номолиявий ташкиотлар)нинг умумий қарзи жаҳон ЯИМнинг 225 фоизли энг юқори чўққисига етди. Мазкур қарзнинг 2/3 қисмида хусусий секторнинг улуши юқори бўлиб, ушбу жараён юқори рискли ҳолатларни келтириб чиқаришга қараб кетмоқда. Мазкур ҳолатда мамлакатлар бир хил қарз даражасига эга бўлмасалар-да, улар бир хил риск билан қамраб олинишлари эҳтимолдан йироқ эмас. Ушбу ҳолатда хусусий қарздорликнинг ошиши юз бериши билан паст иқтисодий ўсиш тенденциялари юзага келиши мумкин.

Ривожланган ва айрим ривожланаётган мамлакатларда хусусий қарздорликнинг ортиши молиялаштириш принципларининг содда-лаштириб юборилганлиги билан бевосита боғлиқ эканлиги қайд этилмоқда. Бунинг сабаблари сифатида, биринчидан, жаҳон молиявий иқтисодий инкирози, иккинчидан, ривожланаётган мамлакатларда молия бозорининг ривожлантирилиши, учинчидан, масофавий банк хизматларини жорий этилиши каби ҳолатлар акс этади.

2019 йил май ойи ҳолатига, Жаҳон банки гуруҳи Халқаро Ривожланиш Ассоциацияси мамлакатларининг 50 фоизи ёки 34 та мамлакат юқори рискка эга бўлган ташқи қарзга эғалик қилмоқда. Кичик мамлакатларни инобатга олмаганда ушбу кўрсаткич 30 фоизни ташкил этади. 2018 йилда 11 фоиз мамлакатлар кам рискли қарзга эга ҳисобланган. Аксарият мамлакатларда ликвидлик билан боғлиқ муаммолар юзага келмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири давлат харажатларининг оширилиши ва давлат қарзига хизмат кўрсатишнинг ортиши билан изоҳланади. Кам рискли мамлакатларнинг асосий ютуғи сифатида диверсификацияланган экспорт сиёсатига ташқи савдо ижобий қолдиғига эга ҳисобланади (3.1-расмга қаранг).

<sup>87</sup> International Monetary Fund. Fiscal Monitor: Debt—Use It Wisely. October 2016

Фикримизча, жаҳон иқтисодиётида охириги йилларда юз бераётган тенденциялар ташқи қарз билан боғлиқ ҳолатларни ўзида акс эттирмоқда. Бу эса, давлатлардан ташқи қарзга нисбатан юқори стратегик категория сифатида ва уни бошқаришда халқаро мезонлар орқали ёндашишни талаб этмоқда. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда ҳам ташқи қарз масаласига самарали тажрибани қўллаган ҳолда ёндашувни ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланади. Бу борада халқаро ташкилотларнинг тавсиялари муҳим аҳамиятга эга.



### 3.1-расм. Халқаро Ривожланиш Ассоциацияси (Жаҳон банки гуруҳи) мамлакатларида қарз муаммолари<sup>88</sup>, фойзда

Изоҳ: Low – кам, Moderate – ўрта, High - юқори

Давлат қарзини шакллантириш ва бошқаришга нисбатан халқаро ташкилотлар томонидан ёндашувлар, мезонлар ишлаб чиқилган. Жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2015 йил сентябрдаги 69-Бош Ассемблясида давлат қарзини шакллантиришга нисбатан қуйидаги 8 та тамойил тавсия этилган:

- суверенитетлик;
- адолатли ёндашув;
- шаффофлик;

<sup>88</sup> World Bank IDA Addressing Debt Vulnerabilities in IDA Countries: Options for IDA19. June 4, 2019.

- холислик;
- суверен иммунитет;
- қонунийлик;
- барқарорлик;
- қайта шакллантиришнинг муҳимлиги.

*Суверенитетлик* давлатнинг қарзини шакллантириш ва уни бошқариш нисбатан мустақил қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи мавжудлиги билан ифодаланади. Ушбу қоидаларнинг бузилиши мамлакатда нобарқарор қарз ҳолати юзага келишини келтириб чиқариши мумкин.

*Адолатли ёндашув* суверен қарздор мамлакатда қарз нобарқарорлиги юзага келганда кредиторлар билан музокаралар олиб бориш имкониятини англатади. Ундан кўзланган мақсад қарз барқарорлигини қайта тиклашдан иборат. Ушбу тамойил томонларга музокаралар ўтказиш мажбуриятини юклайди, лекин иккинчи томонга зарар етказишни назарда тутмаган ҳолда. Ушбу тамойил икки томонлама манфаатни назарда тутиши учун қарздор ва кредитор мамлакатларнинг ҳаракатлари шаффоф бўлиши талаб этилади.

*Шаффофлик* тамойили икки томоннинг ўзаро алоқадорликда фаолиятни амалга оширишга ундайди. Мазкур тамойил икки томоннинг ўзаро келишмовчиликларининг олдини олишга ёрдам берувчи муҳим омил ҳисобланади.

*Кредиторлар* томонидан қарздорларга нисбатан холис ёндашувлик асосида маблағлар беришини ақс эттиради. Масалан, макроиқтисодий қийинчиликлар юз берган мамлакатга нисбатан мос тарзда қарз бериш амалиётини амалга ошириши билан изоҳланади.

*Суверен* иммунитет қарз маблағларини шакллантиришда халқаро қонунчилик талаблари билан кифояланиб қолинмаслигини англатади. Бошқача айтганда, қарз маблағларини шакллантиришда ҳар бир мамлакатнинг ўз қонунчилиги ва позицияси бўлиши лозимлиги билан ифодаланади.

*Қонунийлик* тамойили давлат томонидан қарз маблағларини жалб этиш ҳам миллий, ҳам халқаро қонунчилик меъёрлари ва қоидаларига риоя этилиши мақсадга мувофиқ, деб қаралади.

*Барқарорлик* тамойили нафақат иқтисодий, балки ижтимоий ва экологик барқарорликни ҳам қамраб олининини англатади. Бунда

БМТ томонидан қабул қилинган Барқарор ривожланиш мақсадларини ўзида ақс эттирган ҳолда амалга оширилиши назарда тутилиши лозим.

*Қайта шакллантиришнинг муҳимлиги* тамойили асосида мамлакатлар ўзларининг қарзни бошқариш самарадорлигига эришиши назарда тутилади. Давлат қарзини шакллантиришда ички ва ташқи манбаларнинг ўзаро нисбатига эътибор қаратиши мақсадга мувофиқлиги кўзда тутилган.

Юқорида келтирилган тамойилларни билиш ва уни амалда самарали қўллаш Ўзбекистонга ўз иқтисодий позициясини барқарорлаштиришга ёрдам беради. Шу боисдан, мазкур тамойилларни Ўзбекистон қонунчилигига сингдириш ва ушбу қоидаларни мамлакат позициясини мустаҳкамлашга қаратилган руҳ билан жорий этилиши муҳим ҳисобланади, деб ўйлаймиз.

Жаҳон банки маълумотларига кўра, 2018 йилда кам ва ўрта даромадли мамлакатлар ташқи қарзи 5,3 фоизга етиб, 7,8 трлн. АҚШ долларидан ортиб кетди. Шундан Халқаро ривожланиш ассоциацияси мезонлари асосидаги мамлакатларга 50 фоизни ташкил этади<sup>89</sup>. Шунингдек, ярмидан кам мамлакатлар белгиланган талаб бўйича ташқи қарзни қайд этиш, мониторинг қилиш ва ҳисобини юритишни амалга оширишган.

Бизнингча, ташқи қарз муносабатларида маълумотларнинг тўлиқлиги ва уларнинг шаффофлигини таъминлаш ташқи қарзни баҳолашга етарли шарт-шароит яратиб беради. Бу эса мамлакатга инвестициялар жалб этишни объективлаштиради, ташқи қарз бўйича шубҳаларнинг пайдо бўлмаслигининг олдини олади.

Жаҳон банки томонидан давлат қарзини бошқаришда ташқи қарз, ташқи қарзга хизмат кўрсатиш ва бошқа шу каби кўрсаткичлардан фойдаланишни тавсия этади. Уларни биз қуйидаги 3.1-жадвалда янада аниқроқ кўришимиз мумкин:

Халқаро валюта фонди ташқи қарзни бошқаришда макроиқтисодий кўрсаткичларга нисбатан жами ташқи қарз, асосий қарзни қайтариш ва фоизларни тўлаш билан боғлиқ суммаларни ҳисоблашни тавсия этади. Уларга нисбатан меъёрий кўрсаткичлар тизимини таклиф этиб, давлатлар томонидан уларга риюя этилишини мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди.

<sup>89</sup> <https://www.worldbank.org/en/topic/debt/overview>

**Жаҳон банки томонидан ташқи қарз даражасини баҳолаш учун  
кўрсаткичлар тизими**

Кўрсаткич	Нисбат олинадиган кўрсаткич	Ўлчов бирлиги
Ташқи қарз	Товар ва хизматлар экспорти	фоизда
Ташқи қарз	Ялпи ички маҳсулот	фоизда
Ташқи қарзга хизмат кўрсатиш	Товар ва хизматлар экспорти	фоизда
Ташқи қарз бўйича фоиз тўловлари	Товар ва хизматлар экспорти	фоизда
Ташқи қарз бўйича фоиз тўловлари	Ялпи ички маҳсулот	фоизда
Валюта захиралари	Ташқи қарз	фоизда
Валюта захиралари	Товар ва хизматлар импорти	Ой бўйича (муддат)
Қисқа муддатли ташқи қарз	Ташқи қарз	фоизда
Ташқи қарз имтиёзли ком- поненти	Ташқи қарз	фоизда
Ташқи қарзнинг кўп қир- рали компоненти	Ташқи қарз	фоизда

Манба: World debt tables 1996 vol 9. P. XVI.

Халқаро ташкилотлар томонидан давлат қарзининг барқарор даражаси ишлаб чиқилган бўлса-да, улар ўзаро мувофиқлаштирилган ҳолда мавжуд эмас. Халқаро валюта фонди ва Қарзларни халқаро ҳисобдан чиқариш томонидан қарзнинг турли макро-иқтисодий кўрсаткичларга нисбатан даражалари ишлаб чиқилган ва тавсия этилган (3.2-жадвалга қаранг).

**Қарзнинг минимал даражасига тавсиялар**

Кўрсаткич нисбати	Халқаро валюта фонди	Қарзларни халқаро ҳисобдан чиқариш
Қарзнинг жорий киймати/даромад	25-35 фоиз	28-63 фоиз
Фоиз/даромад	7-10 фоиз	4,6-6,8 фоиз
Қарз/ЯИМ	25-30 фоиз	20-25 фоиз
Қарз/даромад	90-150 фоиз	92-167 фоиз



Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ОЕСД)нинг 79-маърузасида 1990 йилда О.Бланшар томонидан ишлаб чиқилган молявий кўрсаткичларнинг янги мезонлари бўйича тавсиялари давлат қарзини жалб этиш ва уни бошқаришга нисбатан ёндашувларни шакллантиришга ёрдам берди<sup>90</sup>. Одатда давлат қарзини миллий иқтисодиётнинг ялпи қўшилган қийматиغا нисбатан аниқланиши ва баҳоланиши амалга оширилса-да, бошқа макроиқтисодий кўрсаткичларни ҳам инobatга олиш заруратини келтириб чиқарди. Шу нуқтаи назардан, маърузада давлат қарзининг турли кўрсаткичларга нисбатан моҳиятлари очиб берилган. Бошқача айтганда, қарзнинг ЯИМга нисбати турли натижаларни акс эттириб, ҳукумат томонидан қарз юкига нисбатан йиғимларни ишлаб чиқиш имкониятини кўрсатиб беради. Жумладан, куйида уларнинг айримлари билан танишиб чиқамиз.

1. Қарздорлик қолдиғи/давлат бюджети даромадлари – ушбу мезон давлатнинг тўловга қобилиятини аниқлашга ёрдам беради. Ушбу мезон йилларда баҳолашиб қарз қолдиғини тўлаш учун талаб этиладиган муддатни акс эттириб беради.

2. Қарзга хизмат кўрсатиш/давлат бюджети даромадлари – мазкур кўрсаткич давлат ички захираларини ишлатган ҳолда қарзни тўлаш имкониятини баҳолашга шароит яратиб беради.

3. Жорий қиймат/давлат бюджети даромадлари – ушбу индикатор қарзга хизмат кўрсатишнинг жорий қийматини мамлакат тўлов қобилиятига нисбатан баҳолашга имкон беради.

4. Фоизлар/ЯИМ – ушбу мезон орқали қарз фоизларининг давлатга қанчалик юк эканлигини акс эттиради. Шунингдек, мазкур индикатор ноишлаб чиқариш харажатларини мувофиқлаштириш имконини беради.

5. Фоизлар/давлат бюджети даромадлари – ушбу индикатор қарзнинг молявий қийматини солиқ тушумларига нисбатини кўрсатиб беради. Ушбу мезон билан ноишлаб чиқариш харажатлари ўсишига нисбатан бюджет даромадларининг оғиши мумкин бўлган даражасини кўрсатиб беради.

---

<sup>90</sup> Оливье Бланшар «Предложения по новому установлению финансовых показателей», Рабочий доклад ОЭСР № 79. 1990.

Мазкур индикаторлар маълум муддатга бўлган ҳолатни аниқлайди ва шу сабабли динамик ривожланиш тенденциясини мониторинг қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ушбу кузатишлар макроиқтисодий ривожланишни барқарорлаштиришга кўрсаткичлар ўртасида нисбатни мувофиқлаштиришни ўзида акс эттиради. Шу билан бирга, юқорида таъкидлаб ўтилган кўрсаткичлардан ташқари куйидаги нисбатларни ҳам инобатга олиш зарур ҳисобланади:

6. Ташқи қарз/экспорт – ушбу индикатор ташқи қарзнинг экспортдаги улушини кўрсатади. Ушбу нисбат мамлакатга валюта оқимининг қанчалик қарз юқини қоплай олиш даражасини аниқлашга хизмат қилади.

7. Соф хорижий захиралар/ташқи қарз – ушбу индикатор ташқи қарзга нисбатан ташқи захираларнинг улушини ифода беради. Ушбу ҳолатда ташқи қарздорлик захираларининг даврий жамғарилишига нисбатан улушини акс эттириш назарда тутилади. Мазкур мезонни муддат билан ўлчаганда, ташқи қарзни қоплаш учун захира жамғаришнинг неча йил (ой) бўлишини кўрсатиб беради.

8. Амортизация/ташқи қарзни сўндириш – давлат қарзи амортизация даражаси ташқи қарзни тўлашнинг ўзаро нисбатини аниқлашга хизмат қилади. Ушбу коэффициент ўзгарувчан хусусиятга эга бўлиб, мамлакат ўз қарзини қайта молиялаштириш йўли билан қоплашни назарда тутди. Агар ушбу нисбат 1 дан катта бўлса, қарзни қайта молиялаштириш тавсия этилмайди.

Умуман олганда, қарзни бошқариш амалиёти қарз ҳажмига нисбатан таъсир этувчи кўрсаткичлар ўртасидаги ўзаро мутаносибликни аниқ меъёрлар билан белгилашга эришиш ҳисобланади. Тадқиқотларимиз давомида Ўзбекистоннинг ЯИМ, ялпи ташқи қарзи, давлат қарзи, хусусий қарз, давлат бюджети даромадлари ва экспорт ҳажми каби маълумотлардан фойдаланиб халқаро ташкилотлар томонидан тавсия этилган боғлиқликларни аниқлашга ва баҳолашга ҳаракат қиламиз. Бунда, Microsoft Excel дастурининг имкониятларидан фойдаланамиз.

**Ўзбекистон қарзи амалиёти ва унинг иқтисодий  
мезонлардаги ифодаси**

Кўрсаткичлар	Ялпи ташқи қарз	Давлат ташқи қарзи	Хусусий ташқи қарз	ЯИМ	Давлат даромадлари	Экспорт
Ялпи ташқи қарз	1	-	-	0,26	0,11	0,43
Давлат ташқи қарзи	0,58	1	-	0,17	0,02	0,78
Хусусий ташқи қарз	0,38	-	1	0,11	0,09	0,11
ЯИМ	-	-	-	1	-	-
Давлат даромадлари	-	-	-	0,91	1	-
Экспорт	-	-	-	0,13	0,00	1

Microsoft Excel дастури ёрдамида “Регрессия” таҳлилини амалга ошириш натижасида айрим макроиқтисодий боғлиқликларни аниқлашга имкон берди. Мазкур кўрсаткичларда барчасининг қиймати млн. АҚШ долларига ўтказиб олинди ва сўнгра ҳисоблашлар амалга оширилди (3.1-жадвалга қаранг).

Унга кўра, ялпи ички маҳсулотнинг яратилишида давлат бюджетининг даромадлари муҳим ўрин тутаётганлигини кузатиш мумкин. Улар ўртасидаги боғлиқлик энг кучли даражани ифодалаб,  $R^2 = 0,91$  га тенг бўлмоқда. Шунингдек, улар ўртасидаги функционал боғлиқлик куйидагича кўринишга эга:

$$\text{ЯИМ} = 5,48 \times D_d + 640,3 \quad (3.1)$$

ЯИМ – ялпи ички маҳсулот;

$D_d$  – давлат даромадлари.

Давлат бюджети даромадлари (солиқлар, солиқсиз тўловлар) тўғридан-тўғри янги қиймат яратилишига шарт-шароит яратмоқда. Бир бирлик даромад 640 бирлик янги қийматни яратишга имконият бераётганлигини қайд этиш лозим. (3.1-формулага қаранг).

Иқтисодиётда давлат улушининг кўп эканлиги давлат қарзининг экспортга қўшадиган ҳиссасидан ҳам маълум бўлмоқда. Улар ўртасида боғлиқлик кучли бўлмаса-да, қолганларга нисбатан катта

бўлмоқда. Улар ўртасидаги боғлиқликни қуйидаги (3.2) формуладан аниқлаш мумкин:

$$\text{Экспорт} = 0,39 \times D_{\text{тк}} + 7361,7 \quad (3.2)$$

$D_{\text{тк}}$  – давлат ташқи қарзи.

Давлат ташқи қарзининг ошиши экспорт қийматининг ҳам ошиши билан бевосита боғлиқ эканлигини таҳлиллар кўрсатмоқда. Бизнингча, ушбу ҳолатда экспортнинг ортиши асосан, табиий ресурслар ва олтин билан боғлиқ ҳолда юзага келишида ўз аксини топиши мумкин. Сабаби, ташқи қарзга хизмат кўрсатишда (асосий ва физ тўловларини тўлаш назарда тутилмоқда) давлат ўзининг захираларини сотиши мумкинлигидан далолат беради.

Бошқача айтганда, давлат ташқи қарзи ЯИМ ( $R^2=0,17$ ) ва давлат даромадлари ( $R^2=0,02$ ) яратилишида деярли таъсир кўрсатмаётганлиги ҳам экспортга тайёр маҳсулотларнинг чиқарилиши сезиларли эмаслигидан далолат беради.

Ўзбекистонда ялпи ташқи қарз ҳажмининг шаклланишида давлат қарзининг улуши хусусий қарзга нисбатан сезиларли катта эканлигини таъкидлаш лозим. Ялпи ташқи қарзнинг шаклланишида давлат қарзига боғлиқ бўлаётганлиги намоён бўлмоқда. Жумладан, 2019 йилдаги 24,4 млрд АҚШ доллари ялпи ташқи қарзнинг 15,8 млрд. АҚШ доллари (65 фоизи) давлат қарзи эканлиги ҳам шуни кўрсатмоқда.

Умунан олганда, ялпи ташқи қарзнинг давлат (3.3) ва ва хусусий (3.4) қарзга боғлиқликларини кўриб ўтишимиз мумкин:

$$TK_{\text{я}} = 1,41 \times TK_{\text{д}} + 2932,8 \quad (3.3),$$

$$TK_{\text{я}} = 6,96 \times TK_{\text{х}} - 38935,8 \quad (3.4)$$

$TK_{\text{я}}$  – ялпи ташқи қарз;

$TK_{\text{д}}$  – давлат ташқи қарзи;

$TK_{\text{х}}$  – хусусий ташқи қарз.

3- ва 4-формулардан маълум бўлмоқдаки, хусусий ташқи ялпи ташқи қарз билан тесқари пропорционаликда ривожланмоқда. Аксинча, давлат ташқи қарзи эса, ялпи ҳолатга фаол таъсир этаётганлигини қайд этиш мумкин. Хулоса қилиб айтганда, мамлакатнинг

жами ташқи қарзида давлатнинг улуши юқори бўлиб, хусусий қарзга нисбатан икки баробар ҳажмда шаклланишига шароит юзага келмоқда.

Олиб борилган тадқиқотлар асосида куйидаги хулосаларни айтиш мумкин:

– Ўзбекистонда ташқи қарзни бошқаришда халқаро ташкилотлар, Бирлашган миллатлар ташкилоти, Жаҳон банки ва Халқаро валюта фонди кабилар томонидан берилган тавсияларни инобатга олиш;

– миллий иқтисодиётда ташқи қарзни қиймат яратадиган тармоқларга йўналтириш;

– миллий иқтисодиётда давлатнинг улушини жадал суръатлар билан камайтиришга эътибор қаратиш;

– ташқи қарз ва ялпи ички маҳсулот, давлат даромадлари ва экспорт ўртасидаги ижобий боғлиқларни янада кучайтириш, мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

### **3.2. Ўзбекистонда давлат қарзини бошқариш тизимини такомиллаштириш**

Ўзбекистонда давлат қарзи охириги йилларда сезиларли ўзгаришларга юз тутди. Иқтисодий ислохотларни амалга ошириш асносида давлат қарзига бўлган замонавий ёндашувлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистоннинг мустақил тарихида илк бора еврооблигацияларнинг муомалага чиқарилиши ва шу орқали хорижий маблағларни жалб этишга эришилди. Жаҳон амалиётидан маълумки, давлат қарзи жалб этилишининг асосий омили иқтисодиётнинг молиявий ресурсларга бўлган талабини қондириш, жумладан, ҳукуматнинг кафолатини амалда кўрсатишдир. Давлат қарзи ҳукумат кафолати асосида маблағ жалб этилиши билан нафақат иқтисодиёт қўллаб-қувватланади, балки давлатнинг бош ислохотчилиги ўзининг аксини топади. Давлат қарзини бошқаришдаги асосий омил – бу уни қиймат яратадиган тармоққа жойлаштириш ва истъомolni оширишдан иборат бўлиб, тўғридан-тўғри истъомолга йўналтирилиши мақсадга мувофиқ бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Жорий йилда давлат ташқи қарзининг юқори чегарасини белгиладик. Бундан буён халқаро молия ташкилотларидан олинадиган маблағларни қайтариш имконияти ва уларнинг натижадорлигига жиддий эътибор қаратилади” деб қайд этиб ўтди. Ушбу фикрлар заминида қарз маблағларини айнан самарали бошқариш учун янги қиймат занжирини яратишга йўналтирилиши назарда тутилмоқда.

Давлат қарзини самарали бошқаришда бюджет дефицитини қоплаш ва давлат дастурларини ижро этишни молиялаштириш каби ҳолатларда олдиндан пухта ўйлаб ишлаб чиқилган стратегиялардан фойдаланиш мумкин бўлади. Бунда давлат қарзининг меъёрий ва муддат билан боғлиқ мезонлари бўйича бошқариш имконияти мавжуд бўлади. Лекин иқтисодиётда олдиндан аниқлаш ва баҳолаш имконияти мавжуд бўлмаган ҳолатлар ҳам борки, унинг натижасида фавқулодда қарорлар қабул қилиш зарурати туғилади. Масалан, мамлакатда табиий офатларнинг рўй бериши, ҳарбий ҳаракатларнинг бошланиши ёки эпидемик ҳолатларнинг юз бериши давлат қарзига фавқулодда эҳтиёжни юзага келтиради. Ушбу ҳолат эса давлат қарзининг олдиндан пухта ишлаб чиқилган қарз стратегиясига жиддий таъсир кўрсатади. Бу каби ҳолатларда давлатлар халқаро ва маҳаллий даражада белгиланган қарз бўйича тавсияларни ҳам четлаб ўтишга мажбур бўладилар. Масалан, давлат қарз жалб этишда ўз қонунларида белгиланган мезонларга риоя этишга имкон бўлмаслик ҳолатлари кузатилиши мумкин.

Япония давлат қарзи ЯИМга нисбатан 2 баробардан кўп бўлган жаҳондаги ягона давлат бўлиб, умумий ҳажм бўйича иккинчи қарздор мамлакат ҳисобланади. Япония тажрибасида кўриш мумкинки, ушбу мамлакатда ер силкинишлари тез-тез кузатилиб туради. Бу эса давлатнинг зиммасидаги вазифаларнинг фавқулодда кўпайишига ўзининг таъсирини ўтказмай қолмайди. Масалан, тадқиқотчи М.Ниёзовнинг фикрича<sup>91</sup>, 2011 йилда Фукусима атом станциясидаги авария натижалари мамлакат

<sup>91</sup> Ниёзов М.А., Нишонова Д.Б. Жаҳон мамлакатларининг қарзи: замонавий жиҳатлари, рейтинг ва Хитой қарз ўпқони//Иқтисод ва молия журнали. – Т.: 2017. - №6. – Б.60-65.

иктисодиётига кучли салбий таъсир кўрсатди. Ҳукумат ушбу авария оқибатларини бартараф этиш учун қарзни кўпайтиришга мажбур бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, давлат қарзини бошқаришда прогноз жараёнларини ишлаб чиқиш юқори таҳлилий тажриба ва макроиктисодий (глобал иқтисодий) баҳолашни инобатга олишни такозо қилар экан. Шу боисдан, давлат қарзини бошқариш ва уни таҳлил этишда минимал-максимал мезонларнинг сузиб юрувчи индикаторларини ишлаб чиқиш, биринчидан, меъёрларнинг бузилишининг олдини олса, иккинчидан, қонунчиликка риоя этишга имкон беради, учинчидан, макроиктисодий барқарорликни таъминлаш оралиғини яратишга ёрдам бериши мумкин.

Ўзбекистонда давлат қарзини бошқаришда илк маротаба 2019 йилда Ўзбекистон Республикасининг 589-сонли қонуни қабул қилиниши билан ҳуқуқий асослар яратилди. Унга кўра, ташқи қарзни жалб этишда қатъий белгиланган миқдорни кўриш мумкин. Унга биноан, 2020 йилда 4 млрд. АҚШ доллари ҳажмида маблағлар жалб этилиши назарда тутилган. Давлат қарзига нисбатан қўйилган ушбу меъёр доимий барқарорликни сақлаб туришга тўлиқ имкон бермайди. Сабаби, иқтисодиётдаги прогнозлар ҳам доим ўзини оқлаши кузатилмаган. Масалан, мазкур 589-сонли қонуннинг 2-иловасида 2020-2021 йилларда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши мос равишда 5,5 ва 5,8 фоиз бўлиши режалаштирилган эди. Мазкур прогнозни ишлаб чиқишда иқтисодий инқирозларнинг юз бериши инобатга олиниши мураккаб ҳолат ҳисобланган. Шу боисдан, 2020 йил биринчи чорагидан бошлаб жаҳон иқтисодиётида COVID-19 (коронавирус касаллиги) юзага келиши билан иқтисодий инқирознинг юзага келиши бошланди.

2020 йилда қарз инқирозидан ўзгача тусга эга бўлган, бошланишидан иқтисодий хусусият касб этмаган инқироз омили – бу пандемия эканлигини кузатишга тўғри келмоқда. Натижада, иқтисодий қулашларнинг юз бериши бўйича айрим сигналлар вужудга келмоқда. Булардан асосийси “иқтисодий таътил”ларнинг юз беришидир. Бошқача айтганда, ялпи истеъмолнинг тушиб кетиши ва ялпи тақлифнинг тўхталиши билан бевосита боғлиқдир.

Мазкур иқтисодий инқирознинг энг асосий белгиси сифатида – иқтисодий ҳаракатсизликни келтириш мумкин. Бу шароитда, давлатларнинг энг асосий вазифаси - минимал иқтисодий ҳаракатни таъминлаб туришдан иборат бўлиши лозим<sup>92</sup>.

Шунингдек, Осиё тараққиёт банки ҳам Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг пасайиши кузатилиб, 2020-2021 йилларда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 4,7 ва 5,8 фоизни ташкил этади деган, хулосаларни эълон қилди<sup>93</sup>. Хулоса қилиб айтганда, қатъий равишда давлат қарзи суммасини белгилаш тўлиқ макроиқтисодий барқарорликка имкон бермаслиги мумкин экан.

Фикримизча, ялпи ички маҳсулотнинг пасайиши шароитида қатъий белгиланган давлат қарзи суммаси бошқа макроиқтисодий кўрсаткичларга нисбатан улуши ошиши кузатилишига шароит яратилиши мумкин. Шу боисдан, ЯИМга нисбатан фоизларда белгиланиши иқтисодий пасайиш даврида давлат қарзи ҳажмини ҳам уйғун тарзда пасайтиришга имкон беради. Иккинчидан, ушбу усулнинг амалиётга жорий этилиши иқтисодий ўсиш кутилганидан кўра юқорирок бўлган тақдирда давлат қарзини ҳам оширишга имкон туғилади.

Хулоса қилиб айтганда, давлат қарзини молия йили мобайнида жалб этиш чегарасини макроиқтисодий, жумладан, ЯИМга нисбатан фоизларда белгиланишини амалиётга жорий этиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистонда 20 фоизга яқин ташқи қарз маблағлари ўрта-узоқ муддатли даврга олинган бўлиб, уларнинг ярмидан кўпроқ қисмини дастлабки беш йилликда қайтариш заруратини кўрсатиб турибди. Ташқи йирик  $\frac{3}{4}$  дан ортиқ қисми узоқ муддатли даврда қайтарилиш заруратини келтириб чиқаради. Мазкур ҳолат истикболдаги ЯИМ ҳажмининг ўсиш имконияти мавжудлигидан ушбу кўрсаткичнинг иқтисодий барқарорликка жиддий таъсир этмаслигига шарт-шароит яратиши мумкин (3.4-жадвалга қаранг).

<sup>92</sup> Жумаев Н., Раҳмонов Д. Жаҳон иқтисодиётининг янги инқироzi – иқтисодий ҳаракатсизлик. Электрон манба: <https://review.uz/oz/exg>. Мурожаат санаси 06.04-2020.

<sup>93</sup> Осиё тараққиёт банки маълумотлари. Онлайн манба: <https://www.adb.org/countries/uzbekistan/main> Мурожаат санаси 06.04-2020.



**Ўзбекистонда жалб қилиш муддатлари бўйича ташқи қарзнинг таснифланиши<sup>94</sup>, 2020 йил 1 январь ҳолатига**

<b>Муддат</b>	<b>Қарздорлик суммаси, млн. АҚШ доллари</b>	<b>Салмоғи, фоизда</b>
1 йилгача	567,2	2,3
1 йилдан 5 йилгача	2731,3	11,2
5 йилдан 10 йилгача	1963,5	8,1
10 йилдан ортиқ	19106,5	78,4
<b>Жами</b>	<b>24368,5</b>	<b>100</b>

Ўзбекистон Республикасининг давлат қарзи амалиётида давлат томонидан маблағлар жалб этиш Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекснинг 152-моддасида белгиланган бўлиб, унга кўра “Давлат томонидан маблағ жалб қилиш ички ва хориждан маблағ жалб қилишдан иборат” деб белгиланган. Шунингдек, ички қарз олиш фақатгина резидентлардан жалб этиш ёхуд резидентларнинг қарзларига кафил бўлиш ҳам ички қарз сифатида акс эттирилиши назарда тутилган. Ташқи қарз эса худди шу мазмунда халқаро иқтисодий муносабатларда юзага келиши билан ифодаланади.

Бундан ташқари, Кодекснинг мазкур моддасида давлат қарзининг муддатлари бўйича турлари ҳам келтирилган бўлиб, унда қуйидагича тизимлаштирилган: Қарз мажбуриятлари қисқа муддатли (бир йилгача бўлган муддатга), ўрта муддатли (бир йилдан беш йилгача муддатга) ва узоқ муддатли (беш йил ва ундан ортиқ муддатга) бўлиши мумкин.

Фикримизча, муддат нуктаи назаридан шаклларга ажратилиши уни бошқаришга нисбатан ёндашувни шакллантириб бериши лозим. Хусусан, жорий, оралик ва умумий қарзлар. Тадқиқотлар асосида қарз муддатларини тизимлаштиришнинг ушбу категорияси давлат қарзини бошқаришга чуқурроқ ёндашишга имкон беради. Уларни қуйидагича изоҳлаш мумкин:

Жорий қарзлар – тўлаш муддати келган ва тўловни кечиктириш имкони назарда тутилмаган молиявий мажбурият шакли ҳисобланади. Бунда ҳисобот даврида давлат қарзининг тўланиши

<sup>94</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, 2020 йил март. 2019 йил учун Ўзбекистон Республикасининг тўлов баланси, халқаро инвестицион позицияси ва ташқи қарзи. 40-бет.

шарт этиб белгиланган ва унинг кечиктирилиши пеня келтириб чиқарувчи ҳолатларни акс эттиради.

Оралиқ қарзлар – тўлаш муддати келмаган, лекин мазкур ҳисобот даврида тўлов муддати бошланган молиявий мажбуриятларга айтилади. Бунда қарзни тўлашнинг охириги муддатига қадар маълум вақт борлигини ўзида ифодалайди. Мазкур қарзлар жорий қарзга айлангунга қадар иқтисодий салбий оқибатларга олиб келмайди.

Умумий қарзлар – давлат томонидан жалб этилган барча молиявий мажбуриятлар бўлиб, уларни тўлаш муддати бошланмаган категория сифатида акс этади. Бунга асосан узоқ муддатли давлат қарзларини киритиш мумкин.

Шу билан бирга ушбу ҳужжатнинг 155-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг давлат кафолатлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра берилади” деб белгиланган.


Бизнингча, давлат кафолатларини беришда иккинчи ҳолат сифатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг эмас, балки Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси (ёки палаталаридан бири)нинг қарори билан берилиши мумкин, деган қонидани киритиш мақсадга мувофиқ. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан давлат қарзининг максимал чегарасини белгилаш орқали Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига мустақил маблағ жалб этиш ваколати берилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

2020 йил 1 январь ҳолатига кўра, давлатнинг ташқи ва ички қарзлари динамикасига эътибор қаратсак, ички қарзларнинг улуши анча кам эканлиги маълум бўлади. Масалан, ушбу даврда давлат ташқи қарзи 15,8 млрд., ички қарзлар 5,6 млрд. АҚШ долларини ташкил этмоқда. Шундан  $\frac{1}{4}$  қисми ички қарзлар улушига тўғри келмоқда.

Фикримизча, давлат қарзини шакллантиришда ташқи ва ички манбаларнинг ўзаро нисбатларига аниқлик киритиш, ички манбаларга устуворлик бериш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Биринчидан, мамлакатда валюта курси билан боғлиқ бўлган рискларнинг юзага келишини олдини олади. Иккинчидан, жаҳон иқтисодиётидаги геосиёсий таъсирнинг оқибатларини юмшатишга имкон

беради. Учинчидан, ташқи манбалар томонидан турли хил шартларнинг юзага келишини баратараф этишга ёрдам беради.

Бу борада, проф. А.Бурханов ўзининг илмий хулосаларини келтириб ўтади. Давлат қарзининг ЯИМга нисбатан 60 фоиз ва мос равишда ташқи ва ички қарзлар 30 фоиздан бўлишини тавсия этади<sup>95</sup>.



**3.2-расм. Давлат қарзининг валюта таркиби.**

Шу билан бирга, давлат қарзи таркибини манбалар ва валюта кесимида ҳам диверсификация қилиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Масалан, 2019 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, Ўзбекистон Республикаси давлат ташқи қарзи портфели валюта таркибининг 60,1 фоизи АҚШ доллари, 13,5 фоизи япон иенаси, 10,9 фоизи SDR (махсус қарз олиш ҳуқуқлари), 5,3 фоизи евро, 10,2 фоизи бошқа валюталардаги ташқи қарз ҳиссасига тўғри келади (3.2-расмга қаранг).

Масалан, 2020 йил Россия молия вазирлиги “Миллий барқарорлик фонди”нинг капитали таркибига юанни ҳам жойлаштиришни бошлашини эълон қилди. Ҳозирги кунда ушбу фонднинг асосий қисмини АҚШ доллари ва евро ташкил этади. 2020 йил 1 март ҳолатига кўра, ЯИМнинг 7,3 фоизини ташкил қиладиган фонд

<sup>95</sup> Бурханов А.У. Мамлакат молиявий хавфсизлигининг моҳияти ва уни таъминлашнинг айрим долзарб масалалари// “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 4-5, август-октябрь, 2018 йил

валюта таркибини янада диверсификация қилиш орқали санкциялар ва геосиёсий вазиятда иктисодиётни инкирозли ҳолатлардан ҳимоя қилишда муҳим чора бўлиши таъкидланмоқда. Жумладан, юаннинг улушини 15-20 фоиз, долларнинг улушини эса 20-25 фоиз атрофида бўлишига эришиш назарда тутилмоқда<sup>96</sup>.

Ўзбекистонда давлат қарзининг таркибида АҚШ долларининг юқори салмоққа эга эканлиги доллар билан боғлиқ рискларнинг таъсирини юқори даражада сақлаб қолинишига олиб келиши мумкин.

Шунингдек, Ўзбекистонда маҳаллий органлар томонидан ҳам маблағлар жалб этилишига кенг имкониятлар бериш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу билан, давлат ва ҳукумат қарзини ажратишга бўлган эҳтиёж юзага келади. Натижада давлат қарзи таркибига қуйидагиларни киритиш бошқариш самарадорлигини оширади:

– ҳукумат қарзи – маҳаллий ва марказий ҳокимият органлари томонидан ташқи ва ички манбалар орқали жалб этилган ресурслар йиғиндисидан иборат бўлади;

– давлат улуши бўлган тармоқлар ва ташкилотлар томонидан жалб этилган ташқи ва ички қарзлар йиғиндисидан иборат бўлади.

Ўз навбатида, Ўзбекистоннинг қарзи деган категорияга ҳам аниқлик киритиш зарур бўлади. Ушбу кўрсаткич давлат ва хусусий сектордаги жами қарзларнинг (ички ва ташқи мос равишда) йиғиндисидан иборатлигининг ҳуқуқий асосларини яратиш лозим бўлади.

Навбатдаги вазифалардан бири – бу молия бозорлари орқали қарз маблағларини жалб этишни такомиллаштириш ҳисобланади. Ушбу тармоқ орқали маблағ жалб этишнинг кичик миқдорларда қолаётганлиги билан масаланинг долзарблиги аён бўлади. Масалан, давлат ташқи қарзида еврооблигацияларнинг улуши 5-6 фоиз атрофида бўлса, ички қарзда давлат облигацияларнинг улуши 3 фоиз атрофида бўлмоқда. Натижада фонд бозорлари орқали маблағлар жалб этишнинг юқори аҳамиятли бўлиши таъминланмаяпти.

Давлат облигациялари таркибида қисқа муддатли хусусиятга эга бўлган маблағларнинг улуши жуда юқори эканлигини қайд этиш лозим. Жумладан, 1 йилгача ва 1 йиллик бўлган облигацияларнинг

<sup>96</sup> Жумаев Н., Раҳмонов Д. Жаҳон иктисодиётининг янги инкирози – иктисодий ҳаракатсизлик. Электрон манба: <https://review.uz/oz/exg>. Мурожаат санаси 06.04-2020.

улуши 63 фоизни ташкил этмоқда. Мазкур кўрсаткичдан хулоса қилинганда, бу юқори иқтисодий барқарорликни таъминлашга тўлиқ имконият бермайди (3.3-расмга қаранг).



**3.3-расм. Давлат қимматли қоғозларининг сўндириш муддати бўйича таркиби<sup>97</sup>, фоизда.**

Иқтисодиётнинг стратегик йўналишларида инвестицион лойиҳалар узоқ муддатли давр билан амалга оширилиши ва мос равишда маблағлар ҳам узоқ муддатга талаб этилиши маълум. Мамлакатимиз амалиётида қисқа муддатли даврга мўлжаллаб маблағлар жалб этиш тенденцияси узоқ муддатга мўлжалланган марказлашган инвестицион фаолиятларни молиялаштиришни қимматлаштиради. Сабаби, қисқа муддатли даврда биринчидан, фоизлар юқори бўлади, иккинчидан, қисқа муддатда қайтарилиши солиқ юқини оширишга сабаб бўлади. Шу нуктаи назардан, давлат ички манбалар – облигациялар орқали маблағлар жалб этганда узоқ муддатли амалиётларга эътиборни кучайтириш лозим бўлади.

Шу билан бирга, Ўзбекистонда давлат қисқа муддатли облигациялари амалиётидан бошқа молиявий инструментларда фойдаланиши кузатилмаяпти. Бу эса ўрта ва узоқ муддатли облигацияларни ҳам амалиётга жорий қилишда муҳим ҳисобланиб, уни қуйидагича бўлишини тавсия этамиз:

3 йилгача бўлган муддатда – давлат қисқа муддатли облигациялари сифатида;

<sup>97</sup> Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги, 2019 йил. Ўзбекистон Республикасининг Давлат қарзи ҳолати ва динамикаси шарҳи 2019 йилнинг III чораги. 14-бет.

3 йилдан 10 йилгача бўлган муддатда – давлат ўрта муддатли облигациялари сифатида;

10 йилдан юқори бўлган муддатда – давлат узоқ муддатли облигациялари сифатида жорий этиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Бизнингча, қисқа муддатли облигациялардан тезкор тадбирларни молиялаштиришни назарда тутган ҳолда фойдаланиш, ижтимоий соҳа харажатларини, марказлашган инвестицияларни молиялаштиришда ўрта ва узоқ муддатли облигациялардан фойдаланишни манфаатли деб ўйлаймиз.

Бундан ташқари, халқаро фонд бозорларидан ҳам маблағлар жалб этилганда, облигацияларнинг шаклларига аниқликлар киритиш зарур. Жумладан, халқаро миқёсдаги облигацияларни куйидаги тартибда фарқлантириш:

Еврооблигациялар – Ўзбекистондан ташқарида халқаро фонд бозори жойлашган мамлакатнинг миллий валютасидан ташқари валюта(лар)да облигацияларни эмиссия қилинган шакли сифатида белгилаш. Натижада, ушбу мамлакатдан ташқаридаги инвесторларни ҳам савдоларда иштирок этиши учун шароитлар яратиш;

Хорижий облигациялар - Ўзбекистондан ташқарида халқаро фонд бозори жойлашган мамлакатнинг миллий валютасида облигацияларни эмиссия қилинган шакли сифатида белгилаш. Натижада фақатгина ушбу мамлакатнинг резидентлари учун савдоларни ташкил этишга шарт-шароитлар яратиш.

Мазкур халқаро облигацияларга ҳам муддатларига нисбатан қонунчилик билан аниқ шаклларни киритиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

### **Учинчи боб бўйича хулосалар**

Монографиямизнинг учинчи бобида олиб борилган тадқиқотлар асосида куйидаги илмий хулосаларни шакллантиришга муваффақ бўлдик:

1. Олиб борилган тадқиқотлар асосида куйидаги хулосаларни айтиш мумкин:

– Ўзбекистонда ташқи қарзни бошқаришда халқаро ташкилотлар, Бирлашган миллатлар ташкилоти, Жаҳон банки ва

Халқаро валюта фонди кабилар томонидан берилган тавсияларни инобатга олиш;

– миллий иқтисодиётда ташқи қарзни қиймат яратадиган тармоқларга йўналтириш;

– миллий иқтисодиётда давлатнинг улушини жадал суръатлар билан камайтиришга эътибор қаратиш;

– ташқи қарз ва ялпи ички маҳсулот, давлат даромадлари ва экспорт ўртасидаги ижобий боғлиқларни янада кучайтириш, мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

2. Фикримизча, ялпи ички маҳсулотнинг пасайиши шароитида қатъий белгиланган давлат қарзи суммаси бошқа макроиқтисодий кўрсаткичларга нисбатан улуши ошиши кузатилишига шароит яратилиши мумкин. Шу боисдан, ЯИМга нисбатан фоизларда белгиланиши иқтисодий пасайиш даврида давлат қарзи ҳажмини ҳам уйғун тарзда пасайтиришга имкон беради.

3. Фикримизча, давлат қарзини шакллантиришда ташқи ва ички манбаларнинг ўзаро нисбатларига аниқлик киритиш, ички манбаларга устуворлик бериш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Биринчидан, мамлакатда валюта курси билан боғлиқ бўлган рискларнинг юзага келишининг олдини олади. Иккинчидан, жаҳон иқтисодиётидаги геосиёсий таъсирнинг оқибатларини юмшатишга имкон беради. Учинчидан, ташқи манбалар томонидан, турли хил шартларнинг юзага келишини баратараф этишга ёрдам беради.

4. Ўзбекистонда давлат қисқа муддатли облигациялари амалиётидан бошқа молиявий инструментларда фойдаланиш кузатилмаяпти. Бу эса ўрта ва узоқ муддатли облигацияларни ҳам амалиётга жорий қилишда муҳим ҳисобланиб, уни куйидагича бўлишини тавсия этамиз:

– 3 йилгача бўлган муддатда – давлат қисқа муддатли облигациялари сифатида;

– 3 йилдан 10 йилгача бўлган муддатда – давлат ўрта муддатли облигациялари сифатида;

– 10 йилдан юқори бўлган муддатда – давлат узоқ муддатли облигациялари сифатида жорий этиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

5. Бундан ташқари, халқаро фонд бозорларидан ҳам маблағлар жалб этилганда, облигацияларнинг шаклларига аниқлик киритиш зарур. Жумладан, халқаро миқёсдаги облигацияларни куйидаги тартибда фарқлантириш:

– Еврооблигациялар – Ўзбекистондан ташқарида халқаро фонд бозори жойлашган мамлакатнинг миллий валютасидан ташқари валюта(лар)да облигацияларни эмиссия қилинган шакли сифатида белгилаш. Натижада ушбу мамлакатдан ташқаридаги инвесторларни ҳам савдоларда иштирок этиши учун шароитлар яратиш;

– Хорижий облигациялар - Ўзбекистондан ташқарида халқаро фонд бозори жойлашган мамлакатнинг миллий валютасида облигацияларни эмиссия қилинган шакли сифатида белгилаш. Натижада, фақатгина ушбу мамлакатнинг резидентлари учун савдоларни ташкил этишга шарт-шароитлар яратиш.



## IV БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

### 4.1. Ўзбекистонда глобаллашув ва Жаҳон савдо ташкilotи билан муносабатлар

Муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида “... нима учун бизга иқтисодий интеграция керак! Бизнинг ташқи савдога чиқадиган юқларимизнинг 80 фоизи Қозоғистон, Қирғизистон ва Россиянинг транзит йўлаклари орқали ўтади. Шунингдек, тайёр маҳсулотларимиз экспортнинг 50 фоизи, айрим товарлар бўйича эса 80 фоизи Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ҳиссасига тўғри келади. Ана шу омилларни инобатга олиб ҳамда Россия ва Қозоғистонга ишлаш учун борган фуқароларимизга қулай шарт-шароит яратиш мақсадида бугунги кунда Ўзбекистоннинг Евросиё иқтисодий иттифоқи билан ҳамкорлик қилиш масалалари ўрганилмоқда. Биз, албатта, ушбу жиддий масалада, энг аввало, халқимизнинг манфаатларидан келиб чиқиб, унинг хоҳиш-иродасига таянамиз. Шунинг учун халқ вакиллари бўлган депутат ва сенаторларимиз парламент палаталарида мазкур масалани атрофлича муҳокама қилиб, ўз зиммаларига масъулиятни олган ҳолда, асосланган хулосаларини айтишлари керак”, деб таъкидлаб ўтган эдилар.

Дарҳақиқат, глобаллашувнинг зарурати мамлакатимиз ташқи савдосида ҳамкор давлатларнинг аҳамияти ва интеграциянинг заруратини ўзида акс эттирмоқда. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон иқтисодиётининг ўсиш суръатларини мустаҳкамлаш, савдо муносабатларини эркинлаштириш билан бирга капитал ва ишчи кучи ҳаракатини соддалаштирилишида интеграцион жараёнларнинг роли ўзининг долзарблигини кўрсатмоқда.

Сўнги вақтларда Жаҳон Савдо Ташкilotи (ЖСТ), ЕвроОсиё иқтисодий иттифоқи (ЕОИИ) ҳақида, унга мамлакатимизнинг кўшилиш кўшилмаслик масалалари, умуман олганда, халқаро иқтисодий интеграцияларнинг фойда ва зарарлари хусусида

турлича қарашлар пайдо бўлди. Таъкидлаш лозимки, жаҳон иқтисодиётида рўй бераётган глобаллашув ва сўнгги кузатувлар асосида шундай хулосага келиш мумкинки, халқаро савдо, молия, капитал ва кредитлар ҳамда ахборот оқими, шунингдек, интеграциялашган бозорларнинг кенгайиши ва тобора чуқурлаши юз бермоқда.

Иқтисодий глобаллашув – бу тарихий жараён бўлиб, инсон кашфиётлари ва технологик тараққиётнинг натижасидир. У жаҳон иқтисодиётида интеграциялашув жараёнларининг жадаллик билан ўсиб боришини (хусусан, савдо ва капитал оқимлари орқали) англатади. Бу тушунча баъзан инсонлар (ишчи кучи) ва илм-фаннинг (технология) халқаро ҳудудлар бўйлаб ҳаракатини ифодалашда ҳам ишлатилади. Бундан ташқари, глобаллашув тушунчаси кенг маданий, сиёсий ва иқтисодий ҳолат билан боғлиқ ўлчовларни ҳам қамраб олади. Бу тушунчанинг ишлатилиши ХХ асрнинг 80- йилларида оммавий тус олган бўлиб, у ўзида халқаро ўтказмаларни амалга оширишни соддалаштирувчи ва тезлаштирувчи технологик имкониятларни акс эттирган. У инсон иқтисодий фаолиятининг турли даражаларида асрлар давомида амал қилиб келган ўша бозор кучларининг<sup>98</sup> миллий чегараларини эътиборга олмай узлуксиз кенгайишини англатади.

Бозорлар рақобат ва ишчи кучининг ихтисослашуви орқали самарадорликни рағбатлантиради, яъни инсоният имкон қадар самарадорликка интилади. Глобал бозорлар инсониятга жаҳон бўйлаб кўпроқ ва каттароқ бозорлардан фойдаланиш борасида кенгроқ имкониятларни тақдим этади. Бу шуни англатадики, улар янада кўпроқ капитал оқими, технология, арзон импорт ва йирик экспорт бозорларига кириш имкониятига эга бўладилар. Лекин бозорлар самарадорликнинг ошишидан кўриладиган манфаатларни барча учун тенг тақсимланишини кафолатлай олмайди.

Глобаллашув кечагина содир бўлган воқелик эмас. Баъзи таҳлилчилар жаҳон иқтисодиёти 100 йиллар олдин ҳам бугунги кундагидек глобаллашганлигини эътироф этадилар. XIX аср охирларига келиб, миллий даромад таркибидаги ташқи савдо

<sup>98</sup> Бозор кучи деганда талаб-таклиф, пул муомаласи қонуни, рақобат, қиймат қонуни, баҳо механизми каби категориялар назарда тутилган. *Изоҳ муаллифларники.*

оқимининг улуши деярли бугунги кундагидек эди, зеро, капитал, трансферлар нисбатан йирикрок, инсонларнинг кўчиб ўтиши даражаси иммиграцияга тўсиқларнинг мавжудлигига қарамай бугунги кунга нисбатан юқорироқ бўлган. Лекин шуни тан олишимиз керакки, бугунги кунда тижорат ва молиявий хизматлар аввалги даврдагига нисбатан анча тараққий этган ва чуқур интеграциялашган.

Жаҳон иқтисодиётидаги глобаллашув жараёнининг ҳозирги босқичининг асосий фаркли хусусияти замонавий электрон коммуникациялари туфайли молия бозорларининг янада интеграциялашганлигидир. Глобаллашув XX асрнинг охириги ўн йиллигида ҳукмрон кучга айланди ва ўзига хос янги хусусиятлар касб этди:

- янги бозорлар (яъни замонавий воситалар билан тинимсиз ишловчи ўзаро боғланган молия бозорлари, глобал истеъмол моллари бозорлари, электрон-тижорат ва ш.к.);

- янги ўйинчилар (яъни мультимиллий корпорациялар, Жаҳон савдо ташкилоти, ҳудудий блоклар);

- янги қоидалар (яъни савдодаги кўп томонлама келишувлар, инсон ҳуқуқлари ва глобал муҳит бўйича конвенциялар);

- янги алоқа воситалари (яъни телефон, факс, электрон почта).

Бундан ташқари, глобаллашув товарлар ва капиталларнинг ҳаракатидаги объектив ва субъектив тўсиқларнинг олиб ташланиши натижасида давлатлараро алоқаларнинг ривожланиб боришини англатади.

Объектив тўсиқларнинг бекор қилиниши денгиз, ҳаво транспорти ва алоқа харажатларидаги пасайиш тенденцияларида ўз ифодасини топди. Денгиз ва бандаргоҳ харажатлари 1920 ва 1990 йиллар орасида тахминан 60 фоизга қисқарди.<sup>1</sup> Ҳаво транспорти харажатларида янада кескинроқ камайиш кузатилди ва саёҳат вақти ҳам сезиларли даражада қисқарди.

Субъектив, яъни инсониятнинг ўзи ўйлаб топган тўсиқлар (квота ва тарифлар)га ҳам аста-секин барҳам берилмоқда. 1947 йилларда товарлар импортига тарифлар ўртача 47 фоизни

---

<sup>1</sup> Интернет маълумотлари ([www.worldbank.org](http://www.worldbank.org))

ташқил этган бўлса, 1980 йилларга келиб улар 6 фоизга тушиб қолди.<sup>2</sup>

Айни пайтда капитал оқими устидан назорат қилишга барҳам берилмоқда, хусусан, Бреттон Вудс қатъий валюта курси тизимига 1971 йилларда нуқта қўйилгач, етакчи валюталар эркин сузиш режимига ўтди, Япония, Дания, Испания каби етакчи давлатларда капиталларнинг ҳаракати бўйича мавжуд чекловлар тўлиқ бекор қилинди.

Умуман олганда, глобаллашув хусусий секторлар ва ҳукуматларни халқаро рақобатга чорловчи глобал иқтисодий интеграциялашувни технологик ва сиёсий жиҳатдан ҳаракатлантирувчи жараён ҳисобланади.

Бу ерда рақобатнинг турли даражаларини ёки соҳаларини фарқлаш лозим:

- хусусий секторда (микроиқтисодий даражада), глобал иқтисодий интеграция нафақат молиявий, балки товарлар ва меҳнат бозорида ҳам ўз самарасини беради, яъни сотувчи нархларининг (таннарх ва бозор баҳоси ўртасидаги фарқ) пасайишига ҳамда иш ҳақини ортиқча тўлаш оқибатида вужудга келадиган харажатларнинг қисқаришига олиб келади;

- давлат секторида (макроиқтисодий даражада) глобал иқтисодий интеграция янги давлатларнинг (рақобатчилар) глобал бозор иштирокчисига айланиши туфайли жаҳон бозоридаги рақобат кескинлашади.

Шундай қилиб, глобаллашув мамлакатларни макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, хусусан, солиқларни камайтириш, давлат қарзини қисқартириш ва инфляцияни жиловлаш орқали халқаро рақобатбардошликни рағбатлантиришга ундайди.

Хулоса қилиб айтганда, жаҳон иқтисодиётидаги глобаллашув жараёни объектив тарихий жараён бўлиб, ўзининг ижобий ва салбий жиҳатларига эгадир. Унинг ижобий жиҳатларидан халқаро молия бозорлари ва валюта муносабатларини тартибга солиш жараёнида оқилона фойдаланиш капиталлар, валюталар ва товарлар ҳаракати кўламнинг кенгайишига муҳим замин яратади.

---

<sup>2</sup> Интернет маълумотлари ([www.capwig.org](http://www.capwig.org) )

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг глобал иқтисодий интеграциянинг кенгайиши юзага кела бошлади. Халқаро иқтисодиётнинг чуқурлашуви натижасида турли иқтисодий ташкилотларнинг юзага келиши юз берди. Жумладан, Бреттон-Вудс валюта тизимининг вужудга келиш фониди Халқаро валюта фондининг ташкил топиши ҳам бунга мисол бўлади. Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) 1995 йилда ташкил этилган бўлса-да, унинг тарихи бевосита 1947 йилда тузилган “Савдо ва тарифлар бўйича умумий келишув (General Agreement on Tariffs and Trade, GATT)”нинг эволюцияси натижасида вужудга келган. Мазкур келишувнинг асосий мақсади халқаро савдода тўсиқларни бартараф этиш бўлиб, унга кўра нотариф тўсиқларни камайтириш, импорт квоталарини шакллантириш ва савдони субсидиялаш кабиларнинг олдини олишдан иборат бўлган.

Ҳозирги кунда ҳам ЖСТ 1986-1994 йилларда Уругвай раундида қабул қилинган қоидалар ва ГАТТ бўйича меъёрларга амал қилган ҳолда савдоларни ташкил этишни кузатиб келади. Шу боисдан, мамлакатлар ўртасидаги умумий савдо келишуви ва протекционизм бўйича ягона ёндашувга эришилмаган ва бу бўйича Доха раундида (Қатар) музокаралар давом этмоқда. Таъкидлаш керакки, ривожланаётган мамлакатларга савдо имтиёзларини қўллаш ривожланган мамлакатларга нисбатан кўпроқ амал қилади.

ГАТТнинг амал қилиши ва ЖСТнинг ташкил топиши натижасида божхона тарифлари ва нотариф тўсиқларнинг бир неча баробар пасайганлигини қайд этиш лозим. Бу эса мамлакатлар ўртасида халқаро савдони тартибга солиш ва томонларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга ҳамда ривожлантиришга қаратилган жараёнларни ўзида акс эттиради.

Ҳозирги кунда кенг жамоатчилик ва баъзи экспертлар томонидан Ўзбекистоннинг ЕвроОсиё иқтисодий иттифоқига аъзо бўлиб кириши ортидан ЖСТга аъзо бўла олмаслиги ёхуд жараён кийинлашиши мумкинлиги ҳақида асоссиз фикрлар берилмоқда. Бу борада, Ўзбек-америка бизнес форумида ҳам тўхталиб ўтилди. Яъни Ўзбекистоннинг ЕОИИга қўшилиши унинг ЖСТга қўшилиш жараёнини мураккаблаштириши ва маълум бир даражада Россия

томонидан мамлакатимизга сиёсий босимлар пайдо бўлиши мумкинлиги ҳақида асоссиз равишда фикрлар билдириб ўтилди.

Таъкидлаш лозимки, ЖСТ ва ЕОИИ турлича иқтисодий ташкилотлар бўлса-да, улар ўз фаолиятлари натижасида бир-бирларини тўлдириб ўтишларини унутмаслигимиз керак.

Биринчидан, Ўзбекистон ЕОИИга аъзо бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар, бундай қараш нотўғри. Чунки ҳуку–матимиз аҳоли фаровонлиги ва тинчлик-хотиржамлигини таъмин–лашга хизмат қиладиган мавжуд барча халқаро ташкилотлар билан ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатишга ҳаракат қилган. Янги Ўзбекистонни янгича қарашлар, очиклик ва шу каби муҳим демократик тамойиллар асосида қайта кашф этилаётганлиги – унинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциясини кучайтириш йўлидаги зарурий қадамлардан бири сифатида эътироф этиш ўринлидир. Бу жараёнларни сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислохотлардан ва иқтисодиётни бозор қонунлари асосида ривожлантиришга ҳаракат қилинаётганлигидан кўриш мумкин.

Иккинчидан, ЕОИИнинг иқтисодий ташкилот эканлигини таъкидлаш жоиздир. Бу жиҳат ташкилотга аъзо давлатлар суверинететига таъсир этмаслиги, давлатларнинг бири томонидан бошқасига ҳатто иқтисодий тайзиқ ўтказилиши мумкин эмаслиги равшан деб қараш лозим. Бу ташкилотнинг асосий мақсади ўзаро манфаатдорликдан иборат бўлса, шубҳасиз, бу ташкилотга аъзо бўлиш масаласини муҳокама қилиш ўринлидир.

Учинчидан, ЕОИИ аъзолари бўлишлигига қарамасдан, 1998 йилдан (20.12.1998) Қирғизистон, 2003 йилдан (05.02.2003) Арманистон, 2012 йилдан (22.08.2012) Россия ва 2015 йилдан (30.11.2015) Козоғистон Халқаро Савдо ташкилоти (ЖСТ)нинг аъзолигига қабул қилинган. Табиий савол туғилади: Ўзбекистоннинг ЕОИИга аъзо бўлиш–бўлмаслиги ЖСТга аъзо бўлиш–бўлмаслигига нима даҳли бор? Агар бу ташкилотга сиёсий тус беришга уринишлар бўлса, нега ЕОИИ давлатлари билан АҚШ ўртасида икки ёқлама стратегик ҳамкорлик тузилган<sup>99</sup>.

<sup>99</sup> <https://kz.usembassy.gov/ru/us-kz-21st-century-joint-statement-ru/>

Фикримизча, ЕОИИга аъзолик масаласини таҳлил қилишимиз билан бирга, параллел равишда ЖСТга аъзоликка қўйилаётган муҳим қадам сифатида баҳолашимиз мумкин. Чунки миллий товар-маҳсулотларимизни ЕОИИ ҳудуди бўйлаб эркин сота олишимиз имкони пайдо бўлиши ва юртимизга аъзо мамлакатлар маҳсулотларининг эркин кириб келиши рақобатбардошлигимизни оширишга хизмат қилади.

Шуни ҳам қайд этиш керакки, ЕОИИ ҳудудида маҳсулотларга (маркировка, сифат, санитария нормалари ва бошқалар) нисбатан бўлган алоҳида меъёрлар тизими ишлаб чиқилган. Бу ва шу каби бошқа талаблар турли маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш жараёнида турли сифат ўзгаришларини киритишни талаб этади. Бунда монопөл деб ҳисобланадиган айрим тармоқларнинг фаолияти ҳам хавф остида қолиш эҳтимоли йўқ эмас. Эҳтимол, бизда ҳам менежмент ва ишлаб чиқариш жараёнларини сифат жиҳатдан тубдан ўзгартириш даври етиб келгандир. Бу жараёнлар ўз-ўзидан Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлишига ҳам хизмат қилишига асос бўлади.

#### **4.2. Иқтисодий ҳаракатсизлик инқирози: халқаро ва миллий амалиёт**

2019 йил якуни, 2020 йил бошидан буён глобал саломатлик фавқулодда ҳолатда қолмоқда. Биламизки, жаҳон иқтисодиёти молиявий инқирозларни бошидан кечирган даврларда халқаро молия ташкилотлари ва турли ҳукуматлар томонидан макроиқтисодий мувозанатни таъминлашга қаратилган зарурий чора-тадбирлар амалга оширилган.

2015 йилда Халқаро валюта фонди (ХВФ) томонидан қайта ташкил этилган Фавқулодда ҳолатлардан ҳимоя қилиш ва оқибатларни бартараф этиш фонди (Catastrophe Containment and Relief Trust) айнан ривожланаётган мамлакатларда турли табиий офатлар ва оммавий касалликлар оқибатларини бартараф этишни назарда тутганлигини таъкидлаш лозим. Ушбу фонд маблағлари қайд этилган йўналишларда Халқаро ривожланиш Ассоциацияси мезонлари (ЯИМ киши бошига 1165 АҚШ доллари ёки аҳолиси

1,5 млн. дан кам бўлган давлатларга 2230 АҚШ доллари) асосида берилиши мумкин. 2020 йил 11 март куни Буюк Британия ХВФнинг мазкур фондига Коронавирусдан азият чекаётган иқтисодиётлар учун 150 млн. фунт стерлинг грант маблағларини ажратишини маълум қилди. Бу эса донор мамлакатнинг дастлабки молиявий ёрдамни амалга оширишини ўзида акс эттиради. Зотан, 2020 йил 2 март куни Кристалина Жиоржиева (ХВФ директори) ва Давид Малпас (Жаҳон банки гуруҳи Президенти) қўшма баёнот билан чиқиб, вирус сабабли иқтисодий қийинчиликларга юз тутаётган мамлакатларга молиявий кўмак беришга тайёр эканликларини билдирдилар. Жаҳон банки вируснинг иқтисодий оқибатлари ва уни баратаф этиш учун 12 млрд. АҚШ доллари миқдорида молиявий ёрдам беришга тайёрлигини маълум қилди.

Бизнингча, мамлакатлар молия ташкилотларига эътиборни қаратишлари кузатилмаслиги мумкин. Биринчидан, ушбу эпидемиядан Хитойнинг ўзи қисқа муддатда чиқишга эришмоқда. Иккинчидан, вируснинг бирламчи ўчоғига айланган Европа Иттифоқи мамлакатлари ЕвроКомиссиянинг раҳнамолигида халқаро ташкилотларнинг молиявий кўмагини жалб этмаслиги мумкин.

Жаҳон банкининг маълумотларига кўра, дунё иқтисодиёти 2009 йилдан буён ўзининг дастлабки юқори иқтисодий ўсишига эриша бошланганда вирус таъсирининг юзага келиши глобал иқтисодиётни яна хавф остига қўйди.

Бу ҳолат, биринчидан, халқаро савдонинг ярмини ташкил этувчи глобал қўшимча қиймат занжирининг камайишига таъсир этиши; иккинчидан, вирус аниқланган мамлакатлардан молиявий капиталнинг қочиши; учинчидан, инсонлар уйларида қолишлари сабабли ишлаб чиқаришга йўналтирилган завод (фабрика)лар “бўш ёки ишсиз” қолмоқда. Тўртинчидан, ривожланаётган мамлакатларда транспорт ва туризм соҳасининг етакчилиги ушбу иқтисодиётларга салбий таъсирининг инобатга олинishi билан акс этади.

Жаҳон савдо ташкилотининг маълумотига кўра, йўловчиларни ҳаво транспортида ташиш, юкларни ташиш, молиявий



транзакциялар, ахборот технологиялари хизматлари кабилар бўйича савдолар ҳажми кескин пасайиб кетган.

Ўзбекистоннинг 2019 йил январь-сентябрь ойларидаги экспорт товарлари таркибидаги айрим маҳсулотларни кўриб ўтсак. Пахта толаси – Хитой ва Туркия энг йирик импортёрлар, мос равишда 141 ва 9 млн. АҚШ долларига тенг. Ушбу мамлакатларга пахта толасини экспорт қилмаслик Ўзбекистонга жиддий таъсир ўтказмайди, сабаби 2020 йилдан ушбу маҳсулот тўлиқ бозор муносабатлари орқали давлат сотадиган стратегик маҳсулотлари таркибидан чиқарилди.

Энергия манбаларини экспорт қилишда тўхталишлар бўлмаслиги мумкин, сабаби, табиий энергия аҳоли истеъмоли учун доимий талабни шакллантиради. Ўзбекистон озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий импортёрлари Россия ва Қозоғистон бўлиб, умумий ҳажми 385 млн. АҚШ долларини ташкил этади, бу рақам тахминан Хитойга пахта толаси ҳажмидан 2,5 баробарга кўплигини таъкидлаш лозим. Қайд этиб ўтиш мумкин, Ўзбекистонда жами экспортда озиқ-овқатлар 8,4 фоиз бўлса, импортда 7,5 фоизни ташкил этади.

Фикримизча, Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари сезиларли даражада ошмайди. Сабаби, мамлакатимиз озиқ-овқат импортига боғланган мамлакат эмаслиги юқоридаги рақамлардан маълум бўлмоқда. Масалан, февраль ойида мамлакатимизга импорт қилинувчи бананнинг нархи қисқа муддатли даврда пасайди, лекин нарх ўзининг доимий нуқтасига яна қайтишга улгурди. Хулоса қилганда, озиқ-овқат маҳсулотлари бозорида қисқа муддатли нобарқарор нархлар юзага келиши вақтинчалик хусусиятга эга ҳисобланади.

Шунингдек, хизматлар бозори экспортида туризм ва транспорт соҳасининг улуши 90 фоизни ташкил этади. Хусусан, сафарлар (туризм) 50,8 фоиз ва транспорт хизматлари 38,8 фоизни ташкил этади. Мазкур ҳолатнинг шаклланишидан хизматлар бозорида пасайиш кузатилиши мумкинлиги билан изоҳланади. Маълумки, кўплаб мамлакатлар, хусусан Ўзбекистон ҳам йўловчи ташиш хизматини вақтинча тўхтатганлигини маълум қилди. Натижада туризм соҳаси (ташқи ва ички) ўзининг қисқа муддатли

инкироз ҳолатига юз тутди. Бизнингча, ушбу хизматлар бозорида қуйидаги ўзгаришлар бўлиши мумкин. 1) Авиа қатновлардан фойдаланишлар сонининг камайиши натижасида авиакомпанияларнинг молиявий барқарорлигига хавф туғилади; 2) Темирўл қатновининг пасайиши темирўл компаниясининг ҳолатига таъсир қилмаслиги мумкин, сабаби, юк ташишлар давом этаётганлиги ушбу соҳанинг асосий молиявий натижаларини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга; 3) Ўзбекистондаги туризм инфра-тузилмаси (меҳмонхона, ички транспорт ва бошқа хизматлар)нинг қисқа муддатли молиявий нобарқарорлиги юзага келади. Хулоса қилиб айтганда, ушбу соҳанинг хусусий секторида меҳнат қилувчиларнинг даромади камайиши ортидан уларнинг сотиб олиш қобилияти ёки истеъмоли қисқариши мумкин бўлади. Натижада улар учун нархлар қимматлашгандек ҳисобланади ва айрим истеъмолларини вақтинчалик қисқартиришлари лозим бўлади.

Маълумотларга кўра, вирусларнинг олдини олиш учун яратилган вакциналарни топишга йиллаб вақт талаб этилади. Шунинг назардан, иқтисодий таъсирнинг олдини олиш, аввало, вирусга қарши вакцинани топиш билан бевосита боғлиқ, деб ўйлаймиз. Вакцина қанчалик тез топилса, иқтисодий оқибатларни шунчалик тез бартараф этиш имконияти топилади.

Қисқа ўрганишлардан сўнг қуйидаги хулосаларни айтиш мумкин:

1. Мамлакатларда иқтисодий ўсиш даражаси ўрта муддатли даврда пасайиши кузатилади.

2. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш қийинлашиши мумкин. Бунинг олдини олиш учун, миллий фонд бозори барқарорлигини сақлаб туриш учун ички истеъмолни таъминлаш лозим бўлади.

3. Мамлакатларда макроиқтисодий мувозанат нобарқарорлашуви ортидан ЯИМ ҳажми қисқаради. Мувозанат бузилишига импорт самараси таъсирини камайтириш учун фоиз ставкаларини тушириш орқали ички истеъмолни таъминлаш муҳим ҳисобланади. Натижада, инсонларда кредитлар олиш имконияти ошиб, ялпи талаб ва ялпи таклиф мувозанатига эришиш мумкин.

4. Туризм соҳасида турғунлик юзага келиши кузатилади. Натижада, ишсизликнинг юзага келишига шароит яратилиши ва иқтисодий ўсишга ҳам салбий таъсири кузатилиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, аҳолининг сотиб олиш қобилиятини оширишга қаратилган чораларнинг қўлланганлиги, хусусан даромад солиғи туширилганлиги ўзининг ижобий таъсирига эришиши топди. Шу билан бирга, Ўзбекистонда эпидемик ҳолат натижасида аҳолининг истеъмоли айрим харажатлари вақтинчалик қисқариши натижасида аҳоли даромадларининг жамғариш босқичига ўтиши юз бериши ва истиқболда молиявий хизматларга бўлган талабни ошириши мумкин. Умуман олганда, давлатимиз раҳбари томонидан иқтисодиётни либераллаштиришга қаратилган ислохотлар, 2020 йилги Парламентга Мурожаатномада ҳам таъкидлаб ўтилгангандек, иқтисодиётимиз ривожини, аҳоли бандлиги ва даромадлари ўсишини таъминлайдиган энг муҳим соҳаларни ривожлантирилиши алоҳида аҳамиятга эга.

Жаҳон банкининг маълумотларига кўра, жаҳон иқтисодиёти охириги 50 йилда тўрт маротаба ташқи қарз тўлқинини бошидан кечирди. Шундан дастлабки учтаси инқирозлар билан якунланди. Уларнинг охиригиси сифатида 2010 йилдан буён ривожланаётган мамлакатларда қарз тўлқини ўзининг энг юқори чўққисига чиқди. 2018 йилда жами қарз 54 фоиз пунктга ошиб, ЯИМга нисбатан 170 фоизни ташкил этди. Жорий паст фоизли ставкалар юқори қарз муаммоларини бартараф этишда асосий восита бўлиши мумкин<sup>100</sup>. Ҳозирги кунга қадар иқтисодий инқирозлар турли молиявий инструментиларнинг нобарқарорлигидан келиб чиққан бўлса, жорий даврдаги инқирознинг юзага келиши тамомила ўзгача тус олганлиги билан фарқланади.

2020 йилда қарз инқирозидан ўзгача тусга эга бўлган, бошланишидан иқтисодий хусусият касб этмаган инқироз омили – бу пандемия эканлигини кузатишга тўғри келмоқда<sup>101</sup>. Натижада, иқтисодий қулашларнинг юз бериши бўйича айрим сигналлар вужудга келмоқда. Булардан асосийси “иқтисодий таътил”ларнинг юз беришидир. Бошқача айтганда, ялпи истеъмолнинг тушиб

<sup>100</sup> <https://www.worldbank.org/>

<sup>101</sup> <https://review.uz/oz/post/koronavirus-jahon-iqtisodiyotiga-tasir-qiladimi>

кетиши ва ялпи таклифнинг тўхталиши билан бевосита боғлиқдир. Мазкур иқтисодий инқирознинг энг асосий белгиси сифатида – иқтисодий ҳаракатсизликни келтириш мумкин. Бу шароитда давлатларнинг энг асосий вазифаси - минимал иқтисодий ҳаракатни таъминлаб туришдан иборат бўлиши лозим.

2020 йил февралдан бошлаб айрим Хитой компаниялари “Коронавирус облигациялари”ни эмиссия қилишни бошлашди. Shenzhen Airlines авиакомпанияси 600 млн. юан миқдоридagi облигацияларни муомалага чиқарди. Жалб этилган маблағлар асосан, бекор қилинган парвозлар учун билетларнинг қийматини йўловчиларга қайтариб бериш ва озиқ-овқатларни транспортировка қилиш учун молиялаштириш тадбирларига йўналтирилиши маълум қилинди.

Шунга ўхшаш ҳолатларни таҳлил этсак, февраль ойдан буён 25 та Хитой компанияси 24 млрд. юан (3,4 млрд. АҚШ доллари) миқдорида корпоратив облигациялар ҳисобидан қарз маблағларини жалб этди<sup>102</sup>.

Жаҳон бозорида эса йирик иқтисодиётга эга мамлакатлар ўртасида миллий валюталари воситасида ўзаро иқтисодий мусобақалар бошланиб кетди. Баъзи экспертларнинг хулосалари АҚШ долларининг халқаро валюта бозоридаги ўрни юаннинг кадри ошиши ортидан хавф остида қолишини акс эттирмоқда.

Масалан, 2020 йил Россия молия вазирлиги “Миллий барқарорлик фонди”нинг капитали таркибига юанни ҳам жойлаштиришни бошлашини эълон қилди. Ҳозирги кунда ушбу фонднинг асосий қисмини АҚШ доллари ва евро ташкил этади. 2020 йил 1 март ҳолатига кўра, ЯИМнинг 7,3 фоизини ташкил қиладиган фонд валюта таркибини янада диверсификация қилиш орқали санкциялар ва геосиёсий вазиятда иқтисодиётни инқирозли ҳолатлардан ҳимоя қилишда муҳим чора бўлишини таъкидламоқда. Жумладан, юаннинг улушини 15-20 фоиз, долларнинг улушини эса 20-25 фоиз атрофида бўлишига эришиш назарда тутилмоқда<sup>103</sup>.

<sup>102</sup> <https://www.interfax.ru/>

<sup>103</sup> <https://www.rbc.ru/>

Бу каби салбий оқибатларнинг иқтисодийетимиз тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш мақсадида Давлатимиз раҳбари ва ҳукуватимиз томонидан тезкор чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга тадбиқ этилди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодийет тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги 5969-сонли Фармонининг қабул қилиниши айни муҳим тадбир бўлди. Ушбу ҳужжатга кўра, макроиқтисодий мувозанатни барқарорлаштиришга қаратилган қатор чора-тадбирлар белгилаб берилди. Натижада белгиланган йўналишларда вазифаларни амалга ошириш қуйидаги макроиқтисодий мувозанат кўрсаткичларини таъминлашга пойдевор бўлиб хизмат қилади. Хусусан, Инқирозга қарши курашиш жамғармасининг тузилиши пандемия оқибатларини аниқ молиялаштириш манбасини белгилаб берди.

Ушбу жамғарманинг тузилиши биринчи навбатда, пандемия билан курашиш харажатларини молиялаштиришни ўзида акс эттиради. Касалликни аниқлаш, даволаш каби харажатлар билан бирга тиббиёт ходимларни моддий рағбатлантиришни ўзида акс эттирувчи харажатларни қоплаш назарда тутилади.

Фикримизча, ушбу ҳолат давлатнинг ижтимоий мажбуриятларини ўз зиммасига олаётганлиги ва уни самарали амалга ошираётганлигидан далолат беради. Шу билан бирга, ушбу фармон доирасида макроиқтисодий мувозанатни таъминлашда кам таъминланган аҳоли қатламларига моддий ёрдам бериш ҳажмини ошириш орқали ички истеъмолни рағбатлантириш ва иқтисодий ўсиш суръатини сақлаш назарда тутилганлиги бу соҳадаги салбий оқибатларни юмшатиши билан аҳамиятлидир.

– Экспорт билан шуғулланувчиларнинг айрим харажатларининг тўлаб берилиши, ушбу турдаги корхоналарнинг тўловга қобиллигини сақлашга ёрдам берилиши;

– иқтисодий қийинчиликка учраётган корхоналарга уч йилгача бюджет ссудалари берилиши;

– тўловсизликнинг макроиқтисодий мультипликацион таъсирининг олдини олиш каби тадбирлар шулар жумласидандир.

Ижтимоий солиқ ва шу каби солиқ, бошқа мажбурий тўловларнинг кечиктирилиши ёки маълум фойзда камайтирилишининг жорий этилиши тadbirkorларга барқарор “молиявий таътил”га чиқишини англатади. Натижада макроиқтисодий талаб ва таклиф мувозанатига эришишга шароит юзага келади.

Бир сўз билан айтганда, фавқулдда юзага келган вируснинг таъсирининг кенгайиб кетмаслиги учун ўз вақтида чораларни, жумладан, иқтисодий вазифаларни ишлаб чиқилиши ва ҳаётга тadbик этилиши иқтисодий инқироз оқибатларини юмшатишга ва баргараф этишга тўлиқ шарт-шароит яратиб беради<sup>104</sup>, деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, АОКА, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ҳамда Миллий масс-медияни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамкорлигида ташкил қилинган расмий телгерм канал (<https://t.me/koronavirusinfouz>) да 2020 йил 2 апрель соат 20<sup>40</sup>да эълон қилинган “Ойлик даромадсиз қолсангиз, жамғармангиз қанча вақтга етади?” номли сўровномада 467000 дан ортик (ўзбек тилида 312000, рус тилида 155000) инсонлар иштирок этган. Жавоб берганларнинг 40 фоизга яқини “жамғармам йўқ” деб жавоб берган. Хулоса қилиб айтганда, узоқ муддатли даврда истъомлни таъминлаш долзарб вазифа эканлиги кўзга ташланади.

Умуман олганда, 2019 йилдан бошлаб аҳолининг сотиб олиш қобилиятини оширишга қаратилган чораларнинг қўлланганлиги, хусусан, даромад солиғи туширилганлиги ўзининг ижобий тасдиғини топди. Шу билан бирга, Ўзбекистонда эпидемик ҳолат натижасида аҳоли истъомли айрим харажатлари вақтинчалик қисқариши натижасида аҳоли даромадларининг истъомол муддатини оширишга ёрдам бериши мумкин.

“Bloomberg”нинг ёзишича, вирус таъсири натижасида жаҳон ЯИМ 2020 йилда 2,7 трлн. АҚШ доллари миқдорида йўқотишга дуч келади. Шунингдек, йирик иқтисодиётлар (масалан, G20)нинг аксарият қисмида вирус билан касалланиш ҳолатлари аниқланди, айримлари вирус ўчоғига айланди. 2020 йилда Еврохудуд 1,2

<sup>104</sup> <https://xs.uz/uzkr/post/deputat-tadbirkorlar-barqaror-moliyaviy-tatilga-chiqishadi>

фоизга, АҚШ иқтисодиёти эса 0,6 фоизга камайиши мумкинлиги башорат қилинди. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти таҳлиллари эса жаҳон иқтисодиёти 2 баробарга секинлашиб, иқтисодий ўсиш 1,5 фоизга тенг бўлиши мумкин. Зотан, 2020 йил 8 январда Жаҳон банкининг 2020 йил учун прогнозларида ривожланган иқтисодиётлар 2,5 фоиз, ривожланаётган иқтисодиётлар 4,1 фоиз иқтисодий ўсишга эришишини назарда тутиб, маъруза-ҳисоботларини эълон қилган эди. Лекин ушбу маъруза прогнозларида вируснинг кенг кўламли таъсири инobatга олинмаган эди. Жаҳон банки томонидан 2019 йил якуни бўйича иқтисодий ўсишнинг пасайиши АҚШ ва Хитой ўртасидаги савдо санкцияларининг жорий этилиши ва халқаро инвестиция оқимининг пасайиши билангина боғлиқ ҳолда асосланган эди. Шундай бўлишига қарамасдан, вируснинг иқтисодиётга таъсирини фавқулодда баҳолаш муҳим ҳисобланади.

“Bank of America” экспертларининг хулосасига кўра, Хитой иқтисодиётининг пасайиши дунё иқтисодиётига жиддий таъсир этиши, ҳаттоки ўсиш 2,8 фоизгача пасайиб, 2008 йилдаги инқироз ҳолатини акс эттириши мумкинлигидан огоҳлантирди.

Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувининг чуқурлашуви натижасида коронавируснинг салбий оқибатлари мамлакатимизни четлаб ўтади, деб айта олмаймиз. Биринчидан, Ўзбекистон очиқлик сиёсатини кенг кўламда амалга ошираётганлиги жаҳон иқтисодиётидаги ўзгаришларга сезувчанликни оширади. Иккинчидан, ўтган қисқа ислохотлар даврида хорижий инвестицияларнинг оқими ошди, жумладан, 2019 йилда 4 млрд. доллардан ортиқ тўғридан-тўғри инвестициялар жалб этилди. Учинчидан, давлат ташқи қарзи 2016 йилга қадар 10 фоизга етмаган бўлса, ундан кейинги даврда давлат дастурлари ва бюджетнинг айрим харажатлари/даромадларини ошириш мақсадида давлат кафолати/облигациялари орқали хорижий маблағлар кенг жалб этилди. Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизнинг жаҳон иқтисодиётидаги ўзгаришларнинг таъсири олдингига нисбатан юқори бўлишини ўзида акс эттиради.

Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкорлари бўлган мамлакатларда коронавируснинг салбий таъсири мамлакатимизга ҳам

ўзининг сезиларли таъсирини ўтказиши мумкин. Айниқса, ташқи савдо айланмамизда импортнинг улуши қарийб 60 фоизга яқинлиги импорт товарлар бозорида баъзи хавотирларни келтириб чиқариши мумкин (ми) деган саволлар туғилиши табиий.

Ўзбекистоннинг йирик ташқи савдо ҳамкорлари Хитой (18,7 фоиз), Россия (15 фоиз), Қозоғистон (8,3 фоиз), Ж.Корея (6,6 фоиз) ва Туркия (5,8 фоиз) мамлакатларидан Хитой ва Ж.Корея вируснинг ўчоқларидан бири сифатида қайд этилди.

Хитой Бош божхона бошқармаси маълумотларига кўра, 2020 йилнинг январь-февраль ойларида Хитойда экспортнинг 17 фоизга тушиб кетиши юзага келиб, савдо балансида салбий фарқ шаклланишига сабаб бўлди. Экспортнинг ҳажми 292,5 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. Яна шуни таъкидлаш лозимки, вируснинг кенг миқёсда тарқалиб, ташқи савдога таъсир этиши мумкин бўлган давр айнан Хитойнинг миллий байрами билан бир даврда бўлишига тўғри келиши, вируснинг салбий оқибатларини пасайтиришга ёрдам берди, дейиш мумкин. Масалан, Россиянинг Хитойга экспорти 22 фоизга ўсган бўлса, аксинча, Хитойнинг Россияга экспорти 15 фоизга камайган. Натижада, жорий йилнинг 20 февраль куни Россия молия вазири Антон Силуанов мамлакат кунига 1 млрд. рубл йўқотаётганлигини қайд этди.

Хулоса қилиб айтганда, Хитойнинг савдо ҳамкорлари Хитойнинг экспорт қилмаслик эҳтимолидан молиявий зиён кўришмоқда. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистоннинг энг йирик савдо ҳамкори сифатида Хитойдан қилинадиган маҳсулотлар ҳажмининг камайиш эҳтимоли натижасида мамлакатимизда ялпи талаб ошиши мумкин.

#### **4.3. Евросиё иқтисодий иттифоқи ва Ўзбекистон: жорий ҳолат ва истиқбол**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис Сенатининг 20-ялпи мажлисида Евросиё иқтисодий ҳамжамиятининг тўлақонли аъзоси бўлишнинг ижобий жиҳатлари тўғрисида фикрларини билдирди. Бу борада, мазкур иттифок доирасидаги савдо жараёнларининг оптималлашаётгани маҳаллий



товарларнинг халқаро бозордаги ўрнига салбий таъсир этиши қайд этиб ўтилди. Шу боисдан, давлатимиз раҳбари томонидан экспорт қилинадиган товарларнинг сифатини ошириш, нафақат иттифоқ доирасидаги, балки маҳаллий бозордаги рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш долзарблиги қайд этилди. Шунингдек, Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмасида мазкур иттифоқ давлатларининг улуши 2/3ни ташкил этиши мамлакатимизни Евросиё иқтисодий иттифоқига аъзо бўлишини ўйлаб кўришга, таҳлил этишга ундайди.

Умуман олганда, Евросиё иқтисодий иттифоқи Россия (03.10.2014й.), Белоруссия (09.10.2014й.) ва Қозоғистон (14.10.2014й.) томонидан имзоланган шартнома асосида ташкил этилган бўлиб, 2015 йил 1 январдан амалга киритилган. Кейинчалик ушбу келишувга Арманистон (2015 йил 2 январ) ва Қирғизистон (2015 йил 12 август) қўшилган. Шунингдек, Вьетнам, Хитой, Эрон каби давлатлар билан эркин савдо келишувларни имзолаган бўлиб, мазкур давлатлар билан ягона ташқи савдо сиёсатини амалга оширилишини англатади.

Давлатимиз раҳбари Ш.Миризеёв таъкидлаб ўтганидек, “Бизнинг ташқи савдога чиқадиган юқларимизнинг 80 фоизи Қозоғистон, Қирғизистон ва Россиянинг транзит йўлаклари орқали ўтади. Шунингдек, тайёр маҳсулотларимиз экспортининг 50 фоизи, айрим товарлар бўйича эса 80 фоизи Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ҳиссасига тўғри келади.

Ана шу омилларни инобатга олиб ҳамда Россия ва Қозоғистонга ишлаш учун борган фуқароларимизга қулай шарт-шароит яратиш мақсадида бугунги кунда Ўзбекистоннинг ЕвроОсиё иқтисодий иттифоқи билан ҳамкорлик қилиш масалалари ўрганилмоқда. Биз, албатта, ушбу жиддий масалада, энг аввало, халқимизнинг манфаатларидан келиб чиқиб, унинг хоҳиш-иродасига таянамиз<sup>105</sup>.”

Айни кунда ЕвроОсиё иқтисодий иттифоқи (ЕОИИ) жойлашган худуд майдон жиҳатидан дунёда биринчи бўлса, аҳолиси бўйича 8- ва ЯИМ ҳажми бўйича эса 10- ўринда қайд

<sup>105</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиغا Мурожаатномаси. 24.01.2020 йил.

этиломқда (интернет маълумотлари). Бошқача айтганда, жаҳон ЯИМнинг 3,63 фоизини яратмоқда (Халқаро валюта фонди маълумотлари). Таъкидлаш лозим, мазкур кўрсаткичнинг шаклланишида Россия Федерацияси ва Қозоғистоннинг улуши мос равишда 85 ва 10 фоиздан ортиқни ташкил этади. Қайд этиш лозим, Ўзбекистоннинг жаҳон ЯИМдаги улуши 0,19 фоизни ташкил этиб, Арманистон, Беларуссия ва Қирғизистоннинг биргаликдаги жаҳон ЯИМсидаги улуши 0,18 фоизни ташкил этади. Шундай бўлишига қарамасдан Ўзбекистоннинг 80 фоиздан ортиқ экспортини олтин (31 фоиз) ва табиий газ (51 фоиз) ташкил этади. Ўзбекистон табиий газининг асосий импортёрлари бўлиб эса Россия, Хитой ва Қозоғистон давлатлари ҳисобланади. Мазкур тенденция шундан далолат берадики, Ўзбекистон юқори илмий сифимкорликка эга бўлган маҳсулотлари билан ушбу мамлакатларга кириб бориши долзарб масала ҳисобланади. Бизнингча, мамлакатимиз кўшимча илмий сифимкорликка эга товарларни ишлаб чиқара олишини ривожлантириш орқали 220 млн. аҳолига эга бўлган бозорда ўз ўрнини мустаҳкамлашга шарт-шароит яратган бўлар эди.

Юқорида келтириб ўтилган тенденцияларнинг мавжуд эканлиги Ўзбекистоннинг ЕОИИга аъзо сифатида кириб бориши ёки ҳамкор сифатида ташқи савдони амалга оширишини тадқиқ этиши долзарб масала ҳисобланади.

Мазкур мавзу олимлар томонидан кўп ўрганилган бўлмаса-да, лекин ўзбекистонлик мутахассислар ўзларининг таҳлилларини интернет тармоқлари орқали баён этишди. Масалани ўрганиш икки қутбга бўлинган тарзда амалга оширилиши унинг ижобий ва салбий жиҳатларини тадқиқ этишни талаб этади.

Фикримизча, ЕОИИга аъзолик масаласини таҳлил қилишимиз билан бирга, параллел равишда ЖСТга аъзолликка қўйилаётган муҳим қадам сифатида баҳолашимиз мумкин. Чунки миллий товар-маҳсулотларимизни ЕОИИ ҳудуди бўйлаб эркин сота олишимиз имкони пайдо бўлиши ва юртимизга аъзо мамлакатлар маҳсулотларининг эркин кириб келиши рақобатбардошлигимизни оширишга хизмат қилади. Шуни ҳам қайд этиш керакки, ЕОИИ ҳудудида маҳсулотларга (маркировка, сифат,

санитария нормалари ва бошқалар) нисбатан бўлган алоҳида меъёрлар тизими ишлаб чиқилган. Бу ва шу каби бошқа талаблар турли маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш жараёнида турли сифат ўзгаришларни киритишни талаб этади. Бунда монополь деб ҳисобланадиган айрим тармоқларнинг фаолияти ҳам хавф остида қолиш эҳтимоли йўқ эмас. Эҳтимол, бизда ҳам менежмент ва ишлаб чиқариш жараёнларини сифат жиҳатдан тубдан ўзгартириш даври етиб келгандир. Бу жараёнлар ўз-ўзидан Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлишига ҳам хизмат қилишига асос бўлади.

Хулоса қиладиган бўлсак, Ўзбекистон ЕОИИга аъзо бўлса, бу жараён ҳаётимизга катта ўзгаришлар олиб келиши шубҳасиз. Биз учун, асосийси, ушбу ўзгаришларда миллатимиз манфаатини ҳимоя қилиб, ҳалқимиз фаровонлиги ва тинчлик-хотиржамлигини таъминлашимиз муҳимдир.

Бу борада, давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев мамлакат ташқи сиёсатидаги айрим жиҳатларга тўхталиб ўтди ва куйидагиларни таъкидлади: “Изланишдамиз, ниятимиз шундаки, иложи борича... Мана, биз катта-катта интеграцияларга қўшилмоқчимиз. Ҳамма ҳар хил айтяпти: мустақилликни бериб қўямиз...”

Ҳеч ким ҳеч қачон мустақилликни, ўзбек миллати, ким бўлишидан қатъи назар энди бермайди.

Боболаримиз бошлаб берган кураш ҳозир ҳам давом этади. Лекин жилов ўзимизнинг қўлимизда. Биз бозор иқтисодиётида манфаат нуқтаи назаридан қайси йўл тўғрилигини ҳисоб-китоб қилишимиз керак. Ҳар куни.

Албатта, бизнинг энг катта ҳаракатимиз - энг маъқул, энг тўғри иқтисодий манфаат йўлига кирамиз. Ким билан боришимизни халқимизнинг ўзи депутатлар билан маслаҳат қилиб... Депутат дегани - у халқимизнинг овози, халқимизнинг кўзи, халқимизнинг дарди. Халқимиз билан маслаҳатлашиб қиламиз. Йўлимизнинг тўғрилигига ишонсак, қиламиз”.

Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиши тўғрисида халқаро экспертлар ҳам ўз муносабатини билдириб ўтганлар.

Америкалик консультант, АҚШ Савдо ваколатхонаси (USTR) ва Қўшма Штатларнинг Жаҳон Савдо Ташкилотидаги миссиясида узоқ йиллар масъул лавозимларда ишлаган Марк Линскотт ЖСТга

аъзо бўлиш Ўзбекистон учун нега кераклигига учта сабабни айтди ([www.kun.uz](http://www.kun.uz)).

**Биринчидан**, жаҳонда ЖСТга кирмаган давлатлар жуда кам қолган (164та давлат аъзо – тахр.). Марказий Осиёдан фақат Туркменистон ва Ўзбекистон ҳозирча ташкилот аъзоси эмас.

ЖСТга кўшилишга қизиқиш билдирмаётган КХДРни ҳисобга олмаганда, ҳатто урушлардан кейин тикланаётган мамлакатлар – Судан, Жанубий Судан, Ироқ кабилар ҳам ташкилотга кириш томон ҳаракат қилмоқда.

**Иккинчидан**, Ўзбекистон хориждан инвестиция жалб этишга, ўз минтақасидан ташқари савдо алоқаларини ҳам ўстиришга катта эътибор қаратмоқда. ЖСТга аъзолик Ўзбекистонга кираётган инвесторлар ва мамлакатнинг савдо ҳамкорларига кафолатлар ва ошкораликни тақдим этади.

**Учинчидан**, ЖСТга аъзо бўлиш Ўзбекистонга бошқа давлатларнинг ўзига алоқадор тижорий қарорлари устидан (масалан, чегара ва божлар масаласида) шикоят қилиш имконини беради. Мисол учун, Антигуа ва Барбуда ЖСТ орқали АҚШнинг савдо чекловларига қарши чиққанди. Ёки Марказий Америка мамлакатлари Европа давлатлари томонидан банан импортига жорий этилган чекловларнинг бекор қилинишига эришишган эди.

Қолаверса, Ўзбекистон ЖСТга кўшилиб, унинг тўлақонли аъзоси сифатида халқаро савдо қоидаларини ишлаб чиқишда қатнашиш имконига эга бўлади. Унинг таъкидлашича, Жаҳон Савдо Ташкилотига асос солинган 1995 йилдан буён ҳали бирорта давлат ундан чиқиб кетмаган.

Шунингдек, ушбу иттифоқга киргандан сўнг Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ)га аъзо бўлиши савол остида қолмайди. Сабаби, 1994 йил 21 декабрда ЖСТга аъзо бўлиш юзасидан ишчи гуруҳ тузилган, лекин 2005 йилга келиб ушбу музокаралар тўхтаб қолган эди. Шундай бўлса-да, 2019 йил бошига келиб ушбу ишчи гуруҳнинг иши жонлантирилди ва Ўзбекистон 2019 йилнинг охирига қадар ЖСТга аъзо мамлакатлари билан “Ташқи савдо режими” келишувини имзолаши назарда тутилган. Шу кунга қадар мамлакатимиз қатор ЖСТга аъзо давлатлар билан икки томонлама музокараларни

якунига етказмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири А.Комиловнинг баёнотида ҳам айтиб ўтилди (<https://kun.uz>).

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиб кириши мамлакатимизнинг ташқи савдодаги ўрнини мустаҳкамлашга, икки томонлама манфаатга йўналтирилган ҳамкорликни амалга оширишга тўлиқ имкон бериши билан ажралиб туради.

Ўзбекистоннинг ЕОИИга аъзо мамлакат сифатида қўшилиши қуйидаги мураккабликларни келтириб чиқариши мумкин:

Импорт қилинувчи маҳсулотларнинг нархининг тушиши натижасида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг бозордаги ўрнини сақлаб қолиши қийинлашади. Айниқса, монопол хусусиятга эга бўлган тармоқларнинг бозордаги ўрни хавф остида қолади. Шу билан бирга, иттифоқ доирасида умумий божхона тарифларининг ўрнатилиши ортидан баъзи товарларнинг қийматлашиши юзага келиши мумкин.

Ишчи кучининг чиқиб кетиши янада жадаллашади. Хусусан, Ўзбекистон ва ЕОИИнинг йирик иқтисодиётлари ўртасида иш ҳақи ҳажми бўйича сезиларли тафовутлар борлиги туфайли мамлакатимизда ишчи кучининг хорижга кўчиши юзага келади. Бу эса қишлоқ хўжалиги соҳасида хизмат қилувчиларга меҳнатга ҳақ тўлашнинг қийматлашувига олиб келади.

Мазкур мамлакатлар ва Ўзбекистонда фаолият кўрсатувчи Трансмиллий компания (ТМК)ларнинг иқтисодий сиёсатидаги бир хилликнинг юзага келиши ортидан мамлакатимизда ТМКларнинг фаолияти нобарқарорлашувига сабаб бўлиши мумкин.

Шунингдек, геосиёсий майдондаги ўзгаришлар натижасида ЕОИИга аъзо мамлакатларнинг бирига иқтисодий санкцияларнинг қўлланилиши Ўзбекистон иқтисодиётини четлаб ўтмаслигига шароит юзага келади. Иттифоқнинг йирик иқтисодиётлари мазкур шароитда демпинг сиёсати орқали ўз маҳсулотларини иттифоқ мамлакатларига сотишга ҳаракат қилади. Натижада, бизнинг маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлигига таъсирлар жиддийлашади.

Ўзбекистоннинг ЕОИИга аъзо бўлиб киришида биз қайд этиб ўтган мураккабликлар билан бирга, бошқа эҳтимолий хатарлар ҳам мавжуд бўлиши мумкин.

Қайд этиб ўтганимиздек, иттифоқнинг жаҳон иқтисодиётидаги улуши 3 фоиздан ортиқ бўлиб, бу тахминан Германия иқтисодиётига тенг эканлигини англатади. Шундай бўлса-да, жаҳон экспортёрлари ичида Хитой ва АҚШдан кейинги учинчи мамлакат ҳисобланиб, Германия дунё экспортида 9 фоизни амалга ошириши билан ажралиб туради. Қайд этиш лозим, мазкур давлатнинг асосий савдо ҳамкорлари Европа Иттифоқи мамлакатлари бўлиб, Германия экспортининг салкам 70 фоизини ташкил қилади. Бу шундан далолат берадики, ҳар қандай мамлакат ўз атрофида жойлашган ва масофавий жиҳатдан яқин бўлган иқтисодиётлар билан савдо муносабатларини йўлга қўйиши манфаатлидир. Мазкур қоида дунё иқтисодчи олимлари томонидан *“мамлакат ЯИМда ташқи савдонинг улуши унинг савдо ҳамкорлари билан ўртадаги масофаларга тескари пропорционал эканлиги”* асослаб берилганлиги билан изоҳланади.

Зотан, иттифоқнинг жами ЯИМ Германия давлатиники билан тенг бўлса-да, ЕОИИнинг жаҳон савдосидаги улуши катта эмаслиги, яъни экспорти 2,8 фоиз ва импорт 1,9 фоизни ташкил этиши аъзо мамлакатларнинг миллий иқтисодиётлари импорт ўрнини босувчи иқтисодиёт тарзида шаклланганлиги билан изоҳлаш мумкин. Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистоннинг ЕОИИ мамлакатларида ўз маҳсулотлари билан кириб боришида 185 млн.га яқин истеъмолчи мавжуд бозорларга нотариф тўсиқларсиз кириш имкони яратилади.

Бизнингча, Ўзбекистоннинг ЕОИИга аъзо сифатида кириб бориши қуйидаги афзалликларни келтириб чиқаради.

Ўзбекистон экспортида енгил саноат ва тўқимачилик маҳсулотларининг табиий ресурслар ва рангли металллардан кейин учинчи ташқи савдо йўналиши ҳисобланади. Шу боисдан, мазкур иттифоқ аъзо мамлакатларида ушбу тармоқда етакчининг аниқ эмаслиги Ўзбекистонга бу борадаги нисбий устунликни тақдим этади. Бу эса мазкур йўналишни янада рақобатбардош қилиш заруратини келтириб чиқаради. Бошқа жиҳатдан, ЕОИИ Туркия

билан эркин савдо келишуви мавжуд эмаслиги ва истиқболда шартнома назарда тутилмаганлиги мамлакатимизнинг бозордаги ўрнига ижобий таъсир этади. Лекин 2015 йилдан бошлаб Хитой ва ЕОИИ ўртасида эркин савдо келишуви мавжудлиги инobatга олинса, Ўзбекистонда енгил саноат соҳасида кўшимча қийматли маҳсулотларга етиб боришга бўлган заруриятни кескинлаштиради.

Ўзбекистон импортнинг 1/3 қисмини машиналар, ускуналар ва механизмлар ташкил этишини инobatга олсак, ЕОИИ мамлакатларидан қилинаётган импорт маҳсулотлар ҳажми юқори эмаслиги маълум бўлади. Импортнинг асосий қисмини ташкил этувчи ушбу йўналишдаги асосий ҳамкор – бу Хитой эканлиги инobatга олинса, мазкур товарларнинг нархи тушиши ва натижада импорт харажатларининг камайишига эришилиши мумкин.

Ўзбекистонликларга қулай виза режимининг такдим этилиши нафақат иттифоқ мамлакатларига меҳнат қилиш учун, балки яшаш учун ҳам жойлашишларига енгилликларни вужудга келтиради. Бу эса нисбатан зич демографик жойлашувига эга бўлган Ўзбекистонга аҳоли сонини иттифоқ давлатларига самарали тақсимлаш имконини қўлга киритади. Шунингдек, ўзбекистонликлар бошқа мамлакат фуқаролари билан тенг шароит ва ҳуқуқлар билан меҳнат қилишнинг тўлақонли аъзосига айланади. Бу биринчидан, фуқароларимизда меҳнат қилиш малакаси ва тажрибаси ошишига имконият яратади. Иккинчидан, тўлов балансининг жорий трансфертлар балансининг барқарорлашувига олиб келади. Учинчидан, ўзбекистонликлар ўз оиласини биргаликда олиб кетиши учун шароит юзага келиши натижасида турли ижтимоий келишмовчиликларнинг юзага келиши камаяди.

Ўзбекистон ЕОИИ билан хоҳ аъзо сифатида, хоҳ ҳар қандай ҳамкорлик доирасида бўлсин қуйидагиларни инobatга олиниши лозим, деб ўйлаймиз.

Ўзбекистон ва ташки савдо ҳамкорлари билан техникавий, санитария, ветеринария ва фитосанитария стандартлари/мезонлари/ сертификатлари каби нотариф қоидаларини мувофиқлаштириш. Масалан, ягона ахброт майдонини ташкил этиш ортидан экспорт учун сарфланадиган вақт ва харажатни

қисқартиришга эришиш. Бунинг учун Ўзбекистон ва яқин савдо ҳамкорлари билан ягона тан олинадиган сертификатлаш/хужжатлаштириш тизимини биргаликда жорий этиш.

Ўзбекистонда илмий сиғимкорлиги юқори бўлган товарлар ишлаб чиқариш учун илмий-тадқиқот ва инновацияларни молиялаштириш механизминини такомиллаштириш ва ҳажминини сезиларли кўпайтириш.

Халқаро валюта фондининг маълумотларига қараганда, 2010-2015 йилларда иқтисодий ўсиш камаётганлигини кўриш мумкин. Жумладан, ривожланаётган мамлакатларда 7,4 дан 4,3 фоизгача пасайган, ривожланган иқтисодиётларда эса 3 фоиздан 2,2 фоизгача ўзгарган. Умуман олганда, жаҳон миқёсида ушбу кўрсаткич 2010 йилда 5,4 фоиз ўсишдан 2015 йилда 3,5 фоизга тушганлиги билан изоҳланади. 2015 йилдан бошлаб ҳозирги кунга қадар иқтисодий ўсишнинг ўзгариши ривожланаётган иқтисодиётларда 4,3 фоиздан 3,9 фоизга тушган бўлса, ривожланган мамлакатларда 2,3 фоиздан 1,7 фоизга ўзгарган. Жаҳон миқёсида мазкур кўрсаткич 3,5 фоиздан 3 фоизга ўзгарган.

Таъкидлаш лозим, жаҳон мамлакатларида иқтисодий ўсиш даражаси пасаяётганлиги ривожланаётган ва ривожланган мамлакатларга хос тенденция билан шаклланмоқда. Шу боисдан, мазкур иқтисодий жараён нафақат Россия, Қозоғистон, балки бутун жаҳон мамлакатлари иқтисодиётига хос ўзгариш, десак хато бўлмайди.

Ўзбекистон жаҳон иқтисодиётининг ўз суверенитетига эга аъзо сифатида халқаро иқтисодий муносабатларни амалга оширмоқда. Шу боисдан, Ўзбекистон ҳар қандай интеграцион жараёнларнинг субъекти сифатида бўладими ёки алоҳида халқаро иқтисодий муносабатлар бўладими мамлакатимизнинг миллий манфаатлари олий ўринда туради. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистоннинг Евросиё Иқтисодий Игтifoқи (ЕОИИ)га аъзо бўлиб кириши ёки кирмаслиги анчадан буён муҳокамалар марказида бўлиб турибди. Қайд этиш лозим, Ўзбекистон ЕОИИга қўшилиш нуқтаи назаридан ҳаракат қилиш иқтисодий манфаатли бўлмаса, ҳаракатсизликнинг ҳам ўзига хос салбий хусусиятларини таҳлил этиш зарур ҳисобланади. ЕОИИга аъзо бўлиб кириш борасидаги мамлакатимизнинг кўплаб олимлари ўзларининг



муносабатларини баён этдилар. Мазкур масаланинг ўзига хос жиҳатлари қаторида Ўзбекистон учун иқтисодий манфаатли томонлари интернет тармоғида кенг оммага тақдим этилди. зотан, шундай таҳлиллар эълон қилинган бўлишига қарамасдан, Токио университетида таҳсил олаётган ёш ватандошимиз ўзбекистонлик барча олим ва мутахассисларнинг хулосаларини объектив баҳолай олмади. Сабаби, “иттифоққа кўшилиш мақсадга мувофиқ” эмас деган фикрлар йўқ демоқчи эмасмиз, лекин ҳамма хулосалар ҳам шундай тақдим этилмаганлигини инобатга олмаслик, масалага жуда тор ва саёз ёндашилганлигини англалади. Шу боисдан мақолада келтирилган баъзи фикрларга нисбатан ўзимизнинг хулосаларимизни асослашга ҳаракат қиламиз.

Жаҳонда 220 дан ортиқ миллий иқтисодиётлар мавжудлигига эътибор қаратадиган бўлсак, ҳар қандай мамлакат маълум бир мамлакатнинг импортида ёки экспортида мутлоқ устунликка эга бўла олмайди. Жумладан, иқтисодий иттифоқ доирасида ҳам. Мазкур мақолада Россия билан бошқа иттифоқ давлатларининг ташқи савдо айланмасига эътибор қаратилган. Жумладан, Сербиянинг Россия билан ташқи савдо айланмаси 10 фоизни ташкил этади, деб қайд этилган.

The Observatory of Economic Complexity маълумотларига кўра, Сербиянинг йирик савдо ҳамкорлари қаторида Россиядан қилинадиган импорт 7 фоизни (Хитойдан ҳам 7 фоиз) ташкил этса, Россияга қилинган экспортда 6,2 фоизни ташкил этган. Ушбу рақамларни Россия ташқи савдосидаги ўрнига эътибор берсак, Россия Федерал Божхона хизмати маълумотларига асосан Сербиянинг Россияга қилинган импортда 0,45 фоизни, экспорт улушида эса, 0,3 фоизга етмаган кўрсаткични ташкил этмоқда. Хулоса қиладиган бўлсак, Сербиянинг ташқи савдосида Россия дастлабки 5та давлат қаторига кирса, Россиянинг ташқи савдосида Сербиянинг улуши 0,5 фоизга етмаган ҳолда шаклланмоқда. Шу боисдан, мазкур масалада рақамларни тўғри етказишга ва ушбу рақамлар орқали мамлакатда импорт товарларнинг нархи пасайганлигини инобатга олиш зарур, деб ҳисоблаймиз. Россиянинг ташқи савдо айланмасининг ҳажми 1,6 трлн. АҚШ долларига тенг бўлган иқтисодиёти билан баҳоланиши лозим.

Россиянинг йирик савдо ҳамкорларидан Хитой (16 фоиз атрофида) ва Германия (9 фоиз атрофида) бўлиб, уларнинг иқтисодийлари ўлчови (ЯИМ назарда тутилмоқда) уйғун равишда катта ҳажмга эга. Албатта, айтиш лозимки, АҚШ иқтисодиёти катта бўлишига қарамадан Россия ва АҚШ ўртасидаги масофанинг узоқлиги савдо ривожланишига етарли шарт-шароит яратмайди. Шундай бўлса-да, АҚШнинг Россия ташқи савдосидаги улуши 5 фоизга етади.

Умуман олганда, кўплаб мутахассислар ЕОИИ доирасида аъзо мамлакатларининг ўзаро савдо айламаси юқори улушга эга эмаслигини таъкидлашга уринмоқда. Мазкур иттифок доирасида яратилган ЯИМнинг умумий ҳажмида ҳам Россиянинг улуши 85 фоиз атрофида бўлмоқда. Бу эса аъзо мамлакатлар билан савдо айланмаси қанчалик ортмасин Россия ташқи савдосида йирик улушга эга бўлмаслигини англатади. Энди шу ўринда, Европа Иттифоқи доирасида савдо айланмасига тўхталиб ўтсак. Масалан, Германия, Франция (7,8 фоиз), Буюк Британия (6,8), Нидерландия (6,3 фоиз) ва Италия (5,4 фоиз) давлатларига мос равишдаги маҳсулотлар экспортга эга бўлса, Хитой ва АҚШ билан ўзаро 7,1 ва 8,4 фоиз экспортга эга бўлмоқда. Зотан, жаҳоннинг йирик экспортёри ҳисобланган Германия ҳам Европа Иттифоқи давлатларига нисбатан Осиё ва Америка қитъаси билан нисбатан юқори улушга эга бўлмоқда. Аммо Франциянинг иттифокдош мамлакатларига (Германиядан ташқари) экспорт ҳажми 10 фоизга етмайди.

Фикримизча, маълум иттифок доирасида савдо айланмасининг маълум бир давлатга боғланганлиги билан баҳолаш – бу масалага ўта содда иқтисодий ёндашувни билдиради. Бу эса макроиқтисодий ва халқаро иқтисодий муносабатларга бўлган ёндашувни чуқурроқ тадқиқ этишни талаб этади.

Таъкидлаш лозим, савдо айланмасининг диверсификацияланганлик даражаси мамлакатнинг геосиёсий жиҳатдан бир мамлакатга боғланиб қолмаслигининг олдини олишга ва ўз позициясини мустаҳкамлашга ёрдам беради. Ҳозирги кунда Ўзбекистон 170 дан ортиқ мамлакатлар билан ўзаро ташқи савдо муносабатларини амалга оширади. Шу нуқтаи назардан айтганда,

Ўзбекистоннинг на иттифоқ доирасида, на жаҳон иқтисодиётида фақатгина бир мамлакат билан савдо қилмаслигини англатади.

Масалан, ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг йирик савдо ҳамкорлари Хитой (18,7 фоиз), Россия (14,9 фоиз), Қозоғистон (8,3 фоиз) ва Жанубий Корея (6,6 фоиз) билан савдо алоқаларида бир давлатнинг тўлиқ устунликка эга бўлмаётганлиги ижобий ҳолат. Шу билан бирга, ЕОИИга аъзо мамлакат Қирғизистон билан савдо айланмаси йирик улушга эга бўлмаса-да, ўзаро савдо муносабатларида Ўзбекистоннинг савдо баланси ижобий қолдиққа эга. Демак, Қирғизистоннинг улуши кичик бўлса-да, у билан савдога киришишни салбий деб баҳолаш мақсадга мувофиқ эмас. Аксинча, Қирғизистон божхона ҳудудида Ўзбекистон товарлари нархларини камайтириш орқали рақобатбардошлигини ошириш долзарб масала ҳисобланади. Бу эса божхона келишувларини талаб этади.

Шу боисдан, иттифоққа киришда ҳуқуқлар ва мажбуриятлар мувозанатига эришиш мамлакатнинг савдо муносабатларининг диверсификация даражасини инобатга олмаслик ўта тор доирадаги хулосани англатади. Бизнингча, Ўзбекистон учун халқаро иқтисодий муносабатларни, айниқса, савдо муносабатларини ривожлантиришда қуйидаги жиҳатларни инобатга олиш мақсадга мувофиқ:

- \* ташқи савдо айланмасини ҳам географик жиҳатдан, ҳам товарлар жиҳатидан диверсификация қилиш;

- \* савдо айланмасида маълум бир давлатнинг позициясига суяниб қолмаслик;

- \* иттифоқ доирасида ёки савдо ҳамкорлари билан тариф ва нотариф тўсиқларни мувозанатлаштиришга эришиш.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатларнинг ўзаро савдо айланмасида бирор давлатнинг мутлақ устунликка эга бўлиши билан эмас, балки ташқи савдонинг диверсификациялашганлиги ва рақобат устунлигига эга бўлишини таъминлаш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистонликларга қулай виза режимининг тақдим этилиши нафақат иттифоқ мамлакатларига меҳнат қилиш учун, балки яшаш учун ҳам жойлашишларига енгилликларни вужудга келтиради.

Бу эса нисбатан зич демографик жойлашувига эга бўлган Ўзбекистонга аҳоли сонини иттифоқ давлатларига самарали тақсимлаш имконини қўлга киритади. Шунингдек, ўзбекистонликлар бошқа мамлакат фуқаролари билан тенг шароит ва ҳуқуқлар билан меҳнат қилишнинг тўлақонли аъзосига айланади. Масалан, ЕОИИга аъзо мамлакат фуқаролари патент олмасдан, яъни патент бадалини тўламасдан меҳнат қилиш ҳуқуқига эга. Шундай бўлса-да, улар яшаш жойларида вақтинчалик регистрация (рўйхат)дан ўтишлари шартлиги белгиланган. Албатта, ҳар қандай инсон (турист сифатида ҳам) ўзининг яшаш жойи тўғрисида тегишли органларга маълумот беришлари барча мамлакатларга хос бўлган қонуниятдир. Патент тўловларини тўлашдан озод бўлиш эса кўп жиҳатдан иттифоқ билан ҳамкорлик қилишни тақозо қилади.

Бу биринчидан, фуқароларимизда меҳнат қилиш малакаси ва тажрибаси ошишига имконият яратади. Иккинчидан, тўлов балансининг жорий трансфертлар балансининг барқарорлашувига олиб келади. Учинчидан, ўзбекистонликлар ўз оиласини биргаликда олиб кетиши учун шароит юзага келиши натижасида турли ижтимоий келишмовчиликларнинг юзага келиши камаяди.

Ўзбекистон ЕОИИ билан савдо муносабатларини чуқурлаштирар экан. Бунда иттифоқнинг мустақил институтлари ташкил этилишини илгари суриши ва унга эришиши лозим бўлади. Бу биринчидан, маълум мамлакат таъсирининг доминантлигини олдини олади. Иккинчидан, аъзо мамлакатлар томонидан ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўз вақтида бажарилишини таъминлашга шарт-шароит яратиб беради.

### **Тўртинчи боб бўйича хулосалар**

Тадқиқотимизнинг сўнгги бобида олиб борган изланишларимиз натижасида қуйидаги илмий хулосаларни шакллантиришга муваффақ бўлдик:

Жаҳон банкининг маълумотларига кўра, жаҳон иқтисодиёти охириги 50 йилда тўрт маротаба ташқи қарз тўлқинини бошидан кечирди. Шундан, дастлабки учтаси инкирозлар билан яқунланди. Уларнинг охиригиси сифатида 2010 йилдан буён ривожланаётган

мамлакатларда қарз тўлқини ўзининг энг юқори чўққисига чиқди. 2018 йилда жами қарз 54 фоиз пунктга ошиб, ЯИМга нисбатан 170 фоизни ташкил этди. Жорий паст фоизли ставкалар юқори қарз муаммоларини бартараф этишда асосий восита бўлиши мумкин<sup>106</sup>. Ҳозирги кунга қадар иқтисодий инқирозлар турли молиявий инструментиларнинг нобарқарорлигидан келиб чиққан бўлса, жорий даврдаги инқирознинг юзага келиши тамомила ўзгача тус олганлиги билан фарқланади.

Фикримизча, ушбу ҳолат давлатнинг ижтимоий мажбуриятларни ўз зиммасига олаётганлиги ва уни самарали амалга ошираётганлигидан далолат беради. Шу билан бирга, ушбу фармон доирасида макроиқтисодий мувозанатни таъминлашда кам таъминланган аҳоли қатламларига моддий ёрдам бериш ҳажмини ошириш орқали ички истеъмолни рағбатлантириш ва иқтисодий ўсиш суръатини сақлаш назарда тутилганлиги бу соҳадаги салбий оқибатларни юмшатиши билан аҳамиятлидир.

– экспорт билан шуғулланувчиларнинг айрим харажатларини тўлаб берилиши, ушбу турдаги корхоналарнинг тўловга қобиллигини сақлашга ёрдам берилиши;

– иқтисодий қийинчиликка учраётган корхоналарга уч йилгача бюджет ссудалари берилиши;

– тўловсизликнинг макроиқтисодий мультипликацион таъсирининг олдини олиш каби тадбирлар шулар жумласидандир.

Фикримизча, ЕОИИга аъзолик масаласини таҳлил қилишимиз билан бирга, параллел равишда ЖСТга аъзолikka қўйилаётган муҳим қадам сифатида баҳолашимиз мумкин. Чунки миллий товар-маҳсулотларимизни ЕОИИ ҳудуди бўйлаб эркин сота олишимиз имкони пайдо бўлиши ва юртимизга аъзо мамлакатлар маҳсулотларининг эркин кириб келиши рақобатбардошлигимизни оширишга хизмат қилади. Шуни ҳам қайд этиш керакки, ЕОИИ ҳудудида маҳсулотларга (маркировка, сифат, санитария нормалари ва бошқалар) нисбатан бўлган алоҳида меъёрлар тизими ишлаб чиқилган. Бу ва шу каби бошқа талаблар турли маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш жараёнида турли сифат

<sup>106</sup> <https://www.worldbank.org/>

Ўзгаришларни киритишни талаб этади. Бунда монопол деб ҳисобланадиган айрим тармоқларнинг фаолияти ҳам хавф остида қолиш эҳтимоли йўқ эмас. Эҳтимол, бизда ҳам менежмент ва ишлаб чиқариш жараёнларини сифат жиҳатдан тубдан ўзгартириш даври етиб келгандир. Бу жараёнлар ўз-ўзидан Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлишига ҳам хизмат қилишига асос бўлади.

Бизнингча, Ўзбекистон учун халқаро иқтисодий муносабатларни, айниқса, савдо муносабатларини ривожлантиришда қуйидаги жиҳатларни инобатга олиш мақсадга мувофиқ:

- \* ташқи савдо айланмасини ҳам географик жиҳатдан, ҳам товарлар жиҳатидан диверсификация қилиш;

- \* савдо айланмасида маълум бир давлатнинг позициясига суяниб қолмаслик;

- \* иттифоқ доирасида ёки савдо ҳамкорлари билан тариф ва нотариф тўсиқларни мувозанатлаштиришга эришиш.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатларнинг ўзаро савдо айланмасида бирор давлатнинг мутлақ устунликка эга бўлиши билан эмас, балки ташқи савдонинг диверсификациялашганлиги ва рақобат устунлигига эга бўлишини таъминлаш долзарб ҳисобланади.

## ХУЛОСА

Тадқиқотимизнинг давомида олиб борган изланишларимиз натижасида қуйидаги илмий хулосаларни шакллантиришга муваффақ бўлдик:

1. Давлат қарзи классик иқтисодчилар томонидан қўллаб-қувватланмайди. Уларнинг фикрига кўра, вақтлараро иқтисодий адолатнинг бузилиши шарт-шароити юзага келади ва жорий истеъмол учун истиқболда бошқалар томонидан ҳақ тўланиши вужудга келиши таъкидлаб ўтилади. Бу бир жиҳатдан тўғридек туюлса-да, давлат қарзини бошқариш тизимининг оқилона олиб борилиши натижасида қарзнинг молиявий юкни тенг тақсимлашга ёки иқтисодий адолатга эришиш мумкин. Иккинчидан, давлат қарзи маълум давлат дастури ва ижтимоий вазифаларнинг бажарилиши мақсадида олиниши жорий истеъмолни таъминлаши истиқболда иқтисодий ўсишга шароит яратиб бериши мумкин. Шу жиҳатдан олиб қараганда, давлат қарзини олиш иқтисодиёт учун тўлиқ хавф деб қараш замонавий иқтисодиётнинг бир бўлаги бўла олмайди.

2. Охириги йилларда бюджет дефицитининг вужудга келиши биринчидан, давлат дастурларининг кенг кўламли тарзда амалга оширилиши, иккинчидан, бюджет даромадларининг маълум доираси бекор қилиниши, учинчидан, бюджетдан ташқари жамғармаларнинг харажатлари ҳам бюджет ҳисобидан молиялаштириш тизимининг жорий этилиши бюджетга молиявий юкнинг ортишига муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бизнингча, бюджет дефицитининг ортиши, ўз навбатида, давлатнинг қарз инструментиларидан фаол фойдаланишга заруратни келтириб чиқариши жаҳон тажрибасидан маълум.

3. Ташқи қарзни қайтариш билан боғлиқ истиқболдаги мураккабликларни қуйидаги ҳолатлар билан боғлаш мумкин бўлади:

– ЯИМга нисбатан давлат даромадлари (солиқ юки) пасайиш тенденциясига эга бўлмоқда;

– ташқи қарзда давлатнинг улуши юқорилигича сақланиб қолмоқда;

– экспорт ҳажмининг пасайиши фонида валюта девальвацияси давом этмоқда;

– савдо баланси салбий қолдиғи билан ташқи қарз ошиши параллель равишда юзага келмоқда.

4. Бизнингча, ташқи қарзни самарали бошқаришда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим, деб ўйлаймиз:

– давлат кафолати остида ташқи қарз жалб этишнинг ҳозирги тенденцияси, яъни хусусий секторга давлат кафолатини қатъий меъёрлар билан бериш;

– давлат улуши бўлган корхоналарни яқин истиқболда хусусий секторга сотиш орқали ташқи қарзда давлат улушини камайтириш;

– давлат даромадларининг солиқсиз манбаларини ошириш ва қарз миқдорини улар ҳисобидан қайтаришда мезонлар белгилаш;

– савдо балансининг ижобий қолдиққа эга бўлишига эришиш орқали ташқи қарзни арзон валюталар орқали қайтариш имконига эришиш;

– ташқи қарз валюта таркибининг ўзаро нисбатини мамлакат олтин-валюта захирасидаги валюталар нисбати билан уйғунлаштириш.

5. Ялпи ички маҳсулотнинг пасайиши шароитида қатъий белгиланган давлат қарзи суммаси бошқа макроиқтисодий кўрсаткичларга нисбатан улуши ошиши кузатилишига шароит яратилиши мумкин. Шу боисдан, ЯИМга нисбатан фоизларда белгиланиши иқтисодий пасайиш даврида давлат қарзи ҳажмини ҳам уйғун тарзда пасайтиришга имкон беради.

6. Давлат қарзини шакллантиришда ташқи ва ички манбаларнинг ўзаро нисбатларига аниқлик киритиш, ички манбаларга устуворлик бериш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Биринчидан, мамлакатда валюта курси билан боғлиқ бўлган рискларнинг юзага келишининг олдини олади. Иккинчидан, жаҳон иқтисодиётидаги геосиёсий таъсирнинг оқибатларини юмшатишга имкон беради. Учинчидан, ташқи манбалар томонидан, турли хил шартларнинг юзага келишини баратараф этишга ёрдам беради.



7. Ўзбекистонда давлат қисқа муддатли облигациялари амалиётдан бошқа молиявий инструментлардан фойдаланиш кузатилмаяпти. Бу эса ўрта ва узоқ муддатли облигацияларни ҳам амалиётга жорий қилиш муҳим ҳисобланади. Бундан ташқари, халқаро фонд бозорларидан ҳам маблағлар жалб этилганда, облигацияларнинг шаклларига аниқликлар киритиш. Жумладан, халқаро миқёсдаги облигацияларни ўзаро фарқлантириш мақсадга мувофиқ.

8. Фикримизча, ЕОИИга аъзолик масаласини таҳлил қилишимиз билан бирга, параллел равишда ЖСТга аъзоликка қўйилаётган муҳим қадам сифатида баҳолашимиз мумкин. Шуни ҳам қайд этиш керакки, ЕОИИ ҳудудида маҳсулотларга (маркировка, сифат, санитария нормалари ва бошқалар) нисбатан бўлган алоҳида меъёрлар тизими ишлаб чиқилган. Бу ва шу каби бошқа талаблар турли маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш жараёнида турли сифат ўзгаришларни киритишни талаб этади. Бунда монопол деб ҳисобланадиган айрим тармоқларнинг фаолияти ҳам хавф остида қолиш эҳтимоли йўқ эмас. Эҳтимол, бизда ҳам менежмент ва ишлаб чиқариш жараёнларини сифат жиҳатдан тубдан ўзгартириш даври етиб келгандир. Бу жараёнлар ўз-ўзидан Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлишига ҳам хизмат қилишига асос бўлади.

9. Бизнингча, Ўзбекистон учун халқаро иктисодий муносабатларни, айниқса, савдо муносабатларини ривожлантиришда куйидаги жиҳатларни инobatга олиш мақсадга мувофиқ:

- \* ташқи савдо айланмасини ҳам географик жиҳатдан, ҳам товарлар жиҳатидан диверсификация қилиш;

- \* савдо айланмасида маълум бир давлатнинг позициясига суяниб қолмаслик;

- \* иттифоқ доирасида ёки савдо ҳамкорлари билан тариф ва нотариф тўсиқларни мувозанатлаштиришга эришиш.

## Фойдаланилган адабиётлар

### I. Асосий адабиётлар

1. Абдуллаев Д.Ш. Ўзбекистонда давлат қимматли қоғозларини чиқариш, жойлаштириш ва уларнинг муомаллада бўлиши механизмини такомиллаштириш//Молия ва банк иши электрон илмий журнали. –Т., 2019. - №2. – 187-193.

2. Анисимова А.С. Особенности влияния государственного долга на систему социальных отношений автореферат ... к.с.н. – Москва. Московский государственной приборостроения и информатики, 2000. – 24 с.

3. Бегман Ю.С. Госдолг – угроза финансового банкротства страны. <https://cyberleninka.ru/article/n/gosdolg-ugroza-finansovogo-bankrotstva-strany/viewer>

4. Бурханов А.У. Мамлакат молиявий хавфсизлигининг моҳияти ва уни таъминлашнинг айрим долзарб масалалари// “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 4-5, август-октябрь, 2018 йил.

5. Бурханов У.А. Иқтисодиётнинг эркинлашуви шароитида давлат бюджети тақчиллигининг омиллари ва қисқартириш масалалари: и.ф.н. ... автореферат. – Т.: БМА, 2002. – 22 б.

6. Бушман Ю.В. Теоретические основы формирования денежно-кредитной политики в открытой малой экономике переходного типа: автореферат ... к.э.н. – Москва. Институте проблем рынка РАН, 2004. – 18 с.

7. Д.А.Смирнов Государственный долг и налоги как финансовые инструменты бюджетной политики государства: анализ основных концепций. Электрон источник: <https://cyberleninka.ru/article/n/gosudarstvennyy-dolg-i-nalogi-kak-finansovye-instrumenty-byudzhetnoy-politiki-gosudarstva-analiz-osnovnyh-kontseptsiy/viewer>

8. Ерохина Ю.В. Денежное предложение центрального банка и экономический рост: теоретический аспект: автореферат ... к.э.н. – Москва. Центре эволюционной экономики ФГБУН Института экономики РАН, 2012. – 36 с.

9. Жумаев Н., Раҳмонов Д. Жаҳон иқтисодиётининг янги инкирози – иқтисодий ҳаракатсизлик. Электрон манба: <https://review.uz/oz/exg>.

10. Жумаев Н., Раҳмонов Д. Коронавирус жаҳон иқтисодиётига таъсир қилади(ми)? Электрон манба: <https://review.uz/oz/xzl>

11. Жуманиязов И.Т. Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси молиявий маблағларидан самарали фойдаланиш йўллари: и.ф.б.ф.д.дисс. автореферати. – Т. ТМИ, 2019. – 54 б.

12. Колесникова Т.В. Роль государственного бюджета в повышении международной конкурентоспособности экономики КНР: автореферат ... к.э.н. – Санкт-Петербург. Санкт-Петербургский государственный университет аэрокосмического приборостроения, 2019. – 22 с. Электрон манба: <https://unecon.ru/sites/default/files/d20kolesnikovatv.pdf>

13. Колесов А.С. Финансовая политика государства: методология оценки и повышения результативности: автореферат ... д.э.н. – Санкт-Петербург: Санкт-Петербургский государственный университет, 2014. – 50 с.

14. Косенкова К.В. Совершенствование системы управления внешним государственным долгом Российской Федерации: автореферат ... к.э.н. – Краснодар. Кубанского государственного университета, 2011. – 28 с.

15. Кумыков А.А. Государственный долг: экономическая природа и место в хозяйственном механизме: автореферат ... д.э.н. – Москва: Кабардино-Балкарском университете им. Х.М.Бербекова, 2003. – 51 с.

16. Қосимова Г.А. Ғазначилик шароитида давлат бюджетини самарали бошқариш// “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий-электрон журнали. № 3, декабрь, 2016 йил

17. Люшнина Н.О. Институциональные основы внешнего долга России: автореферат ... к.э.н. – Москва. Финансовый университет при Правительстве Российской Федерации, 2015. – 26 с.

18. Лясникова Ю.В. Государственный долг экономически развитых стран как фактор усиления макроэкономического дисбаланса и глобальной нестабильности//МИР (Модернизация. Инновации. Развитие) – М.: -2016. - №3, - С. 189-194.

19.Макарейкина М.Р. Специфика и типы модернизации в контексте линейных и альтернативных теорий: вектор развития экономики России// Вестник Пермского государственного университета. Экономик а. – Т.2. – 2017. – №1. – С. 23-37

20.Мирошниченко М.М. Влияние государственного долга на устойчивость национальной финансовой системы: автореферат ... д.э.н. – Москва: МГУ им. Ломоносова, 2009. – 24 с.

21.Моисеев А.К. Макрофинансовая политика экономического роста: автореферат ... д.э.н. – Москва. Институт народнохозяйственного прогнозирования Российской академии наук, 2017. – 45 с.

22.Ниёзов М.А.. Нишонова Д.Б. Жаҳон мамлакатларининг қарзи: замонавий жиҳатлари, рейтинги ва Хитой қарз ўпқони//Иқтисод ва молия журнали. – Т.: 2017. - №6. – Б.60-65.

23.Ноздрева Государственный долг Японии: анализ особенностей и оценка перспектив//Вестник МГИМО – Университета. 2019. -№12 (5). - С.114-133. Электрон ресурс: <https://cyberleninka.ru/article/n/gosudarstvennyy-dolg-yaponii-analiz-osobennostey-i-otsenka-perspektiv/viewer>

24.Оливье Бланшар «Предложения по новому установлению финансовых показателей», Рабочий доклад ОЭСР № 79. 1990.

25.Остонакулов М. Ғазначиликка ўтиш шароитида давлат қарзларини бошқариш//Иқтисод ва молия, 2010. - №5. – Б.41-47.

26.Пензин П.О. Проблема внешней задолженности России и возможные пути ее решения: автореферат ... к.э.н. – Москва. Институте Европы РАН, 2005. – 28 с.

27.Попенко Е.В. К вопросу о внешнем долге России// Актуальные вопросы экономических наук. Электрон манба: <https://cyberleninka.ru/article/n/k-voprosu-o-vneshnem-dolge-rossii/viewer>

28.Савина Е.Г. Совокупный национальный внешний долг. 2012. Электрон манба: <https://cyberleninka.ru/article/n/sovokupnyy-natsionalnyy-vneshniy-dolg/viewer>

29.Смит А. Исследование о причинах и природе богатства народов. М., 1962. С.33.

30.Сорос Дж. Алхимия финансов. М., 1996. 340с.

31. Тишаков А., Хатипова А. Роль госдолга США в мировом движении капитала. <https://mirec.mgimo.ru/2011-04/rol-gosdolgs-usa>

32. Тожиева З. Давлат қарзини бошқариш стратегияси//Биржа, 2019. - <http://biznes-daily.uz/uz/gazeta-birja/69301-davlat-qarzini-boshqarish-stratgiyasi>

33. Трунины П. Состояние внешнего долга России//Экономическое развитие России. – Том 25. -№9, сентябрь-октябрь. 2018. Электрон манба: <https://cyberleninka.ru/article/n/sostoyanie-vneshnego-dolga-rossii/viewer>

34. Цареградская Ю.К. Правовое регулирование государственного долга России как института в системе финансового права: автореферат ... к.ю.н. – Москва. Московский государственный юридический университет имени О.Е. Кутафина, 2016. – 48 с.

35. Чекушина Т.В. Методология и оценка состояния государственных долгов//Вестник РУДН. Сер. Инженерные исследования, 2006. -№1(12). – с. -148-158. Онлайн источник: <https://cyberleninka.ru/article/n/metodologiya-i-otsenka-sostoyaniya-gosudarstvennyh-dolgov/viewer>

36. Шеров А.У. Ўзбекистонда бюджет сиёсатининг ривожланиш тенденциялари ва унинг амалдаги ҳолати таҳлили//Молия ва банк иши илмий электрон журнали, 2019. - №1. -Б.30-38.

37. Шпрингель В.К. Механизмы формирования валютных кризисов на развивающихся рынках: автореферат ... к.э.н. – Москва. Государственном университете - Высшей школе экономики, 2003. – 17 с. Электрон манба: [https://www.hse.ru/data/967/035/1239/avt\\_Shpringel.pdf](https://www.hse.ru/data/967/035/1239/avt_Shpringel.pdf)

38. Adams T.J., editor Hamiltonian Principles, 1928, p. 147. (letter to Morris, 1781).

39. Amadeo K. The US debt and how it got so big. Five reasons why America is in debt//The balance. – 2019. – 28.03. – Mode of access: <http://www.thebalance.com/u-s-debt-and-how-it-got-so-big-3305778>

40. Eaton J., Gersovitz M. Debt with Potential Repudiation: Theoretical and Empirical Analysis//The Review of Economic Studies, Vol. 48, No. 2. (Apr., 1981), pp. 298–300.

41. Jean Baptiste Say A Treatise on Political Economy, 1827, p. 442.

42. Keynes, John Maynard. The General Theory of Employment, Interest and Money, Macmillan Cambridge University Press, 1936. URL: <https://www.marxists.org/reference/subject/economics/keynes/general-theory/index.htm>

43. Ricardo D. Principles of Political Economy and Taxation, под редакцией Gonner, 1913 год. С, 228-229,

44. Rogoff K. Modern monetary nonsense//Project syndicate. – 2019. -04.03. Mode of access: <https://www.project-syndicate.org/commentary/federal-reserve-modern-monetary-theory-dangers-by-kenneth-rogoff-2019-03/russian?barrier=accesspaylog>

45. Tully S. America's disastrous new normal: A booming economy and soaring deficits//The Fortune. – 2019. -05.01. – Mode of access: <http://fortune.com/2019/01/05/us-economy-deficit-government/>

## **II. Халқаро ташкилотлар ва маҳаллий ваколатли органлар ҳисоботлари**

46. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, 2020 йил март. 2019 йил учун Ўзбекистон Республикасининг тўлов баланси, халқаро инвестицион позицияси ва ташқи қарзи.

47. Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги. Ўзбекистон Республикасининг Давлат қарзи ҳолати ва динамикаси шарҳи 2019 йилнинг III чораги

48. IMF Country Report No. 20/15 Republic of Uzbekistan technical assistance report—monetary and financial statistics mission (July 17–August 2, 2019).

49. International Debt Statistics 2020. International Bank for Reconstruction and Development / The World Bank

50. International Monetary Fund (IMF). 2019. Fiscal Monitor: How to Mitigate Climate Change. Washington, October. p. 65

51. International Monetary Fund. Fiscal Monitor: Debt—Use It Wisely. October 2016

52. Making debt work again for development: current pitfalls and challenges ahead. The unfolding debt crisis in developing countries revisited: Overview and recent trends. 12th UNCTAD Debt Management Conference 18 - 20 November 2019

53. World Bank IDA Addressing Debt Vulnerabilities in IDA Countries: Options for IDA 19. June 4, 2019.

54. World Bank. 2019. International Debt Statistics 2020. Washington, DC: World Bank. p. 139.

55. World Bank. 2019. International Debt Statistics 2020. Washington, DC: World Bank. p. 139.

56. Осиё тараққийёт банки маълумотлари. Онлайн манба: <https://www.adb.org/countries/uzbekistan/main>

57. Қозоғистон Молия вазирлиги маълумотлари асосида тайёрланган.

[http://www.minfin.gov.kz/irj/portal/anonymous?NavigationTarget=ROLES://portal\\_content/mf/kz.ecc.roles/kz.ecc.anonymous/kz.ecc.anonymous/kz.ecc.anonym\\_budgeting/budgeting/state\\_debt\\_fldr/statistics\\_fldr](http://www.minfin.gov.kz/irj/portal/anonymous?NavigationTarget=ROLES://portal_content/mf/kz.ecc.roles/kz.ecc.anonymous/kz.ecc.anonymous/kz.ecc.anonym_budgeting/budgeting/state_debt_fldr/statistics_fldr)

### III. Интернет сайтлари маълумотлари

58. General government deficit. URL: <https://data.oecd.org/gga/general-government-deficit.htm>

59. <http://dmo.mf.uz/eurobonds/>

60. <http://dmo.mf.uz/total-public-debt/#>

61. <http://dmo.mf.uz/treasury-bills/>

62. <https://anhor.uz/society/koefficient-obligacii-1992-goda-ustanovlen-v-razmere-1-k-1373-sum>

63. <https://www.bea.gov/news/2020/gross-domestic-product-fourth-quarter-and-year-2019-second-estimate>

64. <https://www.rbc.ru/economics/26/06/2019/5d12dcef9a794712e6f4ea68>

65. <https://www.thebalance.com/u-s-debt-to-china-how-much-does-it-own-3306355>

66. <https://openknowledge.worldbank.org/bitstream/handle/10986/32382/9781464814617.pdf>

67. <https://www.theglobaleconomy.com/rankings/Reserves/>

68. [https://www.treasurydirect.gov/govt/reports/pd/pd\\_debttothepeppy.htm](https://www.treasurydirect.gov/govt/reports/pd/pd_debttothepeppy.htm)

69. <https://www.worldbank.org/en/topic/debt/overview>

70. Туркиянинг Anadolu агентлиги маълумотларидан  
фойдаланилган <https://www.aa.com.tr/>

71. Государственный долг Казахстана вырос почти на два трлн  
тенге... [https://kursiv.kz/news/ekonomika/2019-05/gosudarstvennyu-  
dolg-kazakhstan-vyros-pochti-na-dva-trln-tenge](https://kursiv.kz/news/ekonomika/2019-05/gosudarstvennyu-dolg-kazakhstan-vyros-pochti-na-dva-trln-tenge)

72. Дефицит бюджета Великобритании в 2018-2019 фингоду  
снизился до 17-летнего минимума  
<http://www.finmarket.ru/database/news/4987991>



## МУНДАРИЖА

	<b>КИРИШ</b> .....	5
<b>I БОБ.</b>	<b>ДАВЛАТ ҚАРЗИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ</b>	
1.1.	Давлат қарзининг вужудга келиши ва унинг назарий асослари .....	7
1.2.	Давлат қарзининг шакллари ва уни бошқаришнинг илмий-услубий асослари .....	21
1.3.	Давлат қарзларини бошқаришнинг хорижий тажрибалари.....	36
	Биринчи боб бўйича хулоса .....	52
<b>II БОБ.</b>	<b>ДАВЛАТ ҚАРЗИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА УНИ БОШҚАРИШНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ</b>	
2.1.	Давлат қарзининг шаклланишига таъсир этувчи омил – бюджет дефицити ва макроиктисодий барқарорлик .....	57
2.2.	Ўзбекистонда давлат ташқи қарзини бошқаришнинг амалдаги ҳолати таҳлили .....	72
2.3.	Ўзбекистонда давлат қарзини бошқаришда молия бозори ва унинг таҳлили .....	86
	Иккинчи боб бўйича хулоса .....	97
<b>III БОБ.</b>	<b>ДАВЛАТ ҚАРЗИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ</b>	
3.1.	Давлат қарзини бошқариш стратегияларини ишлаб чиқишда халқаро меъёрларни жорий этишнинг зарурлиги .....	100
3.2.	Ўзбекистонда давлат қарзини бошқариш тизимини такомиллаштириш .....	109
	Учинчи боб бўйича хулоса .....	118

**IV БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ  
МУНОСАБАТЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ  
ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ**

<b>4.1</b>	Ўзбекистонда глобаллашув ва Жаҳон савдо ташкилоти билан муносабатлар .....	121
<b>4.2</b>	Иқтисодий ҳаракатсизлик инкирози: халқаро ва миллий амалиёт .....	127
<b>4.3</b>	Евроосиё иқтисодий иттифоқи ва Ўзбекистон: жорий ҳолат ва истиқбол .....	136
	Тўртинчи боб бўйича хулосалар .....	148
	<b>ХУЛОСА</b> .....	151
	<b>ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР</b> .....	154

# ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ ҚАРЗИ ВА ИҚТИСОДИЙ ГЛОБАЛЛАШУВ

(Монография)

Тошкент – «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи» – 2021

Мухаррир: М.Хайитова  
Тех. муҳаррир: А.Мойдинов  
Мусаввир: А.Шушунов  
Мусахҳиҳа: Ш.Мирқосимова  
Компьютерда  
саҳифаловчи: М.Зойирова

**E-mail: [nashr2019@inbox.ru](mailto:nashr2019@inbox.ru) Тел: +998999209035**

**Нашр.лиц. № 3226-275f-3128-7d30-5c28-4094-7907, 10.08.2020.**

**Босишга рухсат этилди 01.05.2021**

**Бичими 60x84 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>. «Times Uz» гарнитураси. Офсет усулида босилди.**

**Шартли босма табағи 11,0. Нашр босма табағи 10,25 .**

**Тиражи 300. Буюртма № 31**

**«Иновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи»  
босмахонасида чоп этилди.**

**100174, Тошкент ш., Олмазор тумани Университет кўчаси, 7-уй.**









ISBN 978-9943-7135-2-9



9 789943 713529